

687
K 80

ҚУРБОНОВ Ф.А., БЕХБУДОВ Ш.Х.

**ЕҢГИЛ САНОАТ
ЖИХОЗЛАРИ ПУХТАЛИГИ**



Курбонов Ф.А., Беҳбудов Ш.Ҳ.

ЕНГИЛ САНОАТ ЖИҲОЗЛАРИ ПУХТАЛИГИ

ўқув қўлланма

Бухоро вилоят босмахонаси" МЧЖ
нашиёти – 2019 йил

УУК: 621.8
КБК: 30.8
К 80

ISBN 978-9943-6218-4-8

Тақризчилар:

А.Дж. Джураев – ТТЕСИ “Машинашунослик
ва сервис измати”
кафедраси профессори

Рахмонов Х.Қ. – БұхМТИ “ЕСТЖ”
кафедраси профессори

Ушбу үкүв күлланмада енгил саноат машиналарининг ишончлилиги, машиналарнинг пухталиги ва уларни таъмирлаш ҳақида асосий түшунчалар, техник хизмат курсатиш, машина ва аппаратларнинг барқарорлиги, машина деталларини тиклаш технологик жараёнлари, деталларнинг ейилиши ва унинг сабаблари, жиҳозларни таъмирлаш, машиналарни қисмларга ажратиш түғрисида умумий маълумотлар берилған. Бундан ташқары тайёр маҳсулотнинг таркиби тажрибалар ўтказиш жараёнлари орқали таҳлил қилинган ва назарий усуллари баён этилған.

В этом учебном пособии представлена общая сведения о надежности машин легкой промышленности, устойчивости машин и аппаратов, разборка и сборка деталей машин, основные понятия о технического обслуживания и ремонта оборудования, износ деталей и их причины, технологические процессы восстановления деталей машин. Кроме этого, анализирован состав готового продукта с помощью экспериментальных процессов и описаны теоретические методы.

This tutorial presents general information about the reliability of machines of light industry, the stability of machines and devices, disassembly and assembly of machine parts, basic concepts about the maintenance and repair of equipments, wear of parts and their causes, technological processes of repairing machine parts. In addition, the composition of the finished product was analyzed using experimental processes and theoretical methods were described.

© “Бұхоро вилоят босмахонаси” МЧЖ нашриёти, 2019 й.

82384

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I – БОБ	
1.1 Замонавий машиналар учун пухталик муаммосининг аҳамияти.....	5
1.2 Машиналарнинг пухталиги ва уларни таъмирлаш хақида асосий тушунчалар.....	14
1.3 Маҳсулот сифати.....	18
1.4 Машина ва аппаратларнинг барқарорлиги ва уни ошириш йўллари.....	26
1.5 Машиналарнинг баркарорлик кўрсаткичлари номенклатурасини танлаш.....	33
1.6 Пухталик назарияси элементлари. Пухталик назариясининг асосий тушунчаси.....	36
1.7 Қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган деталларнинг ишончлилик миқдорий кўрсаткичлари.....	44
1.8 Меҳнат унумдорлиги ва пухталик кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик.....	49
II – БОБ	
2.1 Машиналар ва ускуналарни таъмирлашдаги ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар.....	51
2.2 Машина деталларини тиклаш технологик жараёнлари.....	63
2.3 Ишламай қолишлилар класификатсияси.....	73
2.4 Маҳсулот пухталигининг математик модели.....	79
2.5 Материалларда ўзгаришларни таърифловчи қонуниятлар таҳдили.....	98
2.6 Материалларнинг юза қатлами ва унинг кўрсаткичлари	112
2.7 Эскириш жараёнининг таснифи.....	123
2.8 Детал материали заарланиш даражасини баҳолаш.....	135
Тест саволлари.....	145
Терминлар лугати (глоссарий).....	158
Фойдаланилган адабиётлар.....	170

КИРИШ

Республикамизда енгил саноатни ривожлантиришда рақобатбардош бўлган сифатли тикув маҳсулотларини ишлаб чиқишига ҳамда юқори иш унумига эга бўлган тикув машиналарини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришига энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692 сон «Жисмоний ва маънавий эскирган жиҳозларни янгилаш, ҳамда соҳалар ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш бўйича қўшимча чоратадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишига ушбу тадқиқот иши маълум даражада хизмат қиласди.

Машиналар ва уларнинг иш шароитлари турли хил бўлишига қарамасдан, пухталик кўрсаткичлари умумий қонунлар бўйича шаклланади ва бу пухталикни баҳолаш ва ҳисоблаш учун, шунингдек машиналарни ишлаб чиқариш, синаш ва ишлатиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Пухталик бу вақт бўйича юзага чиқадиган ва машинани ишлатиш давомида унда содир бўладиган ўзгаришларни ўзида акс эттирадиган маҳсулот сифатининг асосий курсаткичларидан биридир.

Маҳсулотнинг асосий ишчи органларини мустахкамлиги, деформациялари, иссиқлик майдонлари ва бошқа характеристикаларини баҳолаш учун унинг пухталиги лойиҳалаш босқичида ҳисобланishi керак.

Бу масалаларни ечиш ва пухталикни ҳисоблашнинг мухандислик усууларини яратиш ушбу муаммонинг қуйидаги хусусиятлари билан мурақкаблашади:

- барча қонуниятларда вақт омили иштирок этади;
- машина характеристикаларининг ўзгаришини аниқлаб берувчи физик қонуниятлар хилма-хил ва мураккаб;
- маҳсулот параметрларининг ўзгариш жараёни тасодифий ҳисобланади;
- машинани яратиш ва ишлатишнинг барча босқичлари пухталик кўрсаткичларининг шаклланишида ўз ҳиссанини қушади.

I БОБ.

1. 1. ЗАМОНАВИЙ МАШИНАЛАР УЧУН ПУХТАЛИК МУАММОСИННИНГ АҲАМИЯТИ.

1.1.1. Машиналар пухталиги

Техниканинг ривожланиши мураккаб, такомиллашган машина ва жиҳозларни яратиш, уларнинг характеристикасига қўйилган талабларни доимий ошириб бориш, турли хилдаги техник қурилмаларни ягона комплексга бирлаштириш заруриятлари билан боғлиқдир.

Буларнинг барчаси келгусида жамият ишлаб чиқариш кучининг ривожланиши учун ечими зарурий шарт бўлиб ҳисобланган янги фан – техника муаммоларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Пухталик – бу машинасозликдаги асосий муаммолардан биридир. Замонавий машиналарнинг ривожланиши учун автоматлаштириш даражасини ва юкланиш, тезлик, ҳарорат каби ишчи параметрларини ошириш, габарит ўлчамлари ва массасини имкони борича камайтиришга эришиш, аниқ ишлаши ва иш самарадорлигига бўлган талабларни ошириш, машиналарни ягона бошқарув тизимига бирлаштириш каби йўналишлар характеристидир.

Пухталик бутун ишлатиш даврида машинанинг талаб этилган сифат кўрсаткичларини сақлаш хоссаларини ўзида акс эттиради.

Машиналар пухталиги муаммосининг ечими – бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг улкан захирасидир.

Пухта тайёрланмаган машинанинг иш самарадорлиги ҳам паст бўлади, чунки алоҳида элементларининг шикастланиши туфайли унинг ҳар бир тўхташи кўплаб материал харажатларини келтириб чиқаради.

Ҳозирги вактда ҳатто ривожланган давлатларнинг саноати ҳам ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг пухталиги ва умрбокийлиги пастлиги туфайли улкан йўқотишларга дуч келмоқда. Вахоланки, бутун ишлатиш даврида машиналарни ейилиши туфайли таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга сарфланадиган харажатлар янги машинанинг нархидан бир неча марта ортиқдир. Масалан, автомобиллар учун 6 баравар, самолётлар учун 5 баравар, станоклар учун 8 баравар, радиотехник аппаратура учун 12 баравар, коррозия туфайли ҳар йили 10% гача метал йўқотилади.

Буг турбиналари, домна печлари, оғир кранлар ва бошқа шу каби машиналарнинг ишдан чиқиши улкан вакт ва маблағларнинг йўқотилиши билан боғлиқдир. Технологик жиҳозларнинг ишончсиз

ишлиши сифатсиз ва ишончсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришга олиб келиши мумкин.

Машинани лойиҳалаш, тайёрлаш ва ундан фойдаланишининг барча босқичлари билан пухталик муаммосининг боғлиқлиги унинг хусусияти бўлиб ҳисобланади. Машинани лойиҳалаш ёки тайёрлаш босқичида пухталик бўйича қабул қилинган асосий ечимлар кўпинча ўзаро қарама-қаршиликка дуч келадиган ишлатиш ва иктисодий кўрсаткичларига бевосита таъсир қиласди. Шунинг учун пухталик кўрсаткичлари ва машинани лойиҳалаш, тайёрлаш ва ишлатиш босқичларида пухталикни ошириш имкониятлари орасидаги боғлиқликни аниқлаш зарур.

Машинани ҳисоблаш ва лойиҳалашда унинг пухталиги асосланади. Бунда пухталик машина ва унинг узелларини конструкциясидан, қўлланиладиган материаллардан, ҳар хил заарали таъсирлардан химоя килиш усулларидан, мойлаш тизимидан, таъмирлаш ва хизмат кўрсатишга мосланганидан ва бошқа конструктив хусусиятларидан боғлиқдир.

Машинани тайёрланашда унинг пухталиги таъминланади. Бунда пухталик тайёрланган деталларнинг сифатидан, ишлаб чиқарилган маҳсулотни назорат қилиш усулларидан, технологик жараённинг боришини бошқариш имкониятларидан, машина ва унинг узелларини йиғиш сифатидан, тайёр маҳсулотни синаш усулларидан ва технологик жараённинг бошқа кўрсаткичларидан боғлиқдир.

Машинани ишлатишида унинг пухталиги жорий қилинади. Бузилмасдан ишлаш ва умброкийлик кўрсаткичлари фақат машинадан фойдаланиш жараёнида намоён бўлади ва машинани ишлатиш усул ва шартларидан, таъмир тизимидан, техник хизмат кўрсатиш усулларидан, иш тартиботидан ва бошқа ишлатиш омилларидан боғлиқ бўлади.

1.1.2. Машиналар пухталиги ҳақидаги фаннинг ўрганадиган муаммолари.

Техниканинг ривожланиб бориши шароитларида амалиёт машиналарни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва ишлатиш соҳасида пухталик ҳақидаги фан олдида мақбул конструктив ечимларни излаб топиш бўйича, машинанинг техник ҳолатини баҳолаш, диагностика, оғир ишлатиш шароитларида ва кутилмаган вазиятлар пайдо бўлишида иш қобилиятини таъминлаш бўйича янги вазифалар қўяди.

Пухталик ҳақидаги фан техник курилмалар ва тизимларнинг сифат кўрсаткичларини ўзгариши қонуниятларини ўрганади ва шу асосида кам

вакт ва воситаларни сарфлаган ҳолда уларнинг узок муддат бузилмасдан ишлашини таъминлайдиган усулларини ишлаб чиқади.

Бу фан тизимнинг ҳолатини олдиндан айтиб бериш асосида пухталиктининг талаб этилган даражасини таъминлаш учун мақбул қарорлар қабул қилиш (ечимлар) назариясини ишлаб чиқади.

Пухталик масалаларининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

а) вакт омили, модомики машинани ишлатиш жараёнида бошлангич параметрларнинг ўзгариши баҳоланади.

б) чиқиш параметрларини (сифат кўрсаткичларини) саклаш нуқтаи назаридан объектнинг ҳолатини олдиндан айтиб бериш.

Машина сифат кўрсаткичларининг ўзгариши абсолют ва нисбий булиши мумкин.

Сифатнинг абсолют ўзгариши машинага таъсир қиласиган ва унинг материали хоссалари ёки ҳолатини ўзгартирадиган турли хил жараёнлар билан боғлиқдир. Бу жараёнлар таъсирида машинанинг кўрсаткичлари пасаяди ва у физик емирилади.

Машина сифатининг нисбий ўзгариши такомиллашган янги машиналарнинг пайдо булиши билан боғлиқдир. Бунда унинг кўрсаткичлари ўрта даражага нисбатан паст бўлади, яъни машина маънавий эскиради.

Пухталик хақидаги фан машина хоссаларининг абсолют ўзгаришига олиб келувчи сабаблар таъсирида сифат кўрсаткичларининг ўзгаришини ўрганади.

Пухталик муаммоси биринчи навбатда айнан олдиндан айтиб бериш билан боғлиқдир, чунки ўз ресурсини ишлатиб бўлган машина учун пухталик даражасини қайд қилиш катта аҳамиятга эга эмас. Хусусан, машинани яратишнинг илк босқичларида – уни лойихалаш ёки тажриба намунасини тайёрлашда ишлатишнинг мўлжалланган шароитларида унинг пухталигини баҳолаш зарур.

Пухталик бўйича фан ва тадқиқотлар асосан икки йўналишда ривожланади.

Радиоэлектроникада пайдо бўлган биринчи йўналиш пухталиктининг юкори даражасини таъминловчи пухталиктин баҳолашнинг математик усулларини ривожланиши, ахборотни статистик ишлаш ва мураккаб тизимлар структурасини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир.

Машинасозликда пайдо бўлган иккинчи йўналиш машинанинг зарурий пухталигини таъминловчи инкорлар физикасини ўрганиш

(еийлиш, толиқиб емирилиш, коррозия), мустахкамликка, ейилишга ва бошқаларга ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда технологик усулларини құллаш билан боғлиқдир.

1.1.3. Пухталик ҳақидаги фаннинг назарий асослари.

Илмнинг ҳар қандай соħаси каби пухталик ҳақидаги фан асосий математик ва табиий фанларга, уларнинг құйилған масалаларни ечишга құмаклашуви булиmlари ва назарий ишланмаларига асосланади.

Хозирги вактда пухталик назариясининг математик усуллари көң ривожланды. Эхтимоллар назарияси ва математик статистика, шунингдек улар билан үзаро боғланған фанлар асосида маҳсулоттар пухталиги муаммолари асосий жиһатлари билан боғлиқ бұлған маҳсус ҳисоблаш усуллари яратылды ва ишлаб чиқылды.

Бирок, машинасозлиқда пухталиknи ҳисоблаш учун құлланиладиган математик усулларнинг таҳлили шуни құрсатады, улар ҳамма вакт ҳам содир бұладиган ҳодисалар билан мос равища құлланилмайды.

Математика – бу фойдаланиш самарадорлығи имкониятларининг құйилған масалага мос келиши дарајасидан боғлиқ бұлған асбобдир. Машинасозлик учун бу аппарат инкорлар пайдо булиши ва бартараф этишининг үзига хос хүсусиятларини ҳисобға олиши керак. Бу үзига хос хүсусият пухталик масалаларини ечиш учун нафақат инкорлар статистикаси калит бұла олмаслигини билдиради.

Пухталик назариясининг математик усулларини ривожлантириш зарур, бирок бу фаннинг назарий асосларини шакллантириш учун етарлы әмас.

Машиналар тайёрланған ва уларнинг ишлаши учун зарур бұлған материаллар (ёқайлғи, мойлаш материаллари ва ҳ.о) хоссаларининг үзгариши, бузилиши ва эскиришидаги физик-кимёвий жараёнларни үрганувчи табиий фанларнинг тадқиқот натижалари пухталик ҳақидаги фаннинг иккінчи назарий асоси булиб ҳисобланади.

Материалларнинг механик бузилиши турларини (материаллар қаршилиғи), материаллар ва уларнинг сиртқи қатламларыда содир бұладиган үзгаришларни (физик-кимёвий механика, триботехника), материаллар емирилишининг кимёвий жараёнларини (металар коррозияси, полимерлар эскириши) ва бошқаларни үрганадиган фанлар бунга мисол бұла олади.

Инкорлар физикаси машинани ишлатишда материалнинг бошланғич хоссаларини йўқотишига олиб келувчи қайтмас жараёнларини ўрганади. Бунда барча ҳодисаларни вақт бўйича кўриб чиқиш ушбу тадқиқотларнинг асосий хусусияти бўлиб ҳисобланади. Инкорлар физикасининг вақтинчалик қонуниятлари пухталиктиннинг асосий масалаларини ечиш учун база бўлиб ҳисобланади.

Пухталик назариясида берилган типдаги машиналарни ҳисоблаш ва лойиҳалаш соҳасидаги эришилган барча ютуқлар, шунингдек машинани ишлаб чиқариш ва ишлатиш жараёнида ўзгариши мумкин бўлган омиллар билан сифат кўрсаткичларининг боғликлигини ўз ичига оловчи уларни тайёрлаш технологияси қўлланилади. Масалан, машинанинг ишчи жараёнини тавсифловчи тенглама ва боғлиқликлар, юзага келувчи динамик зўриқишилар, ишчи органларнинг силжиш қонуллари, қувват характеристикалари, Ф.И.К. ҳамда машина бошланғич кўрсаткичларининг ўзгаришини тахлил қилиш ва математик тавсифлаш учун зарур бўлган бошқа кўрсаткичлар. Машиналар пухталиги тўғрисидаги фан учун уларнинг сифат параметрларини ўзгариши жараёnlарининг эҳтимолли баҳолаш усулларини, эскириш ва емирилиш жараёnlарини аниқловчи қонуниятлар билан қўшилиши характеристидаидир. Пухталиктин талаб этилган кўрсаткичларини таъминлаш шартларидан келиб чиқсан ҳолда машиналар ва уларнинг элементларини ҳисоблаш усулларини бериш машиналар пухталиги фанининг вазифасидир.

Муҳандислик масаласининг асосида ейилиш, коррозия, толиқиши ва бошқа кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда машина параметрларини аниқлашда физик моҳияти ва характеристикаси бўйича турли хил жараёnlар ётганлиги туфайли машиналарни пухталика ҳисоблаш мураккабдир.

Бироқ, машина материалининг емирилиш жараёни қонуниятлари қанчалик мураккаб бўлишига қарамасдан – бу пухталикка муҳандислик ҳисоблашларининг биринчи босқичидир. Бундан ташқари, таъсир қилувчи кучлар характеристири ва тезликларни, бирикмаларнинг ўлчамлари ва конфигурациясини, ишлатиш шартларини, вазифасини ва унинг чиқиш параметрларига қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда машинанинг ҳар хил элементларини умрбокийликка ва бузилмасдан ишлашига ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилиши керак.

1.1.4. Пухталик муаммосининг фалсафий асослари.

Диалектик материализм нуқтаи назаридан пухталикин кўриб чиқиб, биринчи навбатда бир-бири билан боғлиқ бўлган иккита саволга жавоб топиш лозим .

Биринчидан, вакт ўтиши билан машинанинг бошлангич характеристикаларини йўқотиши мажбурий жараён ҳисобланадими, бошқача қилиб айтганда, ишончсизлигини ўрганишдан кўра абсолют пухта машинани яратиш афзалроқ эмасми?

Иккинчидан, қайси фалсафий категориялар ва қонуниятлар пухталик муаммосининг услубий жиҳатларини аниқлайди?

Исталган машина маълум функцияни бажаришда атроф-муҳит билан, машинани бошқарадиган инсон билан, у мўлжалланган обьект билан (технологик машина материал билан, ташиб машинаси ташиладиган юқ билан ва хоказо) ўзаро таъсирида бўлади .

Бунда табиатдаги ҳодисаларнинг умумий универсал алоқасини намоён бўлиши шаклида турли хилдаги сабаб-оқибатли алоқалар пайдо бўлад. Машинага турли хил таъсирлар микдорининг тўпланиши унинг сифат кўрсаткичларининг ўзгаришига ва диалектика қонулари билан мос равишда бошқа сифат ҳолатига ўтиш имкониятига олиб келади.

Шунинг учун ишлатиш пайтида машинада содир бўладиган ўзгаришлар барча материал обьектларнинг муҳим ва ажралмас хоссаси бўлган ҳаракатнинг қонуйи намоён бўлиши ҳисобланади.

Машинани у ишлайдиган муҳит таъсиридан, ишли функцияларни бажаришда унда кечадиган жараёнлар таъсиридан, машинани тайёрлашда кўлланилган технологик жараёнларнинг оқибати ҳисобланган қолдик ҳодисалар таъсиридан ажратиб бўлмайди. Бунда маҳсулот материалларининг емирилиш жараёнларини содир бўлиш эҳтимоли ҳисобга олинниши керак. Шунинг учун машиналарни пухталика ҳисоблаш ва иш қобилиятини йўқотишини олдиндан аниқлашга зътиборни кучайтириш лозим. Энергиянинг барча турлари – механик, иссиқлик, кимёвий, электромагнит энергиялар машинага таъсир қиласи ва унда бошлангич характеристикаларини пасайтирувчи қайтар ва қайтмас жараёнларни келтириб чиқаради.

Шунинг учун машинага таъсир қилувчи заарли таъсирлар манбалари ва сабабларини ўрганиш, машинанинг иш қобилиятини пасайтирувчи жараёнларнинг физик моҳиятини тадқиқ қилиш, турли

хил таъсиrlарга машинанинг реакциясини ўрганиш ва шу асосда ташки мухит билан ўзаро таъсиридан хавфсирамаган ҳолда маълум вақт давомида берилган функцияларни бажарадиган системаларни яратиш зарур.

Машина пухтатиги унинг асосий сифат кўрсаткичларидан бирি бўлиб ҳисобланади.

Фалсафий нуқтаи назардан сифат – бу бир объектнинг бошқа объектлардан фарки ва ўзига хос хусусиятини ифодаловчи ажралмас белгилари йигиндисидир.

Техник курилманинг сифати деганда одатда вазифаси бўйича кўлланилиши учун унинг яроқлик даражасини аниқловчи хоссаларини йигиндиси тушунилади. Бироқ вазифаси бўйича ушбу маҳсулотдан узок вақт давомида фойдаланилиши туфайли, турли хил омиллар таъсири остида унинг сифатини аниқловчи хоссалари ўзгариши мумкин. Шунинг учун сифат кўрсаткичларининг вақт бўйича ўзгаришини ўрганувчи пухталик “сифат динамикаси” бўлиб ҳисобланади.

1.1.5. Пухталикнинг иқтисодий жиҳатлари.

Пухталикнинг эришилган даражасини баҳолаш ва уни ошириш зарурияти биринчи навбатда иқтисодий томондан ечилиши керак, чунки иқтисод пухталикнинг кўплаб амалий масалаларини ечиш учун асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Ваҳоланки, техника ривожланишининг замонавий даражаси амалий жиҳатдан исталган сифат ва пухталик кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва барча иш қўйилган мақсадга эришишдаги харажатларда якунланади.

Сарфланган харажатлар жуда юқори бўлиб, объектнинг пухталигини ошириш самарадорлиги буларнинг ўринини босмаслиги мумкин ва ўтказилган тадбирлар салбий натижаларни келтириб чиқаради.

Пухталикни талаб этилган даражасига эришишнинг турли хил варианtlарини солишибтириш машинани ишлаб чиқариш ва ишлатиш доирасидаги харажатларни ҳисобга олиб, энг катта иқтисодий самарадорликка эришиш шартидан ҳамда машинадан вазифаси бўйича фойдаланишда олинадиган иқтисодий самарадорликдан келиб чиқиши керак. Умумий ҳолда машинани ишлатишда жами иқтисодий самаранинг вақт бўйича ўзгариши иккита асосий омилларнинг таъсири

остида келиб чиқади (1-расм). Бир томондан, лойиҳалаш, тайёрлаш, синаш, созлаш, иш жойига етказиб бериш билан бирга янги машинани *тайёрлашдаги харажатлар* Q_u ни, шунингдек техник хизмат кўрсатиш, таъмирилаш ҳамда машинанинг иш қобилиятини сақлаш ва тиклаш билан боғлиқ барча профилактик тадбирлар билан бирга *ишлатишга бўлган харажатлар* Q_s ни ҳисобга олиш зарур. Бу харажатлар $Q_u + Q_s$ нинг йиғиндиси самарадорлик балансида салбий бўлиб ҳисобланади.

Бошқа томондан, бирор мақсадга қаратилган вазифасидан боғлиқ равишда *машинанинг иши ижобий иқтисодий самара беради* (Q_p). Масалан, технологик жиҳозлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида, ташиш машиналари учун юк ташишда ва бошқалар.


Ишлатишдаги харажатлар Q_s нинг вакт функциясида ўзгариши ўсишга интилади, чунки машина алоҳида элементларининг эскириши йўқотилган хоссаларини тиклаш учун жуда кўп маблаг сарфлашни талаб қиласди.

Машина иши Q_p нинг вакт бўйича ўзгариши эса аксинча, ўсиш жадаллигини пасайтиришга интилади, чунки машинанинг тез-тез таъмирга ва техник хизмат кўрсатишга тўхтаб қолиши унинг самарадорлигини пасайтиради. Шунинг учун жами самарадорликнинг эгри чизиги максимумга эга ва абсцисса ўки t ни икки марта кесиб ўтади

$$Q(t) = Q_u + Q_s(t) + Q_p(t)$$

Жами иқтисодий самарадорлик Q нинг ўсишида вакт даври $t = T_{ok}$, бунда $Q_u + Q_s = Q_p$ қопланиш муддати ҳисобланиб, унда машина ишлатиш пайтида тайёрлаш учун кўйилган харажатларни қоплаган бўлади. $t = T_{ok}$ вазиятдан бошлаб машина фойда келтира бошлади. Бирок, ишлатиш харажатларининг $t = T_{np}$ (T_{np} - машинанинг чегаравий хизмат муддати) гача ўсиши туфайли олинган самаранинг ўсиши астасекин пасайиб боради ва яна $Q_u + Q_s = Q_p$ бўлади. $t > T_{np}$ бўлганда ишлатиш харажатлари машина таъминлай оладиган иқтисодий самарадан катта бўлади. Машинани иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ишлатиш давомийлиги T_s , T_{max} ва машинанинг чегаравий хизмат муддати T_{np} оралигига бўлади

$$T_{max} < T_s < T_{np}$$



1-расм. Машина иқтисодий самарадорлигининг вақт бүйича үзгариши.

Пухталик нұқтаи назаридан машинанинг вариантини таңлаш, у таъминлай оладиган иқтисодий самара билан машинани тайёрлаш ва ишлатишдаги харожатларни солиширишдан келиб чиқиши керак.

Масалан, 1-расмдан куриниб турибиди, машинанинг бошлангич нархи юқори, бироқ унумдорлик, сифат ва пухталик күрсаткічлари хисобига у күпроқ иқтисодий самара беради ва уни узок муддат ишлатиши мақсадға мувофиқдир. Машиналарнинг пухталигини ошириш ва таъминлаш бүйича турли хил имконияттарни баҳолашда мақбул ечимларни таңлаш учун иқтисодий мезон мұхим булып ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Машиналар пухталиги нима?
2. Машиналар пухталиги фанида қандай мұаммолар бор?
3. Машиналар пухталиги назарий асослари нима?
4. Машиналар пухталиги фалсафий асослари нима?
5. Машиналар пухталиги иқтисодий жиҳатлари нима?

Таянч иборалар.

Пухталик, таъмирлаш, умрбоқийлик, абсолют ўзгариш, нисбий ўзгариш, чидамлилик, ишига қобилиятылик, хизмат муддати, инкор, коррозия, динамик зўриқишилар

1.2. МАШИНАЛАРНИНГ ПУХТАЛИГИ ВА ҮЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ҲАҚИДА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

1.2.1. Машинани ишлаш қобилиятининг йўқолиш даражаси.

Машинасозлик заводларида ишлаб чиқарилган замонавий технологик жиҳозлар электрик, гидравлик ва автоматик бошқарув системаларидан тузилган механик қурилмалардан иборатdir.

Жиҳозларни ишлатиш жараёнида машина ва механизмлардаги юзага келадиган салбий ўзгаришлар машина детал ёки узелини ишлаш қобилияти йўқолишига олиб келади.

Машина маълум вақт мобайнида ўзининг ишлаш қобилиятини йўқотиши мумкин. Ишлаш қобилияти йўқотиш даражаси машина вазифаси ва конструкциясига, ишлаш шароитига, узел ва деталларнинг тайёрланниш аниқлигига, сифати текширилишига боғлик булади.

Жиҳозларни ишлатиш мобайнида вазифаси ва техник талабларини қондириши асосий шарт ҳисобланади. Лойиҳаланган ва тайёрланган машина, унга кўйилган технологик функцияни тўғри бажариши билан бир қаторда ишлатиш жараёнида ҳам ўзининг иш қобилиятини саклаб қолиши зарур.

1.2.2. Таъмирлаш. Жорий таъмирлаш. Капитал таъмирлаш.

Ишлаш қобилияти. Пухталик.

Таъмирлаш – ишлаш қобилиятини тиклаш мақсадида машинанинг (ёки айрим қисмларининг) нуқсонларини бартараф этиш мажмуудир.

Машиналар таъмирлаш корхонасида таъмирланади. Бу корхона машинасозлик корхонасининг бир тури бўлиб, унда машинанинг яхши ишлаш қобилиятини йўқотган, аммо ҳали таъмирлашга яроқли бўлган ҳамда ушбу ишлаб чиқариш учун асосий деталлар вазифасини бажарадиган қисмлари (агрегатлар, узеллар, деталлар ва ҳоказо) техник шартларга мувофиқ тарзда таъмирланади.

Жорий таъмирлаш. Машина, агрегат, узелнинг ишлаш қобилиятини таъминлаш ёки тиклаш учун ҳамда уларнинг айрим

қисмларини алмаштириш (тиклаш) мақсадида жорий таъмирлаш утказилади.

Жорий таъмирлаш унинг муракаблигига караб машинадан фойдаланиладиган жойнинг узида хам, маҳсус техник хизмат курсатиш устахоналари ва станцияларида хам амалга оширилиши мумкин.

Жорий таъмирлашда асосан агрегат усулидан фойдаланилади. Бу усулда машина айрим қисмларининг нуксонлари уларни янгилари ёки таъмирлаб қўйилганлари билан алмаштириш орқали бартараф этилади. Бунда агар машинанинг қолган асосий агрегатлари анча катта ресурс захирасига эга бўлсагина унинг ишдан чиққан агрегатлари янгилари ёки капитал тайёрланганлари билан алмаштирилади.

Капитал таъмирлаш. Капитал таъмирлаш деганда машинанинг исталган қисмларини, шу жумладан, баъзи қисмларини алмаштириш ёки тиклаш йўли билан буюмнинг ресурсини тўлиқ ёки шунга яқин даражада тиклаш ҳамда созлигини тиклаш учун бутун машинани (ёки агрегати,узелини) таъмирлаш тушунилади. Машинани, агрегат ёки бошқа таркибий қисмини капитал таъмирлаш шунга кўра фарқ қиласди.

Капитал таъмирлашда куйидаги ишлар бажарилади: машина, унинг агрегатлари ва узеллари деталларга ажратилади. Нуксонли деталлар таъмирланади ёки алмаштирилади, машина йигилади, ростланади, аста-секин ишга солинади, бўялади, синалади.

Таъмирланган машиналар буюртмачиларга улар таъмирлаш учун топширган айнан шундай буюмлар урнига берилади. Капитал таъмирлашга топшириш ёки капитал таъмирлашдан қабул қилиб олиш вақтида машиналарнинг, айрим таркибий қисмларининг техник аҳволи ва бутлиги (комплектлигига) стандартларда белгиланган техник шартларга мос бўлиши керак.

1.2.3. Машинанинг ишга қобилиятлилиги. Технологик жиҳозларнинг пухталиги.

Ишлаш қобилияти – машина (буюм) нинг шундай ҳолатики, бунда машина берилган вазифаларни техник хужжатлар талабларига мос келувчи параметрлар бўйича бажара олади.

Машинанинг ишлаш қобилияти кўп жиҳатдан ундаги йиғиши бирликлари, агрегатлар, қисмлар ва деталларнинг ишончлилигига боғлиқ.

Пухталик – машинанинг берилган вазифаларни белгиланган иш курсаткичлари қийматларини сақлаган ҳолда техник хизмат курсатиш,

таъмирлаш ва ташиш тартиботлари (режимлари) шартларига мос келган ҳолда бажариш хусусияти. Пухталик комплекс хусусият бўлиб, объектнинг вазифасига ва ундан фойдаланиш шароитига қараб бузилмасдан ишлаш, чидамлилик, таъмирлашга яроқлилик ва сақловчанликни алоҳида-алоҳида ёки биргаликда ўз ичига олиши мумкин.

Бузилмасдан ишлаш – машинанинг қандайдир ҳажмдаги ишни бажарунга қадар узининг ишлаш қобилиятини мажбурий танаффусларсиз сақлаш хусусияти. Ишламай қолиш деганда ишлаш қобилиятининг бузилишидан иборат бўлган ҳодиса тушунилади.

Чидамлилик – машина, агрегат, узел, туташманинг узининг ишлаш қобилиятини охирги ҳолатгача сақлаш хусусияти, буюмнинг охирги ҳолати бундан кейин ундан фойдаланиш мумкин эмаслиги, самарадорлигининг пасайиши ёки хавфсизлик талабларининг бузилиши билан белгиланади ва техник ҳужжатларда изоҳланади. Чидамлилик кўрсаткичларига машинанинг ундан фойдаланила бошлангандан то ҳисобдан чиқарилгунга қадар бўлган хизмат муддати ёки ресурси (гектарларда, соатларда ёки босиб утган йўлининг километрлари) киради.

Таъмирлашга яроқлилик – машина (агрегат, узел) нинг техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш йўли билан ишламай қолиши ҳамда нуксонларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишига мослашганлигидан иборат бўлган хусусияти.

Сақловчанлик – буюмнинг ўз иш кўрсаткичларини сақлаши ва сакланиш муддати давомида ва бу муддат тугагандан кейин ҳам техник ҳужжатларда (Дав СТ 27.002 – 83) кўрсатилган қийматларда сакланиб туриш хусусияти.

Бажарган иши – объектнинг ишлаш давомлилиги ёки ҳажми. Агар объект танаффулар билан ишлайдиган бўлса, у ҳолда жами бажарган иши ҳисобга олинади. Объектнинг бажарган иши вакт, узунлик, майдон (гектарда), ҳажм, масса ва бошқа бирликларда ўлчаниши мумкин. Ушбу атама Дав СТ 27.002 – 83 га киритилган.

Ишламай қолгунга қадар бажарган иши – таъмирланаётган буюмнинг ишламай қолишлар оралигига бажарган ишининг ўртача қиймати. Мазкур атама Дав СТ 27.002 – 83 га киритилган.

Носозлик – буюмнинг шундай ҳолатики, бунда у техник ҳужжатлардаги талабларнинг лоакал биттасига ҳам мос келмайди. Бу атама Дав СТ 27.002 – 83 га киритилган.

Ишламай қолиши – объектнинг ишлаш қобилияти бузилишидан иборат бўлган ҳодиса. Ишламай қолиши мезонлари меъёр белгиловчи – техник хужжатларда келтирилади. Тусатдан, конструктив, аста-секин, ишлаб чиқариш, эксплуатацион ва бошқа ишламай қолишлар, шунингдек, мунтазам, қисман ҳамда буткул ишламай қолишлар бўлади. Турли камчиликлар, фойдаланиш қоидалари ва меъёrlарининг бузилиши, турли хил шикастланишлар, шунингдек, табиий ейилиш ва эскириш жараёнлари ишламай қолишларга сабаб бўлиши мумкин.

Хизмат муддати – обьект ишлатила бошлангандан ёки капитал таъмирлангандан то техник хужжатларда изохланган охирги ҳолатга келгунга (Дав СТ 27.002 – 83) ёки хисобдан чиқарилгунга қадар календар ишлаш давомлилиги.

Ресурс – буюмнинг техник хужжатларда изохланган охирги ҳолатга қадар бажарадиган иши. Биринчи таъмирлашгача бўлган ресурс, таъмирлашларо ресурс, белгиланган ресурс ва бошқа ресурслар фарқ килинади. Таъмирлашларо ресурс биринчи таъмирлашгача бўлган ресурсдан камроқ бўлади.

Таъмирлашларо хизмат муддати ёки **таъмирлашларо ресурс** – таъмирланган машинанинг техник хужжатларда изохланган охирги ҳолат юзага келгунга қадар бажарадиган иши. Охирги ҳолат юзага келганда машиналар таъмирланади ёки агрегатлари алмаштирилади.

Детал номи ва русуми бир хил бўлган ашёдан йигиш ишларини бажармасдан тайёрланган буюмдир. Кривошип, шатун, коромисло, тирсакли вал, болт, гайка ва шу кабилар деталларга мисол бўла олади.

Йигиш бирлиги – йигиши жараённида таркибий қисмлари ўзаро бириктирилган буюм. Йигиши бирликларигадвигател, узатмалар кутиси ва бошқалар мисол бўла олади.

Пухталикнинг тушунчалари, таърифлари ва асосий курсаткичларини билиш уни баҳолаш учун обьектив мезонларни танлаш имконини беради.

Пухталик ҳақида тушунча. Технологик жихозларни пухталиги деганда машинани ишлаш курсаткичларини сақлаб қолган ҳолда талаб килинган вақт оралиғида топширилган функцияни тулик бажариши тушунилади.

Машинанинг ишлаши деганда соат, км, давр ва бошқа бирликларда иш ҳажми бажарилиши тушунилади.

Умброкийлик деб, машинанинг техник таъминлаш ва таъмирлаш давригача ўзининг иш қобилиятини сақлаб қолишига айтилади.

Сақланишилиги деганда эса жиҳознинг сақланиши ва кўчириш пайтларидаги ҳолати тушунилади.

Ишга қобилиятлилик шарти. Машинанинг ишга қобилиятлилиги деганда унинг норматив техник хужжатлар, техник шартлар ва стандартларда кўйилган талаблардаги параметрларини сақлаб қолган ҳолда топширилган функцияни тулиқ бажариши тушунилади.

Машиналар пухталиги назарий ҳисоблар, тажрибавий ва ишлаб чиқариши синовларидан ўтказилиб текширилади.

Ҳамма ҳолатларда машинани аниқ ишлатиш шароитларида текшириш керак: яъни атроф-муҳит шароитида; ишлов берилаётган материаллар ва күшимча маҳсулот сифатига; техник таъминлаш ва эҳтиёт қисмлар сифатига қараб текширилиши керак.

Машинанинг ишлаш қобилиятини аниқлаш учун унинг бажарадиган функциясига қараб асосий параметрлари аниқланади.

Узел ва деталларнинг бирикиш бузилишлари, ейилиши натижасида машинанинг ишга қобилиятлиги йўқолиб инкор бўлиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Машинанинг ишлаш қобилиятини йўқотиш даражаси нималарга боғлиқ бўлади?
2. Технологик жиҳозларнинг пухталиги нима?
3. Машиналарнинг умрбокийлиги нима?
4. Машинанинг ишга қобилиятлилиги деганда нимани тушунасиз?
5. Таъмирлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ҳақида тушунча беринг.
6. Қайси пайтда машинанинг ишга қобилиятлилиги йўқолиши мумкин?

Таянч иборалар.

Пухталик, таъмирлаш, техник хизмат курсатиш, монтаж, демонтаж, ресурс сақловчанлик, чидамлилик, умрбоқийлик, ишга қобилиятлилик, хизмат муддати, детал, носозлик, ишламай қолиши.

1.3. МАҲСУЛОТ СИФАТИ.

Бирлашма ҳиссадорлик жамиятлари саноати корхоналарининг асосий курсаткичларидан бири бу маҳсулот сифатидир. Маҳсулот сифатини яхшилаш илмий техникавий ривожланиш даражасига, корхонанинг моддий ва молиявий ресурсларини самарадорлигини оширишга, ишчиларни малакасига боғлиқ булиб, бир хил жонбозликда боришини талаб этади.

Дав СТ 15467-79 бўйича маҳсулотни сифати - уни хоссалари тўплами, талаб этилган шарт ва шароитда яратилиши, ишлатилиши ва истеъмол қилиниши тушунилади.

Маҳсулотни сифати кўйидаги сифат курсатгичлари орқали таъминланади:

- меҳнат;
- технологик жараёнларни жиҳозланиши ва воситалари,
- хом ашё;
- материаллар, - ярим фабрикатлар;

- техникавий ҳужжатларни сифати;
- маҳсулот намунаси.

Маҳсулот сифати деганда, уни бир ва ундан ортиқ хоссаларини микдорий тавсилоти, сифатини таркибий ташкил этувчилар, ишлатиш ва истеммол қилиш тушунилади.

1.3.1. Сифат кўрсаткичларининг кўринишлари

Сифат кўрсаткичлари маҳсулотни хоссалари тавсилотига кўра 10 та кўринишга бўлинади.

1. **Маҳсулотни белгиланган кўрсаткичи** – уни хоссаларини тавсилоти, асосий функциясини аниқлаб, ишлатилиш соҳасини белгилайди. Масалан:

- унумдорлик кўрсаткичи;
- юқори ва кўйи тезликлари;
- кувват ва ҳоказолар.

Маҳсулотни белгиланиши қўйидаги кўрсатгичлар бўйича синжаларга бўлинади:

- юк қўтаришлик, тезкорлик, унумдорлик;
- кувватийлик.

Ушбу конструкцияни бошқаришни қулайлиги, жойлашуви, ишлатилишини оддийлиги, ишлаш самарадорлилигини таъминлайди.

Тўқимачилик ва енгил саноати машиналари ва аппаратлари учун конструктив кўрсатгичларни қўлланиши шартdir.

Конструктив кўрсатгичларга қўйидагилар киради: - ташкил ўлчамлар: Масалан тукув дастгоҳида бердо бўйича бўзни кенглиги, бўз ўрамининг максимал диаметри, ва ҳоказолар.

Қўшимча механизмларни мавжудлиги: масалан, узилган ипни излаш ва боғлаш, кўндаланг ипни тушиб қолишини назорати, йигирив машиналарда патрондаги ипларни автоматик равишда урчукдан чиқазиб олиш, узатиш, ва ҳоказолар;

2. **Барқарорлик кўрсатгичлари** - Машина ва аппаратларни тўхтовсиз ишлаши, бокийлиги, таъмирланиш қобилияти ва сақланиш хоссаларини ифодалайди ва сифатини баҳолашда бош кўрсаткичи ҳисобланади.

3. **Эргономик кўрсаткичлар** - "Ишчи - машина" системаси, инсонни гигиена, антропометрик, физиологик, руҳий кўриш, кузатиш, эшитиш қобилиятларини ишлаб-чиқариш шароитида характерлайди ва 4 гурухга бўлинади.

1-гуруҳ - бу гигиена кўрсаткичлари машина ва аппаратларни хизмат қилувчи ишчининг иш қобилиятига, соғлигига таъсирини аниқлайди. Бунга қўйидагиларни киритиш мумкин: чанг жараёнда ажralиб чиқиш, шовқин, титрашлар ва ҳоказолар.

2-гурұх - бу антропометрик күрсаткичлар бу машина ва аппараттарға хизмат күрсатувчи ишчини үлчам ва формаларини тұғри келишилигини характерлайды. Масалан, мездра машиналарда терини ушлаб туриш баландлиги, тукув станогида ишчининг күкрап қисмігача бұлган баландлик, йигирудан машиналарда ипни چузиш приборигача бұлган баландликтер ва ҳоказолар.

3-гурұх - бу физиологик ва рухий физиологик күрсаткичлар яғни машина ва аппараттарни ишлатында ишчининг күч ва ҳис қилиш көбилиятларини характерлайды. Масалан: Машинани ишга тушириш тұгмасини босищ, маълум масофада туриш, әгилиб хом-ашёни машинага қойиши да ҳоказолар.

4-гурұх - бу рухий күрсаткичлар, яғни машина ва аппаратларидаги компьютер дастурларига үзгартыриш қыритиши, ахбороттарни қайта ишлаш, хатоларни тузатында жараёни күзатын кабилар киради.

Тұқимачицік ва енгіл саноати машина ва аппаратларда зернометрик күрсаткичларни баҳолашда маңсус құлланмалар күрсаткичлари ўрганилиб чиқылады ва солишириб күрилады. Баҳолаш натижасы "тұғри келади" ёки "тұғри келмайди" ифодасы билан акс эттирилады.

4. Эстетик күрсаткичлар - маңсулотни рационал формасы, тұлық ёрқын акс этиши, информацияларни тез ва юқори аникликда ишлаб туриши, маңсулот күринишини доимийлігін таъминлаш кабилар киради.

Эстетик күрсаткичлар сифатини баҳолаш күп үйлік бадий лойиҳалаш тажрибасында зертталған, мутахассислардан ташкил топған экспер特 комиссияси томонидан амалға оширилади.

5. Технологик күрсаткичлар - маңсулотни тайёрлашда, жаражаттарни булиндири, мекнат воситаларини максимал құллаш, тайёрлаш вақтими минимумға келтириш, ишлаб чиқариш технологик тайёрларларын амалға ошириш. Технологик күрсаткичлар - асосий ва ердамчы күрсаткичларға булинади.

Асосий күрсаткичларға: мекнат ҳажми, материални сарфланиш микдори, таннахы кабилар бўлиб, ўз навбатида бу күрсаткичлар тұпламли, структурали, солиширма, нисбий ва ҳоказоларга булинади.

Күшимча технологик күрсаткичларига маңсулотни тайёрлаш технологик жараёнини айрим күрсаткичлари берилади. Масалан: йигирудан машинасинан йигишиң коэффициенти; (соат), деталларни бир хиллиги, уларни йигишига узатылиши, яғни бевосита машинани тайёрлаш учун кәтадиган мекнат жаражатларини ифодалайди.

6. Машина ва аппаратларни йигиши жараёнида деталларни ташувчилик кўрсаткичи - бу маҳсулотни текислика ва фазовий харакатлари учун кўтадиган харажатларни ифодалайди.

7. Стандартлашган ва умумлашган кўрсаткичи - бу машиналарни йигишида уларни таркибий қисмида стандартлаштирилган, умумлаштирилган ва оригинал деталларни узаро қанчалик нисбий микдорда қўлланилишини характерлайди. Деталлар стандартлашган, умумийлашган ва оригинал бўлади.

Стандартлашган - маҳсулотларга давлат ва республика ёки соҳа стандартларида ишлаб-чиқариладиган деталлар киради. (Масалан: труба, болт, вентил, гайка ва ҳоказолар)

- Умумлашган: - маҳсулот ишлаб-чиқараётган корхонани ўз стандартига мувофиқ, 2-З хил машиналарда қўллаш имконияти даражасига эга бўлган детал ва йигма узеллар;
- Узаро боғлик бўлмаган бошқа корхонада буюртма асосида тайёрланадиган тайёр ҳолдаги детал ва йигма узеллар;
- Оригинал (асл нусхали) деталларга - факат шу ишлаб чиқарилаётган машина учун тайёрланган узеллар ва деталлар киради.

8. Патент-ҳуқуқийлик кўрсаткичи. Маҳсулотни Узбекистон Республикаси ва чет элда патент ёрдамида ҳимояланишини характерлайди.


9. Экологик кўрсаткичлар ишлаб-чиқарилган маҳсулотни эксплуатация ёки истеъмол қилишда атроф мұхитга қанчалик даражада зарапли таъсир этишини характерлайди.

10. Хавфсизлик кўрсаткичи - маҳсулотни қўллашда, хизмат килувчи ишчини хавфсизлигини характерловчи, меҳнатни мұхофаза қилиш шарт ва талабларини ифодалайди. Сифат кўрсаткичлари маҳсулотни натурал ўлчамларини: таннархи (сүм, доллар) кг, м, см, баллар ўлчамсиз қийматларни ифодалайди.

Микдорий хоссалари бўйича сифат кўрсаткичи ягона ва комплекс кўрсаткичларга бўлинади. Ягона кўрсаткич - бу маҳсулотни бирта хоссасини, комплекс кўрсаткичлар эса кўплаб хоссаларини характерлайди.

Бундан ташқари сифат кўрсаткичи - базали ва нисбийга бўлинади. Базали кўрсаткич - бу маҳсулотни сифатини солиштириш йўли билан асос қилиб олинади. Нисбий кўрсаткич - бу базали қийматга, олинган маҳсулот сифати қийматини нисбий баҳолаш билан олинади. Маҳсулотни сифат даражасини тўла баҳолаш кўрсаткичлари 1. шаклда кўрсатилган.

1.Шакл



1.3.2. Саноат маҳсулотларини сифат кўрсаткичлари номенклатурасининг танланиси

Саноат маҳсулотларини сифат кўрсаткичлари номенклатураси - қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда танланади:

1. Маҳсулотни ишлатилиш шарти ва белгиланиши.
2. Истеъмолчи талабини таҳлили.
3. Маҳсулотни сифатини бошқариш вазифаси.
4. Маҳсулотни таркиби, тузилишини характерловчи хоссалар.
5. Сифат кўрсаткичларига қўйилган талаблар.

1.3.3. Маҳсулотнинг сифатини техник назорат қилиш

Маҳсулотнинг сифати Дав СТ 15467-79 га мувофиқ назорат қилинади: Ишлаб чиқариш жараёнинда машинанинг ёки унинг асосий

қисми ва бирикмасини таъмирлашнинг сифати таъмирлаш технологиясига амал қилиш, техник талаблар ва таъмирлашда иштирок этувчи шахслар малакасига боғлик.

Сифатнинг техник назорати - бу маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни ва сифатини ўрнатилган талаблар асосида тұғри бўлишини таъминлашдир. Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот сифатини назорат қилиш "техник назорат бўлими" (ТНБ) орқали бошқарилади. Унинг асосий вазифалари кўйидагилар:

1. Стандартга мос келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл кўймаслик, яъни стандарт ва техникавий шартлар конструкторлик лойиха ҳужжатлари талабларини бажариш шарт.

2. Технологик жараёнларнинг барча звеноларига ишлаб чиқариш тартибини саклаш, ишчи ва технологик назорат маъсулиятини ошириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг юкори сифатда бўлишини таъминлаш.

ТНБ нинг асосий вазифаси:

1. ТНБ ишлаб чиқариш звеноларида назорат қилувчи ходимларни танлаш ва жойлаштириш.
2. Маҳсулот сифатини назорат қилишда жаҳон андозалари, илғор технология усулларини ташкил ва тадбиқ этиш.
3. Хом ашёни технологик жараёнга қиришини назорат қилиш.
4. Тайёр маҳсулотлар сифатини танлаш йули билан текшириш.
5. Маҳсулотни янги намунасини синовдан ўтказишда қатнашиш.
6. Маҳсулотни аттестациядан ўтказишга тайёрлашда қатнашиш.

ТНБ хиссадорлик жамиятларида техникавий кенгашда ахборотлар эшлилди ва қарор қабул қилинади. ТНБ ва корхона раҳбари ўртасидаги тортишув ва келишмовчиликлар соҳаси вазирликдаги сифат инспекцияси бошқармасида кўриб чиқилади.

1.3.4. Маҳсулот сифатини техник назорат қилиш, бошқариш ва аттестациялаш.

Саноат маҳсулотлари сифатини бошқариш. Ҳозирги даврда Ўзбекстон Республика Давлат стандарти Маркази, ҳалқ ҳўжалигининг хар бир соҳасида ишлаб чиқарилётган маҳсулотни вилоятлардаги "Давлат назорати лабораториялари" орқали амалга оширади.

Маҳсулот сифатини бошқариш - яратилаётган, истеъмол ёки эксплуатацияга берилаётган маҳсулотни ракобатбардош корхоналарда чиқарилган маҳсулотларга нисбатан сифати устун бўлишини таъминлашдир. Маҳсулот сифатини бошқаришни умумий раҳбарлиги

хиссадорлик жамияти ва корхона раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Маҳсулот сифатини бошқариш ишларини координациялаш, техникавий бўлим стандартлаштириш бўлими ёки маҳсус сифат бўлими зиммасига юклатилади.

Сифатни бошқариш бўлимининг асосий вазифалари:

1. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва такомиллаштириш.
2. Маҳсулот сифатини таҳлил этиш ва баҳолаш.
3. Корхонанинг жорий, йиллик, техник-иктисодий, ижтимоий иш режаларини тузишда қатнашиш.
4. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш борасида: сифат куни, семинарлар, маҳсус ўқув кунларини ташкил этиш.
5. Янги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни эксперт лойиха ҳужжатларини ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришда қатнашиш.
6. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қўйилган техникавий талаб даражасини аниқлаш ва жаҳон бозорини шу маҳсулотга бўлган истеъмолини ўрганиш.
7. Маҳсулот микдорига бўлган талаб, ишлаб чиқариш бирлашмасини илмий-текшириш институтлари, конструкторлик бюролар, лабораториялар билан ҳамкорликда ўрганилиб чиқлади ва маҳсулот номенклатураси, ассортименти, сифат курсаткичлари ўрнатилади.
8. Маҳсулот сифатига қўйилган талаб нормаларини, техник-норматив ҳужжатларни регламентлаштирилган қийматларни ўрнатиш ва амалга ошириш.
9. Маҳсулотни аттестациядан ўтказиш. Маҳсулотни корхона стандарти, соҳа стандарти, давлат стандартларига мувофиқ аттестациядан ўтказилади. Маҳсулотни сифатини юқори даражага етказиш, бевосита ишчи ва ходимларни иктисодий, моддий ва маънавий рағбатлантириш йўли билан амалга оширилади.
10. Маҳсулот сифати ва синовини назорат қилиш. Сифат назорати учун "техникавий назорат" тузилиб, тайёр маҳсулотни яроксиз чиқишига йўл қўймасликни, истеъмолчилардан келаётган эътиrozларни, ишчи ва ходимларни танлаш ва уларни малакасини ошириш каби тадбир чораларни ишлаб чиқади.

Саноат маҳсулот сифатини аттестациялаш Ўзбекистон Республикаси 1991 йилдан бошлаб ўзи ишлаб чиқараётган тўқимачилик ва енгил

саноат жиҳозлари, технологик жараёнда ва уларни такомиллаштиришни аттестациядан ўтказмоқда.

Саноат маҳсулотлари сифатини аттестациядан ўтказиш икки категорияга бўлинган: олий ва биринчи нав.

1. Олий категорияли маҳсулот сифати ишлаб чиқаришни жаҳон андозаси талаб ва шартларига тўғри келадиган, юқори техник-иктисодий кўрсаткичларини такомиллаштириш натижасига еришиш ва техникик норматив ҳужжатларга тула жавоб берга олишига тааллуқлидир.

Бу турдаги маҳсулотлар жаҳон симпозиумларида, кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этилиб истеъмолчилар билан йирик шартномалар тузилади. Маҳсулотга "Сифат белгиси", гувоҳнома вазирлик томонидан берилади.

Биринчи категорияли маҳсулот сифати замон талабига жавоб берувчи, техникик норматив ҳужжатлар, стандартга тааллуқли ва бир хил миқдорда доимий чиқариладиган маҳсулотларга берилади ва сифатини доимий сақланиши талаб этилади. Олий ва биринчи нав маҳсулотлар сифатига давлат аттестация комиссияси томонидан қўйидаги муддатлар ўрнатилади:

- саноат маҳсулотлари учун - 3 йил
- енгил саноат маҳсулотлари учун - 2 йил.

навбатдаги аттестациялар категория муддатлари икки ой утиши билан ўтказилади. Давлат аттестация комиссиясига кўрсатилган муддатда маҳсулотни аттестацияга тақдим этилмагандан ва маҳсулот аттестациядан ўтмаган тақдирда у ишлаб - чиқаришдан олиниши шарт. Давлат режалаштириш ва вазирликлар кўмитаси руҳсати билан корхонага шартли (айрим зарурият ҳолатда) равишда 2 йил муддатга руҳсат этилади.

1.3.5. Ишлаб - чиқарилаётган жиҳозларнинг сифатини яхшилашдаги рағбатлантириш тадбирлари.

Вазирлар кўмитаси қошидаги "Янги машина жиҳозлар, ускуна ва қурилмалар" ишлаб-чиқаришда уларни соғ норматив ва оптималь таннархини аниқлаш методикаси қўлланмасига асосан рағбатлаштириш йўлга қўйилган. Иктисодий самарадорлиги йиллик самарадорликни 30 % ташкил этган, ташки мамлакатларни маҳсулот намуналарига бардош берадиган маҳсулотларга қўшимча таннарх қўшилади. Қўшимча таннарх бир йилга руҳсат этилади. Ишлаб-чиқаришдан чиқарилган

маҳсулотларга чиқим нархини пасайиши 30 % рухсат берилади ва корхонани соғ фойдаси ва сотилиш режасига киритилмайди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Маҳсулот сифати нима?
2. Сифат кўрсаткичлари неча хил кўринишда булиши мумкин?
3. Маҳсулот сифат даражасини тұла баҳолаш кўрсаткичлари нималарга бўлинади?
4. Саноат маҳсулотларини сифат кўрсаткичлари номенклатурасини танлашда нималар хисобга олинади?
5. Сифатнинг техник назорати деганда нимани тушунасиз?
6. Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот сифатини назорат қилиш қандай бошқарилади?
7. Ишлаб чиқариш корхоналарида "техник назорат бўлими" нинг вазифаси нима?
8. Сифатни бошқариш бўлимининг асосий вазифаларини санаб ўтинг.
9. Саноат маҳсулотлари сифатини аттестациядан ўtkазиш неча категорияга бўлинган ва бу категорияларга қисқача тушунча беринг.

Таянч иборалар.

Сифат, сифат кўрсаткичлари, конструктив кўрсаткичлари, барқарорлик кўрсаткичлари, эргономик, эстетик, технологик кўрсаткичлар, стандартлашган, умумлашган, оригинал, экологик кўрсаткичлар, хавфсизлик кўрсаткичлари, номенклатура, техник назорат, аттестация.

1.4. МАШИНА ВА АППАРАТЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

1.4.1. Машина ва аппаратларнинг барқарорлиги.

Ҳозирги пайтда давлатимизни Мустақиллик йулига ўтганилиги туфайли, давр талаби асосида соҳалардаги ўзгаришлар, янги технологик машиналарни ишлаб-чиқишини йўлга қўйишни кўрсатади.

Барқарорлик деганда машина ва аппаратларни ўрнатилган муддатда, юкори сифатли маҳсулот ишлаб-чиқиш, талаб этилган функциясини барча техникавий, технологик кўрсаткич параметрларни сақлаган ҳолда, таъмирлаш, техникавий хизмат кўрсатиш, сақланиш хоссаларини тўплами тушунилади. Барқарорликни таъминлаш - машина ёки аппаратларни лойиҳалаш босқичдан бошланиб, механизмларнинг мустаҳкамлиги, чидамлилиги, тезкор ишлаши, унумдорлигини

доимийлиги, деталларни тайёрланиш, материаллари, ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Машиналарни эксплуатация қилиш жараёнидан бошлаб барқарорлиги аникланади ва уларни тұхтосиз, боқий ишлаши таъмирлаш усулларынға, ишлаш режимиға, хом ашёга боғлық бұлади.

Барқарорлик - бу комплекс муаммо бұлиб, күп қирралы соңа илмларини құллашни талаб этади. Масалан, "Эҳтимоллар назарияси", "Математик статистика", "Материаллар қаршилиги", "Машина ва механизмлар назарияси", "Металшунослик", "Машинасозлик" ва ҳоказолар. Барқарорлик фани бу машина ва аппаратларни технологик жараёнларни бажаришда тұхтосиз ишлаши, узок муддатта хизмат қилиши, кам қарражатлар сарф қилиниши, уларни құрсаткичларни маылум конуният асосида ўзгариб боришини кузатиш ва таъминлашни ўргатади. Сифат құрсаткичларини абсолют ўзгариши машинани жисмоний эскиришидан, нисбий ўзгаришлар зса маънавий емирилишдан пайдо бұлади ва асосан абсолют ўзгариш құрсаткичлари ва хоссалари фанда мухим үрин әгаллайди.

1.4.2. Барқарорликни аниклашдаги асосий түшунчалар

Машина ва қурилмаларни ҳар хил турда бұлиши, техникавий қурилмаларни ишлатилиш соңаси болғанда, "тикланадиган" ва "тикланмайдиган" синфға бұлинади.

"Тикланадиган" деб - машина ва аппаратларни технологик жараёни шарт ва талабларини узок даврда ишлаш жараёнида қобилятини техник-норматив, конструкторлық құржатлари асосида қайта тикланиб ишлаши түшүнилади. Тикланиш даврида "такомиллаштириш" ва ўзгартыришлар киритилиши құшимча иқтисодий қарражатлар ёрдамида амалға оширилади.

"Тикланмайдиган" деб - ўзининг тұлиқ ишлаш қобилятини йүқотиши, ва бу ҳолатлар техник-норматив құржатларда қайта тикланиши тавсия этилмаслиги түшүнилади.

"Тикланадиган", "тикланмайдиган" терминларни, "таъмирланадиган", "таъмирланмайдиган" сөзлар алмаشتыра олмайды, чунки бу объектни тузилиши ва хоссаларини характерлайди, таъмирлаш үтказиш ва техник хизмат құрсатиш, эксплуатация шароитига болғанади.

Тұқымачилик машинасозлигіда манбалар: тизимлар, машина ва аппаратлар, дастгохлар, агрегатлар, барабанлар, алоқида узеллар,

механизмлар ва ҳоказолар ишлаб-чиқариш системалари деб қабул қилинган.

Шундай қилиб, ишлаб-чиқариш системаси дейилгандан, хоҳлаган қурилма, яъни бевосита саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи манба тушунилади ва асосий қисми "тикланиладиган" гурӯхга киради. Ишлаб-чиқариш системаси қисмлардан ташкил топади ва оддий мураккаб элементлар деб қабул қилинади.

Маҳсулотни барқарорлиги - уни умумийлашган хоссаси бўлиб, "тўхтовсиз", боқий, таъмирлашга мойил ва сақланиш каби кўрсаткичларни ўз ичига олади. Барқарорликни ифодаловчи асосий тушунчалардан бири инкор ва инкорсиз ишлашдир.

Машина ёки аппаратнинг иш қобилиятини тўхтаб қолиши инкор деб айтилади. Инкорсиз ишлаш дейилгандан, машина ёки қурилмани ўрнатилган ишлаш муддати давомида ўзининг иш қобилиятини сақлаши тушунилади.

Технологик жиҳозларни тўхтловсиз биринчи инкоргача ишлаб бориши уни ишлаш доимийлиги дейилади.

Яна барқарорликни асосий кўрсаткичларидан бири бу боқийликдир. Боқийлик - бу технологик жиҳозларни ўз иш қобилиятини техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш давомида ишлаш чегарасини охирги ҳолатига келишидир.

Маҳсулот боқийлигининг асосий муддати унинг ишлаш муддати ва ресурси ҳисобланади.

Ишлаш муддати - бу машина ёки қурилмаларининг ишлашидан бошлаб, таъмирлаш босқичларини ўтиб охирги ҳолатига келиб қолишидир. Гамма фоизли ресурс - бу уни қўшимча муддатга ишлашга колган қурбидир.

Машина ёки қурилмаларни биринчи инкоргача ишлаш даври – бу тасодифий миқдорга киради.

Рұксат этилган ишлаш муддати ва гамма фоизли қўшимча ишлаш даврлари эса тасодифий бўлмаган миқдорлар дейилади.

Маҳсулотни ишлаш муддатини тугаши, яъни боқийликни охирлашиб бориши уларни эскириши, емирилиши жараёнлари асосида боради ва уларни қайта тиклаш имконияти бўлмайди ёки иқтисодий самара нуктаи назаридан мақсадга мувофик бўлмаслигидир.

Боқийлик - вакт бўйича, цикллар сони ёки бажарилган иш ҳажми билан характерланади.

Машина ва жиҳоз деталларини махсус тиклаш воситалари таъсирида бокийлигини узайтириш, бу таъмирлаш деб аталади ва таъмирлашлик қобилияти ҳисобланади.

"Таъмирлашлик" бу жиҳозларда инкорларни содир бўлишини огохлантириш ва уларнинг олдини олиш учун техникавий хизмат қилиш, таъмирлаш йули билан ишлаш қобилиятини саклашдир.

Сарфланган меҳнат харажатлари, вақт ва таъмирлаш ишлари воситалари, материаллар "таъмирлашлик" кўрсаткичларини характерлайди. Шундай килиб, машина ва жиҳозларнинг барқарорлиги уч асосий тушунча бўйича кенг ёритилади: "Инкорсиз ишлаши", бокийлик ва таъмирлашлик.

Инкорларни содир бўлиш манбалари. Механика системаларини ишлашидаги инкорлари асосан ишлаб чиқариш жараёнида эксплуатация қилиш давридан пайдо бўлади. Булар синон жараёнида (қисқа вақтда) чиқмайдиган ва кўринмайдиган инкорлар ҳисобланади. Инкорлар пайдо бўлиши ва сабаблари бўйича синжалрга бўлинади.

Махсулотни тайёрлашда йўл кўйилган конструктив хатолар ва камчиликлар, қайсики барқарорликни пасайтиришга олиб келади.

1.4.3. Машина ва аппаратларни эксплуатация қилишда, барқарорлик самарадорлигини аниқловчи асосий омиллар.

Технологик машина жиҳозларни аппарат барқарорлик самарадорлиги кўйидаги омиллар бўйича ҳисобланади.

Масалан, хом-ашёга суюқлик остида ишлов бериш жараёнларида:

- аппаратларни ички ишчи юзасига бериладиган босим;
- барабанларнинг ишчи юзлари;
- ишчи қоришмани массаси ва инерция кучи;
- аппаратларни ҳажми, оғирлиги, ёки параметрлари;
- ишчи қоришмани барабан ёки аппарат ичидаги тезлиги, барабан тезлиги;
- аппаратларнинг асосий ишчи юзаси қисмини емирилишига чидамлилиги.

Барабанлар, аппаратлар иш жараёнида ички қисмida босим ҳосил бўлиб, у конструкцияни бузилишига олиб келади. Шу сабабли уни материалини ташлаш асосий омиллардан бири ҳисобланади, ва кам емирилувчи лигерланган пуллатлардан ташланади. Бундан ташқари ишчи қоришмалар (ишқорлар, кислоталар) актив кимёвий моддалардан иборат бўлиб, пуллатларни тез емирилишига олиб келади. Шу сабабли

аппаратларнинг материалини танлашда ишкор ва кислоталар, босим остидаги парларни хоссалари чукур таҳлил этилишини талааб этади, ишкорни купайиши технологик регламентни бузилишдан ҳам содир булади.

Суюқлик остида ишлов бериш курилма ва аппаратларининг асосий омилларидан бири бу гидрозарбалар ҳисобланади. Технологик регламентдаги бу бузилишлар бир вақтнинг ўзида бир қанча инкорларни келтириб чиқаради.

Агар аппаратларда инкор содир бўлса технологик цикл бузилиши натижасида унумдорлик пасайиб кэтади. Босимни ошиб-тушиб туриши зичловчи элементларни тулиқ инкорга учрашини келтириб чиқаради.

Инкорларни технологик жараёни бошқариш давомида хронометраж, яъни ёзув-кузатиш йўли билан (соат, сутка, смена, ой) ҳисобланади ва назарий ҳисоблар билан солишириб курилади. Аппаратларда емирилишдан содир бўлган инкорларни икки синфга булиб характерлаш мумкин:

1. **Махаллий емирилиш** - бу системадаги гидрозарбалар таъсиридан келиб чиқувчи инкорлардир. Юмшоқ, эластик зичловчи элементлар юқори босимлар остида деформацияга учрайди, ўз хоссасини кимёвий моддалар таъсирида йўқотиб ишлаш муддати камайиб кэтади.

2. **Нотекис емирилишлар** (пичокларда) эгилиш, тифларини синиши, майда тишларга келиб қолишидан келиб чиқади, яъни фойдали қаршилик кучларини хом-ашёга нотекис берилиши натижасида келиб чиқади.

Емирилиш миқдори инкорни сонини аниқлайди ва куйидаги формуладан топилади.

$$t=t_i=Z_i \sigma$$

(1.4.1)

Бу ерда: t_i - ҳақиқий ишлаш муддати

t - ўртача ишлаш муддати

Z_i - квантил нормал тақсимланиш;

σ - ўртача квадратик оқиши;

Машина ва аппаратларда инкорларни амалий аниқлашда ишчи органларни емирилишини ҳар хил мажсус приборларда ўлчаш мумкин. Емирилиш миқдори унумдорликка, ишчи ишқорни кимёвий таркибига,

гидромеханик хоссалари каби омилларга боғланиб аниқланади. Аниқловчи емирилиш миқдорига асосан инкорни йүкотиш учун барабанларни материаллари, ишчи қоришмалар узатувчи трубопроводлар, зичловчи элементлар гидрозарбаларга чидаш ҳисоби орқали амалга оширилади.

Аппаратларни инкорсиз ишлаш муддати $P(t)$ деб берилган вақт T_{q1} ичida тўхтовсиз ишлашини барқарорлик коэффициенти орқали ифодаланади.

$$K_5 = P(t) < 1 \quad (1.4.2)$$

Боқий ишлаши, яъни ишлаш қобилиятини сақланиши боқийлик коэффициенти

$$P\sigma = T_{rn}/T_r + \tau_n < 1 \quad (1.4.3.)$$

формуласи орқали топилади. T_r - аппаратларнинг эксплуатация қилишнинг тўла даврининг вақти; (n - эксплуатация давридаги инкорларни умумий сони).

Аппаратларни инкорсиз ишлаши эҳтимоли, яъни $t=0$ ишга тушибиринчи инкоргача кэтган t вақти бўйича

$$P(t) = 1 - S(t) \quad (1.4.4)$$

формуладан топилади. t - аппаратларни ҳаётий вақти.

Аппаратлари инкорсиз ишлаш эҳтимолини Борел формуласи бўйича хам топиш мумкин, яъни:

$$P = N - n / N \rightarrow L(t) \quad N \rightarrow \quad (1.5.5)$$

Бу ерда: N - аппаратдаги ишловчи элементларни сони;

n - ишлашда инкор этган элементлар сони.

Масалан, аппаратни инкорсиз ишлаш эҳтимоли $P(t)=0,85$; $t=1500$ соат вақтда даврда ишлаганида 85 элементлар 1500 соат ишлаган ва қолган 15 % элементларни алмаштириш зарурлигини талаб этади.

Буларга конструкциянинг номустаҳкамлиги, узелларни нотуғри йиғма содир бўлиши, айрим деталларни намлика, чанг ва абразив элементлардан ҳимояланмаганлиги киради.

-Ишлаб чиқариш камчиликлари (ёпиқ деффектлар, сифатсиз хомашёларни ишлаш, технологик жараёнлардаги нұқсонлар ва ҳоказолар);

-Нотұғри эксплуатация қилиш ва техникавий хизмат күрсатиш, ишчи малакасини пастлиги, оғир шароитда ишловчи механизмларни ишлашини назорат қылmasлик, конструкциядаги нұқсонлар ва бошқалар.

Инкор - системадаги ҳар хил элементларни инкорлари билан содир этганды булатын болғанда инкорлар дейилади.

Инкорлар содир булиш тавсифига қараб, тасодифан ва доимий үзгариш турига булинади.

Доимий үзгариб борувчи инкорлар машина ва жиһозларни ишлатыш даврини ошиб бориши, эскириши, параметрларни үзгариб яроқсиз ҳолга келиши емирилиш омилли асосида ҳосил булади, деярли 80-90 % машиналарни инкорлари шу турға киради.

Тасодифан буладиган инкорлар - бу машина ёки жиһозларни тұхташига олиб келади. Масалан, мустаҳкам бұлмаган деталларни синиб қолиши, мойларни йүқлиги, нотұғри созлаш натижасыда детални синиб қолиши, ишчи органларни рухсат этилмаган зұриқиши деформацияларға тушиб, экстремал қийматта зерттеуден, яғни бузилиш ҳолатига келишидір.

Функциялы инкорлар - бу машинани параметрларини үзининг функционал хоссаларини характерловчи сипат күрсаткичларини инкоридан келиб чиқади. Тұқимачилик ва енгил саноати машиналари учун меңнат унумдорлиги ва маңсулот сипати функциялы инкор күрсаткичи қылиб олинган. Үзелларни параметрларини рухсат этилған оралиқдан үтиб көтиши уларни таъмирлаш ва созлаш яғни машинани тұлиқ тұхташига, натижада параметрларни бириңчи ҳолатига тикланишини талаб этади. Шу сабабли параметрлі инкорлар машиналарнинг тұлиқ функциясини инкорига олиб келади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Барқарорлық тушунчаси нима?
2. Барқарорлықнан аниқлашдаги асосий тушунчалар?
3. Машина ва қурилмаларни "тикланадиган" ва "тикланмайдиган" синфларға булинини изоҳлаб беринг.
4. Ишлеш мұддати нима.
5. Инкорларни содир булиш манбалары.
6. Барқарорлық самарадорлигини аникловчи омиллар қайсылар?
7. Емирилишдан содир бұлған инкорлар неча синфа булинади?
9. Тасодифан буладиган ва функциялы инкорлар түгрисида сұзлаб беринг.

Таянч иборалар.

Барқарорликни таъминлаш, тикланадиган синфлар, тикланмайдиган синфлар, ишлаш қобилиятини ўқотиш, ишлаш чиқариши системаси, маҳсулотни барқарорлиги, инкор, ишлаш доимийлиги, боқийлик, ишлаш муддати, гамма фоизли ресурс, масодиғий бўлмаган миқдорлар, барабан, маҳаллий емириши, нотекис емириши.

1.5. МАШИНАЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИК КУРСАТКИЧЛАРИ НОМЕНКЛАТУРАСИНИ ТАНЛАШ

1.5.1. Маҳсулотни барқарорлик курсаткичларининг номенклатурасини аниклаш

Машиналарни барқарорлик миқдорлари курсаткичларининг баҳоланиши, ишлов берилётган манба хусусияти, эксплуатация қилиш режими, шарт-шароити ва инкорларни содир бўлиши натижасига қараб аникланади.

Барқарорлик курсаткичлари ҳар бир манбани барқарорликни шартли равишда баҳолайди ва курсаткичлари: ўлчамли ва ўлчамсиз катталикларга эга бўлади.

Барқарорликни комплекс курсаткичлари технология машина ва жиҳозларни барқарорлигини ташкил этувчи алоҳида элементларининг бир қанча хоссаларини характерловчи курсаткичлардир. Ягона ва комплекс барқарорлик курсаткичларини умумий сонлари ишлаб чиқариш системасини ташкил этувчи ҳар бир элементларининг хоссалари миқдорларини йигиндисининг умумий миқдорий тавсилотини аниклади. Масалан, умумий курсаткичлари миқдори 30 бўлса, ягона элементни барқарорлиги 10 % олиниб, 3-4 курсаткичи қабул қилинади. Маҳсулотни барқарорлик курсаткичларининг номенклатурасини аниклаш, икки гурухга бўлинади:

1-гурухга инкор ва инкорнинг тавсифини маҳсулотнинг самарадорлигига боғланган ҳолда таъсири таҳлил этилади, қолган ҳоллардагилар 2-гурухга киради. Тўқимачилик саноати машина ва аппаратларидағи охирги самарадорлик шу жиҳозларни ўрнатилиб, ишлатилиб тўпланган даврини йигиндисига пропорционал бўлади.

Тўқимачилик жиҳозлари инкордан сўнг тезда - оддий тартибда таъмирланувчи ва хизмат курсатувчи шахслар томонидан тикланувчи ҳисобланади.

Бу категориядаги жиҳозларни самарадорлик коэффициенти, техникавий фойдаланиш коэффициентига тенг:

$$K_{\text{сам}} = K_{\text{тп}}$$

Үз навбатида 1 ва 2 гурұх маҳсулотлари иккі күринишига бўлинади: бу күринишдаги маҳсулотлар эксплуатация жараёнида рухсат этилган ҳолатига бориб, иш қобилияти ёки яроқсиз ҳолатда бўлади.

Тўқимачилик машиналарининг асосий нормал барқарорлик кўрсаткичларидан ташқари уларнинг характеристики хоссаларини чукур таҳлил этиш учун қўшимча барқарорлик кўрсаткичлари, яъни маҳсулотнинг маҳсуслигини характеристлайди.

Тўқимачилик саноатида кўлланилаётган технологик машиналар: пилеклаш, ҳалқали - йигирув, роторли - йигирув, йигирув - бурама, пневмо-механикавий, ўрама машиналари Дав СТ 27.003-83 бўйича, ҳамда корхона, соҳа стандартлари асосида қўйидаги барқарорлик асосий кўрсаткичлари қабул қилинган.

2. Шакл

Барарорлик кўрсаткичлари

Ягонали:

Инкорсизлик:

$P(t)$ - инкорсиз ишлаш эҳтимоли

T_{yp} - ўртача инкоргача ишлаш;

T_o - ўртача инкоргача ишлаш;

(t) - инкорнинг жадаллилиги;

$w(t)$ - инкор оқими параметрлари ва бошқалар;

Боқийлиги:

T_{pg} % - гамма фоизли ресурс;

T_{im} - ўртача ишлат муддати ва бошқалар.

Таъмирланиш қобилияти:

$P(t)$ - иш қобилияти ҳолатини тикланиш эҳтимоли ва бошқалар.

Сақланишлиги:

T_{sg} - гамма % ли сақланиш муддати

T_{yr} - ўртача сақланиш муддати

Комплексли:

K_e - тайёрлик

коэффициенти

K_{tm} - техникавий кўллаш

коэффициенти;

K_{mm} - тезкор тайёргарлик

коэффициенти ва

бошқалар.

Машина ва жиҳозларнинг биринчи капитал таъмиргача ишлаш муддати синовдан ўтказилмайди. Машиналарни биринчи таъмирлашгача ишлаш муддати ишлаб чиқарган завод томонидан кафолатли ишлаш муддати ўхшаш машиналардан чет эл фирмаларида ишлаб чиқараётган технологик машина ва жиҳозлардан барқарорлик кўрсаткичлари паспортларида, шартномаларни айрим пунктларида тулиқ кўрсатилиади.

T_o - инкорга ишлаш;

K_t - тайёргарлик коэффициенти;

$K_{t\phi}$ -техникавий фойдаланиш коэффициенти;

$T_{1-k.m.m.}$ - биринчи капитал таъмиргача бўлган хизмат муддат;

T_k - кафолатлик муддати.

Барқарорликнинг қўшимча кўрсаткичлари.

$T_{ур.тик.}$ -уртача тикланиш вақти;

$P_{(m)}$ -берилган вақт бўйича инкорсиз ишлаши;

$K_{у.н.с.}$ - уртача нисбий самарадорлик;

C_m -таъмирнинг солиштирма меҳнат ҳажми йигиндиси;

$C_{т.к.к.}$ - техникавий хизмат кўрсатиш меҳнат ҳажми йигиндиси.

Кафолатлик ишлаш муддати шу корхона маҳсулотининг жаҳон бозорида сифат кўрсатгичи бўлиб қолмай, балки рақобатбардошлигини, сотилувчанлигини юқори даражасига эришганлигини кўрсатади.

Машина ва жиҳозларни кафолатли ишлаш муддати ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини таъминлашда асосий омил бўлиб, эксплуатация давридаги содир бўладиган инкорлар ва уларни характеристикалари, хоссалари чукур таҳлил этилади. Олинган натижалар янги чиқарилаётган машиналарда содир бўлган инкорлар бартараф этилади.

1.5.2. Машина ва жиҳозларни инкорсиз ишлаш даражаси

Ҳар бир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ўз соҳаси "Методика ҳисоби" бўйича кафолатли ишлаш муддати ишлаб чиқилиши шарттир.

1-капитал таъмиргача ишлаш муддати $T_{1-k.m.}$:

- ҳалқали-йигирив машиналари учун - 42 ой;

- пневмомеханик, ўрама машиналари ва автоматлари учун - 36 ой;

- чарм, мўйна ишлаб чиқариш аппаратлари учун - 18 ой;

- юқори босим остида ишловчи аппаратлар, қурилмалар учун – 32 ой;

хамма йигирув ва үрама машиналар ва автоматлар учун кафолатли ишлаш муддати - 18 ойни ташкил этади.

Хар бир ишлаб чиқарилаётган йигирув машиналари учун барқарорлик кўрсаткичлари номенклатураси корхонани шартли стандартсиз асосида тайёрланиб, юқоридаги кўрсаткичлардан бири фарқ қилиши мумкин. Масалан, тараш машиналари учун барқарорликни нормалаштирилган кўрсаткичлари 3 та бўлади:

T_0 , K_m , K_{mf} .

Тўкув дастгоҳларини нормалаштирилган барқарорлик кўрсаткичлари T , K_m , $T_{-k.m.}$, T_m қабул қилинган.

Барқарорликни қўшимча кўрсаткичлари қўйидагилар бўлиши мумкин:

K_{mf} - техникавий фойдаланиш коэффициенти;

T_m -тикланишини ўртacha вақти;

$T_{u.m.}$ -хисобдан чиқариш вақтигача бўлган ишлаш муддати;

$P_{(t)}$ - инкорсиз ишлаш эҳтимоли ва ҳоказолар.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Маҳсулотни барқарорлик кўрсаткичларининг номенклатурасини аниқлаш неча гурухга бўлинади?
2. Барқарорлик кўрсаткичлари нималарга бўлинади?
3. Барқарорликниң қўшимча кўрсаткичлари қайсилар?
4. Кафолатлик ишлаш муддати нимани кўрсатади?

Таянч иборалар.

Барқарорлик кўрсаткичлари, номенклатура, категория, ротор, пилик, тайёргарлик коэффициенти, кафолатлик муддати, ўртacha нисбий самарадорлик, пневмомеханик.

1.6. ПУХТАЛИК НАЗАРИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ. ПУХТАЛИК НАЗАРИЯСИННИГ АСОСИЙ ТУШУНЧАСИ.

1.6.1. Пухталика оид асосий тушунчалар

Ишончлилик – машинанинг вақт давомида ўзининг иш кўрсаткичларини топширикда белгиланган даражада сақлаган ҳолда ўз вазифасини бажара олиш хусусияти. Машиналарнинг иш кўрсаткичлари уларни ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш ва

ташиш тартиб ва шароитларини топшириқда белгиланганидек бажариш йўли билан таъминланади. Ишончлилик бир нечта хусусиятларни ўз ичига олади ва машинанинг вазифасига ва уни ишлатиш шароитларига қараб бузилмай ишлашлик, кўпга чидамлилик, таъмирлашга яроқлилик ва сакланувчанлик хусусиятларидан иборат бўлади. Техникадаги ишончлиликка оид атамалар (терминлар) Дав СТ 13377 – 75 да белгиланган.

Ишончлилик – маҳсулот сифатини кўрсатувчи хусусиятлардан бири. Бу хусусият машиналарнинг вазифасига қараб улардан фойдаланиш жараёнида кўринади ва кўпинча буюмнинг вақт давомида ўз сифатини (асосий иш кўрсаткичларини ва истеъмол этилиш тафсилотларини) саклаш хусусияти деб ҳам тушунилади.

«Ишончлилик» тушунчаси фақат буюмларга тааллукли бўлиб қолмасдан, «инсон-машина» ҳамда ахборот – бошқариш тизимларига ҳам тааллуклидир.

Амалиётда ва техник ҳужжат-меъёрларда пухталик деганда объектнинг вақт давомида ўз вазифасини бажара олишини тавсифлайдиган барча кўрсаткичларини белгиланган чегарада саклай олиш хусусияти тушунилади. Бу хусусият объектни ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, саклаш ҳамда ташиш тартиб ва шароитларини топшириқда белгиланганидек бажариш йўли билан таъминланади.

Буюмнинг пухталиги унинг турига қараб, пухталик хусусиятларининг фақат бир қисминигина ўз ичига олиши мумкин. Масалан, буюм таъмирланмайдиган бўлса (телефизорнинг кинескопи, думалаш подшипники ва бошқалар), бундай буюмларнинг пухталик хусусиятларига кўпга чидамлилик ва таъмирлашга яроқлилик хусусиятлари кирмайди, улар учун энг муҳими бузилмай ишлашлик, узоқ сакланадиган буюмлар учун энг муҳими эса сакланувчанлик хусусиятидир.

Бузилмай ишлашлик – буюмнинг маълум вақт ичida ёки маълум ҳажмдаги ишни бажаргунга қадар ўзининг иш қобилиятини узлуксиз саклашидан иборат. Қуйида машиналарнинг бузилмасдан ишлашлик хусусиятларига оид баъзи тушунчалар келтирилган.

Бузилмай ишлашлик муддати объектнинг узлуксиз ишлаш вақти ёки бажарган иш ҳажми билан аниқланади. Агар объект танафуслар билан ишласа, бу ҳолда умумий ишлаган вақт ёки бажарилган иш ҳажми ҳисобга олинади. Бузилмай ишлашлик муддати вақт, узунлик, майдон,

хажм, вазн ва бошқа ўлчов бирликларида ўлчаниши мумкин. Бу тушунча ДавСТ 13377 – 75 да кўрсатилган.

Бузилиш – объектнинг иш қобилиятынинг бузилиши ҳодисасидан иборат. Бузилиш мезони техник ҳужжат-меъёрларда белгиланади. Бузилиш тўсатдан, конструктив, аста-секин, ишлаб чиқаришдаги, ишлатилаётгандаги ҳилларга бўлинади, шунингдек муттасил, қисман ва тўлик бузилиш ҳиллари кам бўлади. Бузилишга объектдаги нуқсонлар (Дав СТ 17102 – 72), ишлатиш қоидалари ва меъёрларининг бажарилмаслиги (ДавСТ 17527 – 72), турли шикастланишлар, шунингдек табиий ейилиш ва эскириш жараёнлари сабаб бўлади.

Бузилгунга қадар ишлаш муддати – таъмирланадиган буюмнинг бир бузилишдан кейинги бузилишгача бажарган ишининг ўртacha қиймати билан ифодаланади. Бу атама Дав СТ 13377 – 75 га киритилган.

Бузуклик – буюмнинг техник ҳужжат талабарининг бирортасини қондира олмайдиган ҳолати билан ифодаланади. Атама Дав СТ 13377 – 75 га киритилган.

Бузилмай ишлаш эҳтимоли – буюмнинг топширикда кўрсатилган вакт ичиди ёки иш ҳажмини бажаргунга қадар бузилмай ишлашибидир. Атама Дав СТ 13377 – 75 га киритилган.

Кўпга чидамлилик – буюмнинг белгиланган техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимиға риоя қилинган ҳолда чегара ҳолатгача ўз иш қобилиятини сақлаш хусусиятидир.

Таъмирлашга яроқлилик – буюмнинг бузилиш олдидаги ҳолатини, бузилишини ва шикастланишларини олдиндан аниқлашга, уларнинг олдини олишга, иш қобилиятини техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ўюли билан сақлаш ва тиклашга мосланганлик хусусияти билан аниқланади.

Сақланувчанлик – буюмнинг бузилмай ишлашлик, кўпга чидамлилик ва таъмирлашга яроқлилик хусусиятини сақлаш (ёки буюмни ташиш) даврида ва сақлашдан кейин ҳам йўқотмаслик хусусиятидир.

Объект ишончлилиги жиҳатдан тузук, бузилган, ишга қобилиятили, ишга қобилиятсиз, чегара ҳолатларда бўлади. Объект техник-меъёр ва конструкторлик ҳужжатининг барча талабарини қондира оладиган ҳолатда бўлса, у тузук дейилади. Бу талабарнинг бирортаси бажарилмай қолса, объект бузук дейилади.

Объектни ишлатиш жараёнида техник нуқсон ёки шикастланиш бор ёки пайдо бўлса, бу бузуклик аломати бўлади.

Ишга қобилятлилік деб, объектнинг ўз вазифасини техник-меъёр (ёки) конструкторлик ҳужжати талабларига мувофиқ бажара оладиган ҳолатига айтилади.

Агар буюм ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолатга келса, бу буюмнинг ишга қобилятсиз ҳолати деб аталади. Объект бузилса, у ишга қобилятли ҳолатдан ишга қобилятсиз ҳолатга ўтади.

Бузук буюм ишга қобилятли бўлиши мумкин. Масалан, автомобилнинг бўёғи шикастланганда у бузук дейилади, лекин бундай автомобил ишга қобилятли бўлади.

Ишга қобилятсиз буюм айни вақтда бузук бўлади.

Пухталик назариясида аниқланиши мумкин бўлган масалалар.

Пухталик назариясининг асоси бўлиб эҳтимоллар назарияси ва математик статистика ҳисобланади. Пухталик назарияси - машина, узел ва деталлардаги инкорларни ўрганувчи фандир.

Пухталик назариясида қўйидагиларни аниқлаш мумкин:

- 1) Инкорлар сабаби таҳлили асосида уларнинг юзага келиш қонунларини аниқлаш;
- 2) Инкорларни ҳисоблаш асосларини ўрганиш;
- 3) Пухта ва умброкийликли жиҳозларни яратиш йўлларини аниқлаш;
- 4) Статик маълумотларни таҳлил қилиш;
- 5) Пухталик кўрсаткичлари аниқ қийматларини ва улар орасидаги боғлиқликни аниқлаш. Йқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

1.6.2. Пухталик кўрсаткичлари.

Пухталик кўрсаткичларини, жиҳозлар типига, кинематик схемасига, маҳсулот ҳолатига боғлиқ ҳолда аниқлаш мумкин.

Ўрнатилган синфланишга асосан маҳсулотлар қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган синфларга бўлинади.

Технологик жиҳозларда қайта тикланмайдиган маҳсулотларга асосан таъмирлаб бўлмайдиган узел ва деталлар киради, қайта тикланадиганларга эса машинадаги қолган деталлар киради. Қайта тикланмайдиган узел ва деталларни инкорсиз ишлаш эҳтимоллик кўрсаткичлари, инкор частоталари, инкорлар интенсивлиги, инкорсиз ишлаш ўртача вақти билан баҳолаш мумкин.

Қайта тикланадиган узел ва деталлар кўрсаткичларига инкорлар ўртача частотаси, инкорсиз ишлаш ўртача вақти, қайта тиклаш учун кўтган ўртача вақтлари киради. Пухталик кўрсаткичлари эҳтимоллик ва статик аниқлашларга эга.

Пухталик эҳтимоллик аниқлашлари назарий хисоблашларни ўз ичига олади. Статик аниқлашларга ишлатиш жараёнидаги олинган статик маълумотлар киради.

Ишлатилаётган ва лойиҳаланаётган машиналар пухталигини амалий мақсадда текшириш учун қуидаги коэффициентлар аниқланади:

- а) техникавий фойдаланиш коэффициенти,
- б) тайёргарлик коэффициенти,
- в) таъмирга яроқлилик коэффициенти.

1.6.3. Инкорлар ва уларнинг синфланиши

Инкор деб - машинанинг ишга қобилиятлиги бузилишига айтилади. Инкорлар машинанинг ишлаш жараёнида тасодифий ва систематик сабаблари туфайли содир булиши мумкин.

Инкорларни вужудга келиш сабабларига қараб қуидагича синфлаш мумкин:

- конструктив хатоликлар ва тўлик ишлов берилмаганлиги;
- машина деталларини тайёрлашдаги хатоликлар, машина тайёрлаш технологияси паст даражадалиги;
- машинани нотўғри техник таъминлаш ва ишлатиш;
- ейилиш ва эскириш.

Боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган инкорлар мавжуд. Агар узел ва деталдаги инкор бошқа деталлар ва узеллар инкорларига боғлиқ бўлмаса, у ҳолда боғлиқ бўлмаган инкор дейилади, аксинча боғлиқ инкор деб тушуниш мумкин.

Йўл қўйилган инкорлар деб машина ишлаш хавфсизлиги бузилмаган ҳолда вужудга келган инкорларга айтилади, ҳамда асосий ва иккинчи даражали инкорларга бўлинади.

Инкорларнинг синфланиши қуидаги жадвалда кўрсатилган.

Ҳосил бўлиш характеристи	тусатдан
	аста-секин
Вужудга келиши	даврий
	очик ҳолда
	ёпик ҳолда
	боғлиқ бўлмаган
	боғлиқ равишда

Хосил бўлиш сабаблари	конструктив камчиликлари ишлаб чиқариш шароитидаги камчилиги нотўғри ишлатиш технологик инкорлар таъмирлашнинг паст даражадалиги
-----------------------	---

Машина параметрларининг ўзгариш характерига караб куйидагиларга бўлинади:

- тусатдан - маҳсулот параметрлари ва курсаткичлари, зўриқишилари ўзгариши натижасида вужудга келади;
- аста-секин - машина узел ва деталларининг ейилиб бориши, технологик курсаткичлари ва геометрик ўлчамлари ўзгариши натижасида юзага келади.

Ҳар қандай машина ишончлилиги куйидаги учта асосий факторларга боғлиқ: конструкцияси, тайёрланиш сифати ва ишлатиш шароити.

Машиналарнинг ишончлилигини пухталик назарияси асосида баҳолаш мумкин.

1.6.4. Инкорлар частотаси ва жадаллилиги

Инкорлар частотаси деб, маълум вақт оралиғида инкор қилган деталлар сонининг биринчи марта синовга қўйилган деталлар сонига айтилади.

$$a(t) = \frac{n(t)}{N_0 \Delta t} \quad (1.6.1)$$

$n(t)$ - вақт оралиғида инкор қилган деталлар сони.


N_0 - биринчи марта синовга қўйилган жиҳозлар сони

t - маълум вақт оралиғи

Инкорлар частотаси билан инкорсиз ишлаш эҳтимоллиги ўртасида ҳар қандай тақсимлаш қонунида боғлиқлик бўлади.

$$Q(t) = \int_0^t a(t) dt \quad \text{ёки} \quad R(t) = 1 - \int_0^t a(t) dt$$

Вақт бўйича инкорлар частотасининг ўзгариши қуйидаги графикда курсатилган.



2-Расм. Вакт бүйича инкорлар үзгаришининг графиги.

Графикдан күриниб турибдики, 0 дан t_1 вакт оралиғида инкорлар частотаси энг юқори кийматга эришади.

Инкор қылган деталлар сонининг нормал ишлаб турган деталлар үртача сони нисбатига инкор жадаллилиги дейилади ва (t) орқали белгиланади.

$$\lambda(t) = \frac{h(t)}{N_{\text{ср}} \Delta t} \quad (1.6.2)$$

бу ерда: $N_{\text{ср}} = \frac{N_i + N_{i+1}}{2}$ - нормал ишлаб турган деталлар үртача сони;

N_i - бошлангич вакт (t) дан бошлаб нормал ишлаб турган деталлар сони; N_{i+1} - охирги вакт (t) гача нормал ишлаб турган деталлар сони.

(1.6.2) формулада тегишили алмаштиришлардан сұнг күйдагини оламиз.

$$\lambda(t) = \frac{a(t)}{P(t)} \quad \text{екеу} \quad a(t) = \lambda(t) \exp \left[- \int_0^t \lambda(t) dt \right]$$

Бу ифода деталлар инкор жадаллилигини аниклаш эжtimоллигини белгилайди.

Күйдаги графикдан күриниб турибдики, 0 дан t вакт оралиғида инкорлар жадаллилиги камаяди.

1.6.5. Инкорсиз ишлаш үртача вакти

Инкорсиз ишлаш үртача вакти деб, инкоргача ишлаш вактининг математик кутилишига айтилади.

Статик маълумотларга асосан инкорсиз ишлаш үртача вакти күйдагича аникланади.

$$T_{\text{срн}} = \frac{\sum_{i=1}^n t_i}{N_0}$$

(1.6.3)

t_i - деталнинг инкоргача ишлаш ўртача вақти

N_0 - ишлатишига кўйилган деталлар сони.

Математик кутишларга асосланиб T ни қуидаги боғлиқдик орқали ҳисоблаш мумкин.

$$T_{\text{срн}} = \int_0^{\infty} t(Q) t dt \quad (1.6.4)$$

Бир нечта алмаштиришлардан сўнг инкорсиз ишлаш эҳтимоллигини қуидагича аниқлаймиз.

$$T_{\text{срн}} = \int_0^{\infty} R(t) dt \quad (1.6.5)$$

Инкорнинг ҳосил булиш вақти дисперсияси қуидагича бўлади:

$$D = \frac{\sum_{i=1}^N (T_i - T_{\text{срн}})^2 2}{N_0 - 1} \quad (1.6.6)$$

Такрорлаш учун саволлар.

- Пухталик назарияси фанининг вазифаси нимадан иборат?
- Лойиҳаланаётган машиналар пухталигини амалий мақсадда текшириш учун қандай коэффициентлар аниқланади?
- Инкорсиз ишлаш эҳтимоллигини аниқлаш функциясини тушинтиринг.
- Инкорлар частотаси нима?
- Инкорлар жадаллиги нима?
- Инкорсиз ишлаш ўртача вақти қандай топилади?
- Инкорларни қандай синфлаш мумкин?
- Машиналарнинг ишончлилиги қандай омилларга боғлик бўлади?

Таянч иборалар.

Пухталик назарияси, инкорлар частотаси, инкорсиз ишлаш, инкор жадаллилиги, ишончлилик, бузилмай ишлашлик, бузилиш, бузуклик, кўпга чидамлилик, таъмирлашига яроқлилик, ишга қобилиятилик, статик, инкор, дисперсия.

1.7. ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН ВА ҚАЙТА ТИКЛАНМАЙДИГАН ДЕТАЛЛАРНИНГ ИШОНЧЛИЛИК МИКДОРИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ

1.7.1. Инкорларнинг ўртача частотаси

Инкорларнинг ўртача частотаси деб, бирлик вакт оралиғида инкор күлгән деталлар сонининг синовдан үтказилаётган деталлар сони нисбатига айтилади.

$$\omega(t) = \frac{h(t)}{H_0 \Delta t} \quad (1.7.1)$$

Агар T_0 вакт ичидә синовда H_0 та детал турған бўлса, инкор пайти у бошқа детал билан алмаштирилади, у ҳолда инкор күлгән деталлар (t вактда бўлади.

$$H(t) = \omega(t)H_0\Delta t \text{ бўлади.}$$

Буни қуийдаги кўринишда ҳам ёзиш мумкин.

$$H(t) = H_1(t) + H_2(t) \quad (1.7.2)$$

бу ерда $H_1(t) - \Delta t$ интервал вақтида инкорлар сони

$H_2(t) - 0$ дан t вакт оралиғида алмаштирилган деталлар сони.

Юқорида келтирилган формулалардан фойдаланиб,

$$H_1(t) = a(t)H_0\Delta t \quad (1.7.3)$$

ни аниқлаймиз. $H_2(t)$ ни аниқлаш учун интервалга ажратамиз.

Агар (ораликда $\omega(\Delta t)H_0$ детал ишдан чиқса, формулани қуийдаги кўринишда ёзиш мумкин.

$$[\omega(t)H_0\Delta t]a(t - \tau)\Delta t \quad (1.7.4)$$

ҳамда Δt орқали (1.7.4) формуладагиларнинг йигиндинисини олсак,

$$n_1(t) = N_0 \Delta t \int_0^t \omega(\tau)a(t - \tau)d\tau \quad (1.7.5)$$

деб ёзиш мумкин.

(1.7.2) формуладаги $H(t)$, $H_1(t)$ қийматларни ва $H_0 \Delta t$ га қисқартириб күйидагини оламиз.

$$\omega(t) = a(t) + \int_0^t \omega(\tau)a(t-\tau)d\tau \quad (1.7.6)$$

(1.7.6) формуладан күриниб турибдики, $a(t)$ функция күринишидан қаътий назар инкорлар ўртача частотаси т нинг катта қийматларида доимий қийматга интилади.

Инкорлар ўртача частотаси қүйидагиларни баҳолайди:

- 1) узел ва деталларнинг пухталигини тўлиқ баҳолайди.
- 2) нормал ишлатиш учун керак бўлган эҳтиёт қисмлар таркибини аниклайди.
- 3) профилактик ишлар частотасини тўғри режалаштиради.

Қайта тикланмайдиган узел ва деталларнинг пухталик кўрсаткичлари ва инкорсиз ишлаш эҳтимоллиги.

Қайта тикланмайдиган узел ва деталлар инкорсиз ишлаш эҳтимоллиги деганда берилган вакт оралиғида узел ва деталларнинг ишдан чиқмасдан инкорсиз ишлаши тушунилади. Бу кўрсаткични $P(t)$ деб белгилаймиз.

Инкорсиз ишлаш эҳтимоллиги

$$P(t) = \Pi(T > t) \quad (1.7.7)$$

t - жиҳознинг ишончлилигини аникловчи вакт,

T - биринчи инкоргача бўлган вакт.

Инкорсиз ишлаш эҳтимоллигини аниклаш хоссалари

- 1) $P(t)$ вакт бўйича сўнувчи функция ҳисобланади.
- 2) $0 \leq P(t) \leq 1$
- 3) $P(0)=1$; $P(\infty)=0$

Инкорлар бўйича олинган статик маълумотлардан фойдаланиб $P(t)$ ни қуйидагича аниклаш мумкин.

$$P(t) = \frac{H - h(t)}{H} \quad (1.7.8)$$

бу ерда: H - синовга ёки кузатувга қўйилган жиҳозлар сони

$h(t)$ - Δt вақт ичida инкор қилган узел ёки деталлар сони

Инкор эҳтимоллиги $S(t)$ ва инкорсиз ишлаш эҳтимоллиги билан боғлиқ бўлганлиги учун

$$S(t) = 1 - P(t) = \frac{h(t)}{H} \quad (1.7.9)$$

(1.7.9) формулага $P(t)$ кийматини куйсак,

$$S(t) = P(T \leq t) \quad (1.7.10)$$

Бундан кўриниб турибдики, инкор эҳтимоллиги (T) ишлаш тақсимлаш вақтининг интеграл функцияси дейилади.

$$\frac{Is(t)}{lt} = \omega(t) \quad (1.7.11)$$

Инкорсиз ишлаш эҳтимоллиги қуидаги афзаликларга эга:

Жиҳознинг вакт бўйича пухталик ўзгаришини характерлайди:

Ишонччиликка таъсир қилувчи омилларни тўлик характерлайди.

Лойиҳалашда конструкция схемаси ва оптимал пухталикни танлашни аниқлайди.

1.7.3. Тайёргарлик, таъмирга яроқлилик ва техник фойдаланиш коэффициентлари.

Тайёрлик коэффициенти – инкорсиз ишлаш вақтлар йигиндинсининг қайта тиклаш ва инкорсиз қайта тиклаш вақтлари йигиндиси нисбатига тенг бўлади.

$$K_T = \frac{\sum_{i=1}^n tp_i}{\sum_{i=1}^n tp_i + \sum_{i=1}^n tb_i} \quad (1.7.12)$$

бу ерда: tp_i - иккала инкорлар уртасидаги вақт,

tb_i - 1-чи инкорларни қайта тиклаш вақти,

n - инкорлар сони.

Бу ифода тайёрлик коэффициентининг статик аниқланишидир.

Табиийки, тайёрлагарлик коэффициенти КТ нинг киймати ўша машиналар учун техник фойдаланиш коэффициенти КТФ. дан катта бўлади. Тўқимачилик ва енгил саноатнинг замонавий жиҳозлари ва пахта териш машиналари учун тайёрлагарлик коэффициенти 0,7 дан 0,95 гача бўлади.

Тайёргарлик коэффициенти КТ нинг қиймати машиналарни таъмирлаш оралигидаги вақтда ишга яроқли машиналарни сонини кўрсатади. Машинанинг тайёргарлик коэффициенти КТ нинг ўрчата қиймати ва 1 йил мобайнида фойдаланилгандаги машина соғ ишининг ўртача вақти маълум бўлса, истеъмолчи машинани тўхтатиб қўйиш вақтини ва нархини осонгина аниқлаши ҳамда режалаштириши мумкин.

Таъмирга яроқлилик коэффициенти. Дав СТ 27.002-83 га мувофиқ машиналарнинг пухталиги қўйидаги 4 та асосий хоссаларни ўз ичига олади: бузилмасдан ишлаш – машинанинг узлусиз ишлаш давомлилиги (биринчи ёки навбатдаги ишламай қолгунга қадар); чидамлилик – машина (элемент) нинг охирги ҳолатга етгунга қадар ишлаш давомлилиги; таъмирлашга яроқлилик – машина (элемент) нинг техник хизмат кўрсатишини ўтказишига, ишламай қолишини аниқлаш ва бартараф этишига, таъмирлашга мослашганлиги; сакловчанлик – машина (элемент) нинг сақлаш ва ташиш чоғида ишлашга яроқлилигини сақлаб туриш хоссаси.

Таъмирга яроқлилик коэффициенти деб, қайта тиклаш вақтининг қайта тиклаш ва инкорсиз ишлаш вақтлари йигиндининг нисбатига айтилади:

$$K_p = \frac{\sum_{i=1}^n tp_i}{\sum_{i=1}^n tp_i + \sum_{i=1}^n tb_i}$$

(1.7.13)

Техник фойдаланиш коэффициенти. Техник фойдаланиш коэффициенти деб, машинанинг нормал ишлаш вақтининг техник таъмирлаш, инкорларни тузатишига кэтадиган вақтлар йигиндиси нисбатига айтилади.

$$K_{\text{тех}} = \frac{T_n}{T_n + T_b + T_p} \quad (1.7.14)$$

Техник фойдаланиш коэффициенти жиҳознинг умумий вақтидан қанчаси иш ҳолатида эканлигини билдиради.

Янги машиналар яратишида меъёр белгиловчи тайёргарлик коэффициенти сифатида энг катта тайёргарлик коэффициенти олинади. Техник фойдаланиш коэффициенти фойдаланиш жараёнида

машинанинг мажбуран тұхтаб туриш вакти йигіндиси фоизда ёки бирлик улушларыда аниклашга имкон беради. Тұқымачилик ва енгил саноатнинг замонавий жиһозлари ва пахта териш машиналари учун техник фойдаланиш коэффициенти 0,6 – 0,8 атрофика бұлади, бу эса мазкур машина ва жиһозларнинг таъмирлашга яроқлипек дараражаси пастлигидан далолат беради. Истемолчи техник фойдаланиш коэффициентининг үртача қыйматини билса, машиналар 1 йил мобайнида үртача қанча вакт ишга яроқлы холатда бұлишини аниклай олади. Чунончы, агар ұжаликда $Kt.f.=0,6$ бұлған 50 та пахта териш машина бор бұлса, бу ҳол пахта териш мавсуми мобайнида улардан факат үртача 30 таси узлуксиз ишлаши мүмкінligini англатади.

Техник фойдаланиш коэффициентини машинанинг ишлаш көбилияти коэффициенти каби талқын қилиш ҳам мүмкін, яни $Kt.f.=0,6$ бұлғанда машина машина ишга яроқлы деб ёки машина вактнинг 60 фоизида ишлайди, қолған 40 фоизида эса техник сабаблар туфайли ишламайды деб ҳисоблаш мүмкін. Шуни таъқидлаш керакки, техник фойдаланиш коэффициентининг қыйматига факат машинанинг пухталик дараражаси змас, балки унга техник хизмат күрсатышнинг ва айниңса таъмирлашининг ташкил қилиниши ҳам таъсир күрсатади. Масалан, жамоа ва давлат ұжаликларыда машиналарни таъмирлашнинг агрегат усули жорий қилинганды улардан техник фойдаланиш коэффициенти анча күтталашиши (таъмирлашда машинанинг бекор туриб қолиши вакти қисқариши ҳисобига) мүмкін.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Инкорлар үртача частотаси нималарни бағолайды?
2. Қайта тикланмайдыган узел ва деталлар инкорсиз ишлаш әхтимоллиги деганда нимани тушуниш керак?
3. Инкорсиз ишлаш әхтимоллигини аниклаш функциясини қандай тушуниш мүмкін?
4. Инкорсиз ишлаш әхтимоллиги қандай афзалліктерге зерттеуде?
5. Тайёргарлик коэффициенти нима?
6. Таъмирда яроқлипек коэффициентини изохлаб беринг.
7. Техник фойдаланиш коэффициенти деганда нимани тушунасиз?

Таянч иборалар.

Қайта тикланиши, яроқлилик, узел, инкорсиз ишлаши, частота, инкорсиз ишлаши эҳтимоли, статик маълумотлар, синов, интеграл функция, таъмирга яроқлилик, тайёрлик коэффициенти, сақловчанлик, техник фойдаланиши коэффициенти.

1.8. МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА ПУХТАЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ОРАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК.

1.8.1. Машина ва унинг элементларидағи инкорларининг синфланиши.

Меҳнат унумдорлигини оширишда янги техникани яратиш ва мавжуд машиналарни такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллайди.

Инкорларни тавсифи. Машиналарнинг ёки унинг элементларини ишончлилиги инкор таъсирида бузилади. Умуман инкор деганда машиналарни ёки унинг алоҳида қисмларининг кутилмагандага тўхтаб қолиши тушинилади. Масалан, тикув машинасини электр двигателини ишдан чиқиши бутун машинани тўхтаб қолишига сабаб бўлади, ёки тикув машинасида ипни узилиши ёки мокида ипни тугаб қолиши ҳам машинани тўхтаб қолишига сабаб бўлади. Шундай қилиб инкор тушунчаси анча кенг, шунинг учун ҳам инкорни тури ва белгилари ҳар қайси ҳодиса учун алоҳида қўрилиб чиқиши мақсадга мувофиқиди. Кўйида машина ва унинг элементларининг инкори турли белгилар бўйича синфланиши келтирилган:

- инкор вужудга келган шароит - меъёрдаги ва меъёрдан ташқари.
- инкорни вужудга келиш сабаблари - конструкция, технологик жараён эксплуатацияси.
- инкорни вужудга келишини тавсифи - аста-секин, тусатдан.
- инкорни машинанинг ишчанлик қобилиятига таъсир даражаси - қисман, тула.
- инкорлар орасидаги боғлиқлик – боғлиқ, боғлиқ бўлмаган инкорлар.
- инкор натижасининг даражаси - хавфли, хавфсиз, оғир, енгил.
- инкорни бартараф этиш мумкинлиги - мумкин, мумкин бўлмаган.
- инкорни бартараф этиш йўллари - деталларни алмаштириш, созлаш, тозалаш, мойлаш.
- инкорни бартараф этиш мураккаблик даражаси - мураккаб, мураккаб бўлмаган.

- инкорни вужудга келишининг тақрориyllиги - алоҳида (айрим ҳолда), даврий тақрорланиб турадиган.
- инкорни вужудга келиш шароити - табиий, табиий бўлмаган инкор.

Инкорни вужудга келиш вақти - машиналарни синаш ва ишлатиб куришда, меъёрида ишлатиш вақтида, ишлатишни тугаллаш арафасида. Инкорни кўпчилиги ишқаланадиган юзаларни ейилиши ва машина қисмларини синиши натижасида вужудга келади. Масалан, енгил саноати жиҳозларини 10-15 % , деталларни синиши натижасида инкорни вужудга келтирса, 40% дан кўпроғи ишқаладиган юзаларни ейилишидан вужудга келади. Бошқа сабабларга кўра ҳам жиҳозларни инкори вужудга келади. Масалан: тикув машиналарида ипни узилиши, мокидаги ипни тугаши, резбали биримларни бўшаб қолиши, мойлаш системасини чанг ёки бошқа нарсалар билан беркилиб қолиши, тасмали узатмалар орасига мой тушиши, электр контактларини ёмонлашиши ва бошқалар.

Шундай қилиб, тикув машиналарини фойдаланиш коэффициенти 0,98 бўлса, ипни мокида тугаши ва ипни узилишини ҳисобга олган ҳолда бу кўрсаткич анча камайиб 0,93 бўлиб қолади.

1.8.2. Машина ва агрегатларни мустаҳкамликка синовдан ўтказиш.

Машина мустаҳкамлигини аниқлаш корхонадаги мавжуд машиналарни эксплуатация қилиш жараёнидаги кўрсаткичлар ҳакидаги статик маълумотларга боғлиқ бўлади. Кўпгина корхона конструкторлик бўлимларида бундай маълумотлар йўқлиги сабабли машина, агрегат, узел ва деталларни мустаҳкамлик техник талаблари ва усуллари Дав СТ 13216-67 бўйича синовдан ўтказишга түгри келади.

Машинанинг техник шарти ва паспорти киритиладиган мустаҳкамлик кўрсаткичлари вақти бўйича инкорсиз ишлаши тақсимлаш қонунларига боғлиқ бўлади. Мустаҳкамлик кўрсаткичлари бўйича машинанинг техник талабларида кўрсатилиади.

Тақрорлаш учун саволлар.

1. Машина элементларининг ишончлилиги деганда нимани тушунасиз?
2. Инкорлар қандай синфланади?
3. Инкорлар орасидаги боғлиқ деганда нимани тушунасиз?
4. Машиналарни синовдан ўтказиш нечага бўлинади?

Таянч иборалар.

Машина, ин, элементлар ишончтеги, инкор вужудга келган шароит, инкорнинг вужудга келиш сабаблари, конструкция, инкорлар орасидаги боғлиқлик, технологик жараён, эксплуатация, инкорнинг вужудга келиш тақроррийлиги, агрегат, аниқлов-синов.

II-боб. 2.1. МАШИНАЛАР ВА УСКУНАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

2.1.1. Асосий тушунчалар ва таърифлар

Таъмирлаш корхоналари ўзининг ривожланиш даврида ташкилий жиҳатдан ўзгарди ва кўпгина қийинчиликларга учради. Ҳатто, таъмирлаш корхоналарини такомиллаштиришга маблаг сарфлаш максадга мувофиқ эмас, деган нотуғри фикрлар ҳам мавжуд бўлган. Маълумки, машина қанчалик такомиллашган бўлмасин, уни ишлатганда нуқсонлар, ейилишлар пайдо бўла бошлайди ва уларни қўшимча меҳнат сарфлаб тузатишга тұғри келади.

Машиналарни таъмирлаш машиналарнинг ишқаланиш, мойлаш, ейилиш ва эскириш назариясига асосланади. Машиналарни таъмирлашни ташкил этиш ва таъмирлаш технологиясига оид масалаларни тадбиқ этишда эҳтимоллар назарияси усууллари ҳамда ёппасига хизмат кўрсатиш назарияси, квалиметрия назарияси ва бошка назариялардан кент фойдаланилади.

Таъмирлаш – машинанинг (ёки ундаги айрим қисмларнинг) иш қобилиятини тиклаш максадида уларнинг нуксонларини бартараф этишга оид ишлардан иборат.

Машиналар таъмирлаш корхоналарида таъмирланади. Таъмирлаш корхонаси машинасозлик корхоналарининг бир тури булиб, нормал иш қобилиятини йўқотган, лекин таъмирлашга яроқли ва бу корхона учун ўзига хос тайёрлов ролини бажарадиган машина қисмларини (агрегатлар, қисмлар, деталлар ва х.к.) техник шартларга мувофиқ таъмирлаш ишларини бажаради.

Таъмирлаш корхонаси машинасозлик корхоналаридан фарқ қилиб ўзига хос технологик жараёнларни машина қисмларини ювиш, бўлакларга ажратиш, яроқли-яроқсизларга ажратиш ва таъмирлаш ишларини бажаради.

Таъмирлаш ишларида қўйидаги атамалар қайта ўрнатиш ва тиклаш атамалари ишлатилади. Машина деталлари учун «тиклаш»

(аввалги ҳолатига келтириш) атамалари қабул этилган. «Қайта үрнатиш» (ремонт) атамаси деталларга эмас, балки йигма қисмлар (механизмлар): узеллар, агрегатлар ва машинага нисбатан қулланилади, чунки «қайта үрнатиш» дейилганды машина қисмлари ечилади ва яна ўз жойига қайта үрнатилади деб тушунилади. Таъмираш (лотинча «реставратсия») атамаси кўпинча архитектура ва санъат асарларига нисбатан ишлатилади. Ремонт атамасининг ўзбекча муқобили «қайта үрнатиш» бўлишига қарамай, атаманинг ихчамлиги ва ухашалигини назарда тутиб, машиналарга нисбатан ҳам таъмираш атамаси ишлатилмоқда.

Технологик жараён – ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми бўлиб, буюмнинг ҳолатини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлардан иборат.

Технология – ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш усуллари ва воситалари тўғрисидаги билимлар мажмуасидан иборат. Унинг илмий вазифаси – ишлаб чиқаришнинг энг самарали усулларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш учун физик ва бошқа конуниятларни аниқлашдан иборат.

Машинани ташкил этувчи қисмлар деталлардир.

Детал – йигиш ишларини бажармасдан номи ва нави жиҳатдан бир жинсли ашёдан тайёрланган буюм. Деталларга лемех, тирсакли вал, поршен бармоги, поршен ҳалқалари, болт, гайка кабилар мисол бўла олади.

Детални тикиш – деталнинг иш қобилиятини ва меъёр-техник ҳужжатда кўрсатилган параметрларини қайта тикишни таъминлайдиган нуксонларни бартараф этишга оид ишлар мажмуасидан иборат.

Йигма қисм (бирлик) – таркибий қисмлари йигиш ишлари жараёнида ўзаро бирлаштирилган буюмдан иборат. Йигма қисмларгадвигател, узатмалар кутиси, редукторлар ва ҳоказолар киради.

Машинанинг тузилишини ташкил этувчи қисмлар икки гурухга: конструктив ва ноконструктив қисмлар гурухига бўлинади.

Конструктив қисмлар деб қандай ашёдан тайёрланганлиги, ўлчамлари ва шаклидан қатъий назар машина таркибига кирган барча алоҳида тайёрланган деталларга айтилади. Буларга, рамалар, блоклар, валлар, шестернялар, подшипниклар, болтлар, кистирмалар, шайбалар, баклар, қувурлар, тасмалар, филофлар ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ноконструктив қисмлар деб, машина ишлаганда унинг барча, конструктив қисмларининг ўзаро зарур алоқасини ёки нормал

ишлишини таъминлайдиган элементларга айтилади. Буларга машинанийгиш жараёни, ростлаш, бўяш, мойлаш ва машинанинг ўз вазифасини бажаришга яроқли келадиган бошқа ишлар киради.

Кўриб чиқилган элементлар машинанинг ишга яроқли булишини таъминлайди. Машина ва ускуналарни асосий таъмирлаш жараёни бузук машиналар (агрегатлар) ни ишга яроқли ҳолатга келтиришга қаратилган ишларнинг аниқ мажмуасидан иборат.

Ишга қобилиятлилик – машинанинг техник хужжатда курсатилган параметрлар билан ўз вазифасини бажара оладиган ҳолатидир.

Машиналарнинг ейилганлик, шикастланганлик даражасига ва хусусиятларига, шунингдек таъмирлаш ишларига сарфланадиган меҳнатга (сермехнатлилигига) қараб, машиналарга олдиндан белгиланган режали хизмат курсатиш ва таъмирлаш ишларига қўйидаги таъмирлаш турлари киради:

Жорий таъмирлаш. Бунда таъмирлаш ишлари ҳажми жуда кам бўлиб, машинанинг навбатдаги режали таъмиригача нормал ишлиши таъминланади. Жорий таъмирлашда бузук жойлар, нуқсонлар ейилган деталларни алмаштириш ёки таъмирлаш йўли билан бартараф этилади, шунингдек барча ростлаш ишлари бажарилади.

Ўртacha таъмирлаш – буюмнинг иш курсаткичларини фақат ейилган таркибий қисмлар (агрегатлар, узеллар ва деталлар)ни таъмирлаш ёки алмаштириш йўли билан тиклашдан иборат.

Кишлоқ хўжалигига фақат автомобиллар ўртacha таъмирланади.

Асосий таъмирлаш – ейилган машина ва унинг барча таркибий қисмлари, шу жумладан замин қисмларининг ҳам бошлангич иш қобилиятини тулиқ тиклашдан иборат. Таъмирдан чиқсан барча таркибий қисмлар ҳамда бутун машина ишлатиб мосланади, чиниктирилади, ростланади, синовдан ўтказилади ва бўялади. Бу хилда таъмирлашда машина деталларга тулик ажратилади ва улар яроқли-яроқсизларга булинади.

Машиналарни ихтисослаштирилган таъмирлаш корхоналарида таъмирлашнинг эгасизлантирилмаган, эгасизлантирилган ва агрегат усуллари кенг кўлланилади.

Эгасизлантирилмаган ёки эгасизлантирилган таъмирлаш усулларининг ўзаро фарқи шундаки, тикланадиган таркибий қисмларнинг маълум машинага (ускунага) қарамлиги биринчи усулда сақланади, иккинчи усулда эса сақланмайди.

Таъмирлашнинг агрегат усулида айрим бузук йиғма қисмлар ёки агрегатлар алмашма фонддан олинган янги ёки таъмирланганлари билан алмаштирилади, натижада машинанинг иш қобилияти дастлабки икки усулга қараганда камроқ ҳаражатлар билан тикланади.

2.1.2. Машиналарни таъмирлашга қабул қилиш ва тайёрлаш.

Машиналар, уларнинг агрегатлари ва қисмлари, шунингдек деталларни тиклаш технологик жараёнида кўрсатилган барча ишлар махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозланган иш жойларидағи мавжуд технологияга аниқ риоя қилган ҳолда бажарилиши лозим. Асбоб-ускуналар рўйхати машина деталларини ювиш, қисмларга ажратиш, йиғиш технологик карталари албомида кўрсатилган.

Пахта териш машиналари ва уларнинг йиғма қисмларини мавжуд таъмирлашга топшириш техник шартларига мувофиқ таъмирлашга қабул қилинади. Машинани саклаш майдончаларидан ёки алмаштириш пунктидан таъмирлашга қабул қилинадиган объект, одатда, тоза булиши, сув ва мойлари тукилган булиши керак. Сув ва мойлар машинани таъмирлаш учун корхонага топширишда тўқиб ташланади.

Машиналарни буюртмачидан қабул қилиб олиш ва уни саклаш омборига жунатиш ишлаб чиқариш жараёнининг бошланишидир.

Таъмирлашга жунатиладиган машиналарга қўйидаги талаблар қўйилади: машина таъмирлашгача ва таъмирлараро маълум миқдорда иш бажарган ёки маълум хизмат муддатини ўтагандан кейин режага асосан таъмирлашга жунатилади. Машинанинг техник ҳолати ташқи кўрикдан ўтказилиб ёки унинг техник ҳолатини баҳолайдиган воситалар ёрдамида текширилади.

Машинани таъмирлашга тайёрлашда ундан омборда саклаш учун: электр жиҳозлар, таъмирлаш тизимининг асбоб ва қисмлари, резинадан ва газламадан тайёрланган деталлар ечиб олинади. Советиш, таъминлаш тизимлари ва картерлар совитувчи суюклиқ, ёнилғи, тормоз суюклиғи ва мойлардан бўшатиб олинади. Сўнг машина кирдан тозаланади, совитиш тизими ва картерлар ювилади.

Авария бўлган машиналар авария тўғрисида акт бўлгандагина таъмирлашга жўнатилади. Бу акт туман ишлаб чиқариш корхонаси ёки Давлат автомобил назорати вакилининг иштироки билан расмийлаштирилади.

Кам-күстли ва кир машиналар ҳамда уларнинг қисмлари таъмиглашга қабул қилинмайди. Барча деталлар (шамол парракларнинг тасмалари, фараларнинг ойналари, болтлар, гайкалар, винтли тиқинлар, резина зичламалар, электр розетка кабилардан бошқа қисмлар) ўз жойларига маҳкамлаб кўйилган булиши керак. Этишмайдиган маҳкамлаш деталларининг сони уларнинг умумий сонининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

Таъмиглашга топширишда:

1) двигателлар илашиш муфтаси, ёнилғи аппаратлари, гидро-насос ва ҳоказолар билан;

2) ёнилғи аппаратлари ёнилги насос, форсункалар, ёнилғи, филтрлари, юкори босим трубалари билан жиҳозланган булиши, лозим.

Машиналар таъмилаш жойларига: 1) ўзини юргизиб; 2) сим ёки чигир ёрдамида шатакка олиб; 3) автомобил билан; 4) тиркалма арава (прицеп) ёки ярим тиркама арава (яримприцеп) билан; 5) трайлер билан келтирилиши мумкин. Таъмиглашга келтирилган машиналарни тушириб олиш майдончалари кран-балка, бурилма кранлар, кўпприк кранлар, телферлар, юклагичлар ва ҳоказолар билан жиҳозланган булиши лозим.

2.1.3. Машиналарни қисмларга ажратиш ва йигиши технологияси асослари

Таъмилаш ишларида машина қисмларга қисман ёки тўлик ажратилади. Машинани қисмларга ажратиш филофлар, копқоклар, ихота тўсиқларни кам вақт сарфлаб, ечиб олишдан бошланади. Сўнгра узатиш механизми ва занжирлар ҳамда юлдузчаларнинг юритиш механизми ечиб олинади. Машинадан ечиб олинган агрегатлар ва деталлар стеллажларга ва ҳар қайси маркадаги машина учун мўлжалланган максус яшикларга жойланади.

Йигма қисмларни адаштириб юбормаслик керак, акс ҳолда уларни йигиши кийин бўлади, деталларнинг ўзаро тўғри жойлашиши бузилади.

Мураккаб агрегатлар ва йигма қисмлар ювилгандан кейин техник алмаштириш пунктига ёки таъмилаш корхонасига жўнатилади, унчалик мураккаб бўлмаганлари эса, уларнинг техник ҳолатига ва таъмир талаблигига қараб, деталларга ва узелларга қисман ёки тўлик ажратилади.

Қисмларга ажратиш сифатини ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун шестернялар, шкивлар, втулкалар, подшипниклар ва бошқа тифиз

үтказилган деталлар исканжа, универсал ва маҳсус ажратгичлар ва уриб чикарғичлар ёрдамида ажратиб олинади.

Ажратгичлар билан ишлаганда болғдан фойдаланмаслик, шунингдек бурагични узайтирмаслик керак. Ажратгичларни қийшайтирмасдан тұғыр үрнатыш керак, агар уларнинг панжалари деталлар четини тұлық қамрамаса кам қыйшик үрнатышга йүл күймаслик лозим. Агар детал занглағанлиги сабабли жойидан құчмаса ёки буралмаса (гайка, болтлар), үйғма қисм бироз вакт керосинга солиб қуйлади ёки мойланади.

Думаланиш подшипникларини ажратгич ёрдамида чиқариб олишда куч подшипникнинг тигиз үрнатылған ҳалқасига құйилади.

Вални таҳтакачлаб чиқаришда подшипникнинг фақат ички, ҳалқаси ён сирти билан уринади. Подшипникни чиқариб олишда, унинг сепараторлари, ички шайбалари, зичламалар ва туташ деталлар шикастланмаслиги керак.

Гайкалар, болтлар ва винтлар маълум шакл ва ўлчамли калитлар ҳамда отверткалар билан бураб чиқарилади. Бузилған резбали бирикмаларни зубило, крейтсмессел, сұмбалар ёрдамида ажратишига рухсат этилмайди.

Шплинтлар шплинтчиаргичлар ёрдамида чиқарилади ёки зубило билан кирқиб ташланади, детал ичидә қолған қисми эса ясси омбирлар ёки сұмбалар билан кетказилади. Резбали штифтларни боши берк тешиклардан чиқариб олиш учун штифтга гайка буралади.

Понасимон шпонкалар ричаглар ёрдамида ёки айри ва болтдан иборат асбоб билан чиқариб олинади. Айрининг бир қисміга болт бураб киризилиб, унинг ёрдамида елка ўлчами белгиланади, Айрининг иккінчи қисми шпонкага илинтирилади ва у чиқариб олинади.

Үйғма қисм бұлакларга ажратылғандан кейин деталлар синчиклаб тозаланади ва ювилади, кейинчалик нұқсонлари аниқланиб, яроқли-яроқсизга ажратылади, таъмирлаш ва бутлаш" (комплектлаш)га жұнатылади. Яроқлы қисмлар машина тамгаси ва номери ёзилған жавонга таҳланади.

Таъмирлаш ишлари ҳажми машиналар, агрегатлар ва қисмларни таъмирлашга қабул қилиш техник шартларида белгиланған талабларга мөс келиши керак.

Қисмларга ажратиши-ювиш ва яроқли-яроқсизларга ажратиши ишлари. Машиналарни қисмларга ажратышда винтли ва таҳтакачлар үтказилған бирикмаларни ажратиши күп мәжнат талаб қиласы; винтли

бирикмаларни ажратишга машинани қисмларга ажратишдаги барча меҳнатнинг 60 – 65 фоизи, тахтакачлаб ўтказилган бирикмаларни ажратишга эса 20 – 25 фоизи сарф қилинади. Тахтакачлаб чиқаришда қўйиладиган куч шу бирикмани тахтакачлаб ўтказишида сарфланган кучдан 10 – 15 фоизга катта бўлади.

Тахтакачланган бирикмаларни ажратиш учун ажратгичлар, усткуймали тахтакачлар ёки камдан-кам ҳолларда уриб чиқаргичлар (болға билан урилади) ишлатилади. Шунда винтли, гидравлик ёки пневматик юритмали ажратгичлар қўлланилади,

Кўтариш-ташиш воситалари ва конвейерлар. Қисмларга ажратиш-йигиш ва ташиш ишларида йўқ аравачалар ёки аравача-стендлар, электркарапар, эстакадалар, ролганглар ва конвейерлардан фойдаланилади.

Айrim қисмларни, масалан, узатмалар қутисини ва двигателларни йигишда каруселли (айланадиган) конвейерлардан фойдаланилади.

Буюмларни ювиш ускуналарида, буяш ва қуритиш хоналарида ташиш конвейерларидан самарали фойдаланилади. Таъмиглаш юрхоналарида кўтариш-ташиш ва кўтариш механизmlаридан кран-балка ва электрталлар кўп қўлланилади.

Таъмилашда бажариладиган барча ишлар иккита асосий гуруҳга: қисмларга ажратиш-йигиш ва таъмилаш-тиклаш ишларига бўлинади.

Қисмларга ажратиш-йигиш ишларига бузук агрегатлар, узеллар ва деталларни яроқлиларига алмаштириш, шунингдек йигилаётган агрегатлар ва қисмларнинг элементларини ўзаро мослаш ва ростлаш билан боғлиқ бўлган ишлар ҳам киради. Автомобилларни қисмларга ажратиш-йигиш ишлари асосан двигателларни, цилиндрлар каллагини илашиш муфтасини, узатмалар қутисини, гарданли узатмани, олдинги ва орка кўприкларни, радиаторларни, османинг деталларини, рессорларни ва бошқа ейилган деталлар, механизмалар ёки қисмларни яроқлилари билан алмаштиришдан иборат бўлади.

Автомобил двигателидаги мой ва совитиш тизимидағи суюқлик тўкилган, суюқликни келтирувчи ва олиб кетувчи барча трубалар, электр симлар ва торткилар ажратилгандан кейингина ечиб олинади. Рул бошқармаси гидравлик кучайтиргич билан жиҳозланган автомобиллардан гидрокучайтиргичнинг насоси ва рул механизмидаги гарданли валнинг юқориги шарнири ечилиб олинади. Сўнг илашиш муфтасининг педали олинади, ишчи тормозлаш тизимининг педали ва

дрессел заслонкаларни бошқариш (дизелларда ёнилғи беришни бошқариш) педали ажратилади.

Двигателни жорий таъмирлашда күпинча цилиндрларнинг каллаклари ва уларнинг қистирмалари, поршен ҳалқалари, тирсакли валинг вкладишлари, поршенлар ва цилиндр гилзалари алмаштирилади. Цилиндрлар каллагининг деталларини таъмирлаш учун двигателдан фақат каллак ечиб олинади. Двигател деталларидаги қурум ювиш ускуналарида кимёвий эртималар ёки маҳсус мосламалар ёрдамида кетказилади. Бунда қурум ва бошқа хилдаги чиқиндилардан тозалаш учун құлланиладиган мосламалардағы фойдаланиш керак.

Қисмларга ажратиш иши автомобилларни таъмирлаш технологик жараёнидаги энг муҳим иш ҳисобланади. Қайта фойдаланиш мүмкін бўлган деталлар сони, деталларни тиклаш ишларининг ҳажми, бинобарин таъмирлаш харажати ва сифати қисмларга ажратиш ишларининг сифатли бажарилишига боғлик.

Автомобилларни қисмларга ажратиш кузов, кабина, канотлар, ёнилғи баклари, радиаторлар, электр жиҳозлар ва ёнилғи аппаратларини ечишдан бошланади. Сунгра бошқариш механизми ажратилади, двигатель, узатмалар кутиси, олдинги ва орқа куприклар бошқа агрегат ҳамда қисмлар ечиб олинади.

Корхонанинг йиллик дастурига қараб қисмларга ажратишнинг узлукли ёки узлуксиз усууллари құлланилади.

Қисмларга ажратиш ишлари узлукли (боши берк) ташкил этилганда автомобиль (агрегат) бошидан охиригача бир жойда қисмларга ажратилади. Қисмларга ажратишни ташкил этишининг бу усули корхонанинг ишлаб чиқариш дастури нисбатан кичик бўлганда құлланилади.

Қисмларга ажратишни ташкил этишининг узлуксиз (поток) усули анча такомиллашган. Бу усулда автомобильни қисмлари ажратишга оид барча ишлар навбати билан алоҳида ишчилар бригадалари томонидан бажарилади. Узлуксиз линияда битти буюмни қисмларга ажратишга кетган вақт қисмларга ажратиш такти деб аталади. Ишчилар айрим ишларни бажаришга ихтисослаштирилгани учун узлуксиз қисмларга ажратиш усули таъмирлаш сифати ва меҳнат унумдорлиги юкори бўлади. Бу усулда ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларидан кенг фойдаланиш мүмкін. Бу жуда муҳим, чунки қисмларга ажратиш ишлари жуда кўп меҳнат сарфлашни талаб этади.

Қисмларга ажратиш ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларига: күтариш-ташиш курилмалари, қисмларга ажратиш стендлари, механизатсиялаштирилган асбоб ва қисмларга ажратиш мосламалари киради.

2.1.4. Деталларни яроқли-яроқсизларга ажратиш ва назорат қилиш технологияси асослари

Деталлар кирдан ювиб, тозаланғандан кейин яроқли-яроқсизларга ажратиласы, яғни нұқсонларни аниклаш мақсадида текширилади ва уч гурұхға: кейинчалик фойдаланишга яроқли, яроқсиз ва таъмир талаб деталларға сарапанади.

Деталларнинг нұқсонларини аниклаш ва яроқли-яроқсизларға сарапаш ишлери ишлаб чиқариш самарадорлигига, шунингдек таъмирланған машиналар сифати ҳамда пухталигига катта таъсир этади. Шунинг учун бу ишларни техник шартларға аниқ амал қылған ҳолда бажариш керак.

Деталлардаги нұқсонларни күздан кечириб, шунингдек махсус асбоблар, мосламалар ва ускуналар ёрдамида аникланади. Кейинчалик фойдаланишга яроқли деталлар яшил ранг, яроқсизлари қызыл ранг, тиклашни талаб этган деталлар эса сарық ранг билан белгиланади. Деталларни яроқли-яроқсизларға ажратиш натижалари нұқсонлар руйхатида қайд этилади ёки махсус ҳисоблаш курилмалари ёрдамида ҳисобға олинади. Бу маълумотлар статистик усуулларда ишланғандан кейин деталларнинг яроқлилік, алмашинувчанлик ва тиклаш коэффициентларини аниклаш ёки уларға тузатиш киритиш имконини беради.

Ишга яроқли деталлар сарапанғандан кейин корхонанинг комплектлаш (бутлаш) участкасига, сұнгра машина агрегаттарини йигишке, яроқсизлари эса чиқындилар омборига юборилади. Таъмир талаб деталлар таъмирлашни кутаётган деталлар омборига ва тегишли тиклаш участкаларига жұнатылади.

Деталларни яроқли-яроқсизларға ажратиш ва сарапаш техник шартлари карта (қофоз) күренишида бўлиб, унда ҳар кайси деталга оид қуйидаги маълумотлар келтирилади: детал тұғрисидаги умумий маълумотлар; деталдаги нұқсонлар руйҳати; нұқсонларни бартараф этиш усуулари; таъмирсиз рухсат этиладиган үлчамлар ва нұқсонларни бартараф этишнинг тавсия этилган усууллари.

Деталларни яроқли-яроқсизларга ажратишида вақтни тежаш мақсадида қуидаги тартибға амал қилинади. Деталларни ташқи томондан күздан кецириб йирик дарзлар, тешилған-ёрилған, синган, тираналған, чизилған, занглаган жойлар аниқланади. Деталлар иш сиртларининг үзаро жойлашишидаги ва деталлар ашёсининг физик-механик хоссаларидаги нұқсонлар махсус мосламалар ёрдамида аниқланади. Күзға күрінмайдыган нұқсонлар (күрінмайдыган дарзлар ва ички нұқсонлар) аниқланғандан кейин деталлар иш сиртларининг үлчамлари ва геометрик шакли текширилади.

Деталларда учрайдиган нұқсонлар таснифи Турли жараёнларнинг бирғаликда деталларга күрсатған таъсири натижасида уларда нұқсонлар пайдо булади. Нұқсонларнинг тури жуда күп булиб, уларни қуидаги беш гурухға булиш мүмкін: иш сиртларининг үлчамлари ва геометрик шаклининг үзгариши; иш сиртларининг үзаро жойлашишидаги аниқликнинг бузилиши; деталларнинг механик шикастланиши ва деформацияланиши; занглаб шикастланиши; деталлар ашёсининг физик-механик хоссаларининг үзгариши.

Деталлар иш сиртларининг үлчамлари ейилиш натижасида үзгәради. Сиртлар нотекис ейилгандың геометрик шакли бузилади. Фикримизни асослаш учун двигателдеги энг мұхым иккита детал – цилиндрлар гилзалари ва тирсакли валнинг ейилиш хусусиятларини күриб чиқамиз. Цилиндрларнинг гилзаларыда унинг ички иш сирти ейилади. Ейилиш натижасида гилза иш сиртнинг диаметри катталашади, унинг шакли эса бузилади. Гилзанинг ички сирти узунлығи бүйіча нотұғри конус, айланаси бүйлаб эса, овал шаклиға келади.

Цилиндрлар гилзасининг юкори қисми, юкориги компрессион ҳалқаның ишқаланыш жойи күпроқ ейилади. Буни қуидаги тушунтириш мүмкін. Ёnilғи ёнғанда гилзанинг юкори қисмиде газлар ҳарорати ва босими кескін ошади. Газлар поршен ҳалқаларининг остига кириб, уларнинг гилза сиртига босимини оширади. Юкори ҳарорат натижасида мой парда сүйүлиб, гилзанинг юкори қисмини мойлаш шароитлари ёмонлашади. Бундай ташқари, ёнувчи арапашма мойни қисман ювіб юборади. Ёnilғи ёнғанда таркибида карбонат ангидрид гази ва олтингүргүртли бирикмалар бұлған газлар ҳосил булади. Бұгылар сув буғлары билан құшилиб, сулфат ва күмир кислоталарини

хосил қиласы, бу кислоталар сиртнинг занглаб ейилиши учун шароит яратади.

Поршеннинг гилза деворига нотекис таъсир этиши гилза иш сиртининг овал шаклга келишига сабаб бўлади. Бу эса поршеннинг гилза сиртига босими катта бўлишилиги билан тушунтирилади ва шу жойлар тез ейилади.

Двигателнинг тирсакли вали иш жараёнида иш газларининг циклик (такрорланувчи) босими, илгариланма ҳаракатланувчи ва айланувчи қисмларнинг инерция кучлари таъсирида бўлади.

Бундай шароитларда тирсакли валнинг ўзак ва шатун бўйинлари ейилади. Тирсакли валнинг бўйинларига кучлар нотекис таъсир этганидан улар айлана бўйлаб нотекис ейилади. Масалан, шатун бўйинлари тирсакли валнинг ўзак бўйинларининг ўқига қараган томонда кўпроқ ейилади. Бунга сабаб шуки, вал бўйиннинг бу томонига инерцион кучлар узлуксиз таъсир этади.

Иш сиртларининг ўзаро жойлашишидаги аниқликнинг бузилиши машиналарнинг деталларида кўп учрайдиган нуқсонлар қаторига киради. Бундай нуқсон содир бўлганда цилиндросимон сиртлар меҳварлари ўртасидаги оралиқ, меҳварлар ва текисликларнинг ўзаро параллеллиги ёки тикилиги, цилиндросимон сиртларнинг ўқдошлиги бузилади ва ҳоказо.

Нуқсонларнинг содир бўлишига иш сиртларнинг нотекис ейилиши, деталларни тайёрлашда пайдо бўладиган ички кучланишлар, иш вақтида деталга ортиқча ёғ тушиб, уларда қолдиқ деформация пайдо бўлиши ва бошқалар сабаб бўлади. Деталлар ашёсидаги ички кучланишлар унинг эгилувчанлик чегарасидан ошганда деформация содир бўлади. Қолдиқ деформация деталларда эгилиш, буралиш, қийшайиш кўринишида бўлади. Тирсакли валлар ва тақсимлаш валлари деформацияланиб қолади, корпус деталлар (цилиндрлар блоки, узатмалар кутисининг картери ва х.к.) қийшайди, шатунлар буралади.

Деталларга ўзгарувчан ишорали кучлар такрор-такрор таъсир этганда металда ички зуриқишилар тўплана боради, деталларнинг узок вақтга чидамлилиги камая боради, дарзлар ва нуқсонлар пайдо бўла бошлайди, детал ашёси толиқади. Ашёларнинг толиқиши ҳодисаси тирсакли валлар, буриш сапфалари, яримўқлар, рессорлар, пружиналар кабилларда содир бўлади. Ашёларнинг занглаб шикастланиш ҳодисаси

деталга ташки мухитнинг кимёвий ёки электр кимёвий таъсири натижасида содир бўлади. Деталлар занглаганда улар сиртида оксид пардалар, додлар ва уйилган жойлар пайдо бўлади.

Деталларнинг нураши, суюқлик таъсирида содир бўлади. Нураш натижасида деталлар сиртида уйилган жойлар ва додлар пайдо бўлади. Бундай шикастланишни двигател совитиш тизимининг деталларида, кузовда ва унинг канотларида кузатиш мумкин. Агар деталга таъсир этаётган суюқлик таркибида жилвир заррачалар мавжуд бўлса, нураш кучаяди.

Кавитацион шикастланишлар деталга таъсир этаётган суюқлик оқими шу оқимда пайдо бўлган газ пуфакчалари таъсирида узилиб-узилиб турганда содир бўлади. Кавитатсион пуфакчалар ёрилганда гидравлик зарблар пайдо бўлиб, детал сиртида диаметри 0,2 – 1,2 мм ли чукурчалар ҳосил бўлади.

Деталлардаги нуқсонлар кўшимча динамик юкларни вужудга келтириб, уларнинг ейилишини тезлаштиради. Шунинг учун деталларни яроқли-яроқсизларга ажратиб саралашда, нуқсонларни топиш ва таъмирлаш жараёнида уларни бартараф этиш зарур.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Таъмирлаш нима?
2. Таъмирлаш қаерларда амалга оширилади?
3. Технологик жараён деганда нимани тушунасиз?
4. Детал қандай тикланади?
5. Машина тузилишини ташкил этувчи кисмлар неча гурухга бўлинади?
6. Ноконструктив кисмлар деганда нимани тушунасиз?
7. Таъмирлашнинг неча хил турлари мавжуд?

Таянч иборалар.

Ииқаланиш, моілаш, ейилиш, хизмат кўрсатиши назарияси, квалиметрия назарияси, қайта ўрнатиш, реставратсия, технологик жараён, технология, детал, детални тиклаш, йиғма қисм, конструктив қисм, двигатель, шестерня, шайба, подшипник, болт, жорий таъмирлаш, ўртacha таъмирлаш, ишига қобилиятилик, эгасизлантиришган таъмирлаш, муфта.

2.2. МАШИНА ДЕТАЛЛАРИНИ ТИКЛАШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ

2.2.1. Асосий түшүнчалар ва деталларни тиклашнинг ҳозирги усуллари.

Қишлоқ хұжалик машиналарини таъмирлашнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда деталларнинг қолдик иш муддатидан фойдаланиш катта ахамиятга зға. Қишлоқ хұжалик машиналарининг ҳамда улардаги агрегатларнинг асосий таъсиргача хизмат муддатини үтаган деталларининг 60 – 65 фоизи қолдик иш муддатига зға бўлиб, таъмирланмасдан ёки оз микдорда таъмирлаш ишларини бажаргандан кейин яна ишлатишга яроқли бўлади.

Қишлоқ хұжалик машиналарининг барча деталларини иш муддатларига қараб уч гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гурухга ўз иш муддатини тўлиқ үтаган ва таъмирлаш пайтида янгиси билан алмаштирилиши лозим бўлган деталлар киради. Бундай деталлар нисбатан оз бўлиб, барча деталлар сонининг 25 – 30 фоизини ташкил этади. Бу гурух деталларга поршенлар, поршен ҳалқалари, подшипникларнинг вкладишлари, турли втулкалар, думаланиш подшипниклари, резинатехник буюмлар ва бошқалар киради.

Иккинчи гурух деталларни (30 – 35 фоиз) таъмирламасдан яна ишлатиш мумкин. Бу гурух деталларга иш сиртлари жоиз чегарада ейилган деталлар киради.

Учинчи гурух деталларнинг асосий (40 – 45 фоиз) қисми киради. Улардан таъминлангандан кейингина қайта фойдаланиш мумкин. Бу гурухга анча қиммат ва мураккаб замин деталлар, масалан, цилиндрлар блоки, тирсакли вал, узатмалар кутисининг картери, орқа кўприк, тақсимлаш вали киради. Бу деталларни тиклаш нархи уларни тайёрлаш нархининг 10 – 50 фоизидан ошмайди.

Қишлоқ хұжалик техникасини таъмирлаш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий манбаи иккинчи ва учинчи гурух деталларининг қолдик иш муддатидан фойдаланишдан иборат.

Деталларни тиклаш халқ хұжалигига катта ахамиятга зға. Деталларни тиклаш учун сарфланадиган маблағ уларни тайёрлаш харажатларидан 2 – 3 марта кам бўлади. Чунки деталларни тиклашда ашёлар, электр энергияси ва меҳнат ресурслари сарфи анча қисқаради.

Деталларни тиклаш самарадорлиги ва сифати танланган усулга боғлик. Деталларни тиклашнинг қуйидаги усуллари кенг кўламда

қўлланилади: механик ишлов бериш, пайвандлаш ва метал суюлтириб қоплаш, пуркаб қоплаш, галваник ва кимёвий ишлов бериш, босим билан ишлов бериш, синтетик ашёлардан фойдаланиш.

Машиналарни ва ускуналарни таъмираш технологик жараённада уларнинг деталлари тозаланади, ярокли-яроқсизларга сараланади ва ташхис қўйиш каби умумтаъмир ишлари бажарилади, шунингдек баъзи ҳолларда тегишли синовлардан ҳам ўтказилади.

Деталнинг геометрик шаклини ёки ашёнинг ички ҳолатини ўзгариши билан боғлик бўлган технологик таъсири этиш ишлари тиклаш ишларига киради. Бунинг учун қуйидаги технологик жараёнлар бажарилади: деталнинг ейилган сиртини тўлдириб қоплаш, иш вақтида этилувчан деформацияланган жойларни асл ҳолатига келтириш ёки ейилган жойларнинг ўлчамларини тиклаш максадида ашёни қайта тақсимлаш учун пластик деформациялаш, деталнинг бир қисмини алмаштириш ва қўшимча элементлар ўрнатиш, деталларнинг сиртларига бирор усулда ишлов бериб металнинг бир қисмини олиб ташлаш.

Деталлар ашёсининг физик-механик хоссаларини тиклаш бўйича ишларга макроскопик нуқсонларни (масалан, дарз кўтган, емирила бошлаган жойлар) бартараф этиш ва деталнинг энг муҳим жойларидаги микронуқсонларнинг заарли таъсирини камайтириш учун бирор усулда (термик, термомеханик ишлов бериб, пластик деформациялаб) ашёни пухталаш киради.

Механик ишлов бериш ейилган сиртларга қоплама ётқизиша тайёрлаш ёки тугаллаш ишларида, шунингдек деталларни таъмир ўлчамларга мослаб тиклашда ёки қўшимча таъмир деталлар ўрнатиб тиклашда қўлланилади. Деталларни таъмир ўлчамларга мослаб ишлов берганда улар иш сиртларининг геометрик шакли тикланади, қўшимча таъмир деталлар ўрнатилиб, таъмирланаётган детал ўлчами янги детал ўлчамига мувофиқлаштирилади.

Пайвандлаш ва метал суюлтириб қоплаш – деталларни тиклашнинг кенг қўлланиладиган усулларидир. Пайвандлашдан деталларнинг механик нуқсонлари (дарз, ёрилган жойлар ва х.к.) ни бартараф этишда, суюлтириб қоплашдан эса ейилган иш сиртларни тулдириб тиклаш максадида уларни метал катлами билан қоплашда қўлланилади. Таъмираш корхоналарида пайвандлаш ва суюлтириб қоплашнинг ҳам дастаки, ҳам механизациялаштирилган усуллари қўлланилади. Механизациялаштирилган усуллар ичida флюс остида ва ҳимоя газлар муҳитида ёй билан автоматик ва тебранма ёй билан суюлтириб қоплаш

усуллари кенг қўлланилади. Ҳозир деталларни тиклашда пайвандлашнинг истиқболли усуллари ҳисобланган лазерли ва плазмали пайвандлаш усуллари қўлланилади.

Деталларни тиклашнинг пуркаб қоплаш усули суюлтирилган қоплайдиган қилиб суюлтирилган метал билан қопланади. Флюс 4 ёйнинг ёниш зонасига бункер З дан берилади.

Автоматлаширилган усулда флюс остида суюлтириб қопланган металнинг физик-механик хоссалари фойдаланиладиган электрод сим ва флюсга боғлик. Электрод симларнинг қуйидаги маркалари кенг қўламда ишлатилади: кам углеродли пўлат деталларни суюлтириб қоплаш учун Св – 08; Св – 08ГС; ўртча углеродли ва паст легирланган пўлатлардан тайёрланган деталлар учун эса Нп-65, Нп-80, Нп-30ХГСА.

Автоматик суюлтириб аоплашда икки турли флюс: суюқ, (АН-348А, АН-20, АН-30) ва сопол флюслар (АНК-18, АНК-19) ишлатилади. Суюқ флюслар суюлтириб қопланган метални оксидланишдан яхши саклайди, сопол флюслар эса, метални оксидланишдан саклашдан ташкари, унга легирланиш хусусиятини ҳам беради.

Флюс остида автоматик суюлтириб қоплаш тартиби жараённинг унумдорлигига ва суюлтириб қопланган металнинг физик-механик хоссаларига катта таъсир кўрсатади. Бу тартиб электрод диаметрига, ёй кучланишига, пайвандлаш токининг кучига, суюлтириб қоплаш ва симни суриш тезликларига, электроднинг чиқиб турган қисмининг узунлигига, суюлтириб қоплаш қадамига боғлик. Электрод сим диаметрига қараб танланади. Автомобил деталларини суюлтириб қоплашда диаметри 1,6 – 2,5 мм ли сим ишлатилади. Ток кучи электрод диаметрига қараб қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топилади:

$$I = 110 d,$$

бу ерда d , –электрод диаметри, мм.

Суюлтириб қоплашда тескари кутубли ўзгармас ток ишлатилади. Пайвандлаш ёйининг кучланиши 25 – 35 В, суюлтириб қоплаш тезлиги 15 – 45 мГ соат, симни суриш тезлиги 75 – 180 мГ соати ташкил этади. Электрод қулочи (симнинг чиқиб турган қисми узунлиги) ток кучига боғлик бўлиб, 10 – 25 мм атрофида белгиланади. Суюлтириб қоплаш қадами қатламнинг талаб этилган қалинлигига, шунингдек ток кучи ва кучланишга қараб аниқланади. Одатда суюлтириб қоплаш қадами 3 – 5 мм бўлади. Флюс остида автоматик суюлтириб қоплаш деталларни тиклаш усули сифатида қатор афзалликларга эга: иш унумдорлиги катта,

электр енергия ва электрод метали кам сарфланади, суюлтириб қопланадиган қатламни анча қалин (1,5 – 5 мм ва бундан ҳам қалин) қилиш мумкин; қатлам текис чиқади, суюлтириб қопланадиган метални (легирлаш йүли билан) зарур физик-механик хоссали қилиш мумкин; суюлтириб қопланадиган метал сифати ишчи ходим малакасига боғлик бўлмайди; ултрабинафаша нурланиш йўклигидан пайвандчиларнинг меҳнат шароитлари яхши бўлади.

Шунингдек автоматик суюлтириб қоплаш усулининг камчиликлари ҳам мавжуд. Масалан, детал кучли қизийди, суюлтириб қопланадиган металнинг оқиб кетиши ва флюсни детал сиртида саклаш қийинлиги сабабли диаметри 40 мм дан ҳам бўлган деталларни суюлтириб қоплаш мумкин бўлмайди.

Флюс остида суюлтириб қоплаш двигателлар тирсакли валларининг бўйинларини, турли валлардаги шлицили сиртларни, автомобилларнинг ярим ўқларини ва бошқа деталларини тиклашда кўлланилади.

Карбонат ангидрид гази муҳитида пайвандлаш ва суюлтириб қоплаш деталларни тиклашда кенг кўлланилмоқда. Карбонат ангидрид гази 3 пайвандлаш зонасига мундштук 2 нинг тешиги орқали берилади ва у суюлтириб қопланадиган метал 5 ни ташки муҳитдан мутлақо ажратиб, унинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди.

Карбонат ангидрид гази муҳитида автоматик суюлтириб қоплаш ҳам флюс остида суюлтириб қоплашда ишлатиладиган пайвандлаш ускуналарида баҳарилади. Бунда ҳимоя газ бериш учун мундштук ўрнатилади.

Суюлтириб қоплашда токарлик станогидан фойдаланилиб, унинг патронига детал 8 ўрнатилади, суппортига эса суюлтириб қоплаш аппарати 2 маҳкамланади. Карбонат ангидрид гази баллон 7 дан ёниш зонасига берилади. Газ баллон 7 дан чиқишида кескин кенгайиб, тез совийди. Газни иситиш учун у электр иситкич 6 орқали ўтказилади. Карбонат ангидрид гази таркибидаги сув куригич 5 ёрдамида кетказилади. Бу куригич намизизлантирилган купорос ёки силикагел билан тўлдирилган патрондан иборат. Газ босими кислород редуктори 4 ёрдамида пасайтирилади, газ сарфи эса сарф ўлчагич 3 билан назорат қилинади.

2.2.2. Деталларни галваник ва кимёвий қопламалар билан тиклаш

Галваник қоплаш электр ток таъсирида метал тузларининг эритмасидан металарнинг ажралиб чиқиши хоссасига асосланган. Детал ток манбаининг манфий қутбига катодга уланганда, унинг ейилган сиртига метал ўтиради. Ток манбаининг мусбат қутбига уланган анод иккинчи электрод сифатида хизмат қиласи. Иккала электрод ажраладиган метал тузларининг эритмасига жойланади.

Галваник ва кимёвий қопламалар деталнинг ейилган жойини тўлдириш учун еткизилади, шунингдек улардан занглашдан саклайдиган ёки пардоз қопламалар сифатида фойдаланилади. Галваник қоплаш усууларидан хромлаш, темирлаш, никеллаш, рухлаш ва мислаш, кимёвий қоплаш усууларидан эса, оксидлаш ва фосфатлаш кенг кўламда қўлланилади.

Галваник қопламалар деталга еткизилиши зарур бўлган металарнинг сувдаги эритмасидан тузилган электролитлардан олинади. Бунда детал катод, метал пластина эса анод вазифасини бажаради. Электролитдан ток ўтганда катод (детал) га метал ўтиради, анод эса эриди.

Деталларга қоплама ётқизиш технологик жараёни деталларни қоплама ётқизишга тайёрлаш, қоплама ётқизиш ва қопланган деталларга ишлов беришдан иборат.

Галваник қопламалар деталларни ортиқча қиздириб юбормаган ҳолда ейилган сиртларни тўлдириш ва уларни бошлангич ўлчамларига келтириб тиклаш имконини беради. Пахтачилик машиналарининг деталлари галваник усуlda хромлаш билан тикланади.

Хромни ейилган сиртларга ётқизиш жараёни кўпи билан 0,25 – 0,3 мм ейилган деталларни тиклашда, шунингдек занглашдан саклаш учун қўлланилади. Валлар, ўқларнинг иш сиртлари, думалаш подшипниклари ўтказиладиган сиртлар ва бошқа деталлар хромлаш усулида тикланади. Хромли қопламалар кўкимтир-ок рангда бўлади. Деталга ётқизилган хром каттиклиги НВ 800 – 1000, ейилиш ва занглашга каршилиги катта бўлади. Хром билан тикланган деталларнинг хизмат муддати иш шароитларига қараб 4 – 10 марта ошади. Хромли қопламаларни хом ва зангдан тозалаш, силлиқлаш, ишкорли: қайноқ эритмада (калций оксида

Хромлаш технологик жараёни деталларни хромлашга тайёрлаш, хусусан хромлаш, хромланган деталларни ювиш, зарур бўлса, механик ишлов беришдан иборат. Хромлашга тайёрлаш деталларни кир, мой ва зангдан тозалаш, силлиқлаш, ишкорли: қайноқ эритмада (калций оксида

ва магний оксидининг аралашмасида) ювиш, ишқалаш, қайноқ ва совук сувда ювиш, хромланмайдиган жойларни беркитиш, деталларни осмага ўрнатиш, электролитик ёғсизлантириш кабилардан иборат. Деталнинг тикланадиган сирти тўғри геометрик шаклга келтирилади, чизилган ва тирналган жойлар йўқотилиб, ғадир-будурлиги $0,63 - 0,16$ мкм га келтирилади. Деталлар ювиш тогораларида ва қўлда ювилади ҳамда ғадир-будурлик даражасига қараб танланган жилвир тош билан силиқланади.

Механик ишлов беришда ҳар томондан олинган қатлам қалинлиги $0,25$ мм дан ошмаслиги керак. Деталнинг хромланмайдиган жойлари сапон-лак, селлуоид тасма ва бошқалар билан беркитилади, тешиклар эса қўргошин тикинлар билан ёпилади, хромланадиган сиртлар ГОИ пастаси суртилиб, пластик жилвир тошлар билан ёки майдадонли жилвир қозоз билан тозаланади. Хромлашга тайёрланган детал осмаларга ўрнатилади ва тогорада электролитик ёғсизлантирилади. Электролит таркиби 50 г ўювчи натрий, 1 л сувдан иборат; ёғсизлантириш тартиби: ток зичлиги 5 А Гдм 2 , электролит ҳарорати $15 - 20^\circ\text{C}$, электролитда тутиб туриш вақти $1 - 2$ минут. Ёғсизлантириш сифати сиртларнинг сувга ҳўлланишига қараб аниқланади. Оксидлар пардасини кетказиш учун декопирланади. Оксид парда ёткизиладиган хромнинг асосий деталга мустаҳкам ёпишишига тусқинлик қиласи. Оксид пардаси H_2O_4 нинг 5 фоизли эритмасида ёки таркиби 100 г хром ангидрид, $2 - 3$ г сульфат кислота 1 л сувдан иборат электролит қўйилган тогорада кетказилади. Иш тартиби: ток зичлиги 5 А Гдм 2 , электролит ҳарорати $15 - 20^\circ\text{C}$, кучланиш $4-5$ В, тутиб туриш вақти 1 минутгача боради. Декопирлашда детал анод бўлади. Декопирлашдан кейин детал оқар сувда ювилади. Галваник қоплашда ишлатиладиган ҳозирги ускуналар токнинг зичлигини, электролитнинг концентрациясини, қоплама қалинлигини, электролитнинг ҳароратини, сатҳи ва таркибини, токни йўналтириш вақтини ростлаш имконини берадиган автоматик курилмалар билан жиҳозланади.

Деталлар хром ангидриди ва сульфат кислотанинг сувдаги эритмасидан иборат бўлган электролитда хромланади. Бунда анод сифатида қўргошин пластинадан фойдаланилади. Электролитдаги хром ангидрид контцентрацияси $150 - 400$ гГл, сульфат кислота концентрацияси эса бундан 100 марта кам булиши керак.

Хромлаш тартиби иккита кўрсаткич ток зичлиги Дк ва электролит ҳароратига қараб аниқланади. Бу кўрсаткичлар нисбатини ўзgartириб,

хром қопламасининг хоссалари билан фарқланувчи уч турини: хира (кулранг), ялтироқ ва сутранг (1 – 3 зоналар, 3- расм) хром қопламасини ҳосил қилиш мумкин.

Ялтироқ хром қопламаси жуда қаттиқ ва ейилишга чидамли, ташки күриниши чиройли бўлади. Сутранг қопламада каттиқлиги бироз кам пластиналар ҳосил бўлади, у ейилишга чидамли ва занглашга қарши хоссаларга эга бўлади. Хира қопламалар жуда қаттиқ ва мўрт бўлади, лекин ейилишга чидамлилиги бироз кам бўлади. Хромлашдан деталларни тиклашда; унинг ейилган сиртларини тўлдиришда; занглашга қарши ва декоратив қоплама сифатида кенг кўламда қўлланимокда. Хромли қоплама жуда қаттиқ бўлиб, унинг ейилишга чидамлилиги тобланган пулат 45 никидан 2 – 3 марта ортиқ бўлади.

Хромлаш жараёнининг нисбатан кам унумлиги (0,3 ммГсоатдан ошмайди), кучли ейилган деталларни тиклаш мумкин эмаслиги (0,3 – 0,4 мм дан қалинроқ), хром қопламаларининг механик хоссалари паст бўлади ва бу жараёнининг нисбатан қимматга тушиши хромлаш жараёнининг камчилигидир.

Қоплаш сифати анодларнинг шакли ва ўлчамларига, шунингдек уларнинг катод (детал) га нисбатан жойлашишига кўп жиҳатдан боғлик. Хром катламининг текис қопланиши анодлар сонига ва куч чизикларнинг жойлашишига боғлик. Детал хромлангач ювилади, унинг сиртидаги электролит қолдиқлари кетказилади, сунгра оқар сувда қайтадан ювилади. Осмалардан олинган деталлар куритиш хонасида (шкафда) ёки қиздирилган қипикларда куритилади. Натижада хромланган силлиқ қоплама ҳосил бўлади.

Тайёрлаш ишларининг мураккаблиги, жараёнининг узок давом этиши сабабли 0,3 мм дан ортиқ ейилган деталларни тиклаш мумкин эмаслиги, жараён қимматлиги, токнинг кўп сарфланиши, хромланган қатламнинг ёмон мойланиши хромлаш усулининг кам қўлланилишига сабаб бўлмоқда.

Темирлаш – хлорли электролитлардан ейилишга чидамли қаттиқ қопламалар ҳосил қилиш жараёнидир. Бу усул хромлаш жараёнига нисбатан куйидаги афзалликларга эга: хромлашдагига нисбатан 5 – 6 марта кам ток сарф бўлади, қоплама тез ҳосил бўлади, қопламанинг ҳосил бўлиши тезлиги 0,3 – 0, 5 мм Г`соат га этади (хромлашдаги тезликдан 10 – 15 марта катта); қоплама ейилишга жуда чидамли бўлади (тобланган пулат 45 дан қолишмайди); қалинлиги 1 – 1,5 мм ва бундан қалин, қатиқлиги HRC 20 – 60 бўлган қоплама ҳосил қилиш учун оддий


арзон электролитдан фойдаланиш мүмкін. Шу афзаллуклари туғайли автомобилларни таъмирлашда кенг фойдаланылмокта.

Таъмирлашда электролит сифатида оз миқдорда хлорид кислота күшилган хлорли темирнинг сувдаги эритмаси ишлатилади. Хлорли темир концентрацияси 200 – 700 гл, хлорид кислотанники эса 1 – 3 гл ни ташкил этади.


Таъмирлашда кам углеродли пұлатдан тайёрланған анодлар ишлатилади. Темирлаш жараёнида пұлат анод ерийди.

Темир қопламаларнинг хоссалари хром қопламаларники каби қоплаш тартибига боғлиқ бұлади. Қопламанинг микрокаттиқлиги Нм катодлари ток кучининг зичлигі Дж нинг ошиши ва электролит ҳарорати Тэ нинг пасайиши билан ортади (3- расм).

Деталларни таъмирлашда катор ҳолларда электролитик никеллаш хромлаш ўрнини муваффакиятли босиши мүмкін. Электролит сифатида сулфат кислотали никелнинг сувдаги эритмаси (вазний концентрацияси 175 гл), хлорли никел (концентрацияси 50 гл) ва фосфорли кислота (концентрацияси 50 гл) нинг сувдаги эритмаси ишлатилади. Никеллаш жараёнида никелли анодлар электролиттегі эрийди. Электролиз тартиби: ток кучининг зичлигі 5 ... 40 А \cdot м², электролит ҳарорати 75 – 95°C. Никелли қопламалар етарлы даражада ейилишга чидамли бұлади (4-расм).



3- расм



Рұхлаш. Тракторлар ва автомобилларни таъмирлашда майда маңкамлаш деталлари рухлаб занглашдан ҳимоя қилинади. Рұхлаш сульфат кислотали электролитларда бажарилади. Бундай электролитлар таркибиға сульфат кислотали рұх (200 – 250 гГл); сульфат кислотали аммоний (20 – 30 гГл); сульфат кислотали натрий (50 – 100 гГл) ва дексерин (8 – 12 гГл) киради. Қоллама айланадиган махсус барабандарда ёки қалпокұлarda ётқизилади.

Рұхлаш жараёнида электролит ҳарорати уй ҳароратига teng ва ток күчи зичлиги 3 – 5 А Гдм^2 бұлади.

Оксидлаш - пұлат деталларға таркибіда оксидловчы моддалар бұлган қайнок ішқорлы эритмаларда ишлов берішдан иборат.

Оксидлашда деталларнинг сиртида қалинлиғи 0,6 – 1,5 мкм ли оксид парда хосил бұлади. Оксид парда жуда мустақам бўлиб, метални занглашдан пухта муҳофазалайди. Нормаллар (болт, гайка ва бошқалар) ҳамда кузов арматурасининг баъзи бир деталлари оксидланади.

Оксидлаш учун уювчи натрий (концентрацияси 700 – 800 гГл) эритмасидан фойдаланилади. Бу эритмага оксидловчы моддалар сифатида азот оксидли натрий (200 – 250 гГл) ва азотли натрий оксиди (50-70 гГл) қўшилади. Оксидлаш жараёни эритма ҳарорати 140 – 1450С бўлгандан 40 – 50 мин. давом этади. Бундай ишлов берилған деталлар

сувда ювилади. Қопламадаги ғовакларни беркитиш учун детал (110 – 115⁰С ҳароратда) машина мойида қайнатилади.

Фосфатлаш – пұлат деталлар сиртида химоя пардалар ҳосил қытывчи кимёвий жараёндан иборат. Химоя парда фосфор, марганет ва темир тузларидан иборат бўлади. Парда қалинлиги 8 – 40 мкм бўлиб, ғовак бироз қаттиқ ва яхши мосланувчан бўлади. Фосфатлаш «Мажеф» дорисининг сувдаги 30 – 35 фоизли зритмасида 95 – 980С ҳароратда 50 – 60 минут давомида амалга оширилади. Кузов деталларини бўяшга тайёрлашда грунт бериш ва деталларнинг ишлаб мосланувчанлигини яхшилашда бундай ишлов бериш усули қўлланилади.

Пўлатлаш – деталларнинг ейилган сиртига қалинлиги 3 мм гача бўлган пўлат қатламини электролитик усулда етқизишдан иборат. Бу усул анча тежамли ва унумли бўлганлиги сабабли кейинги йилларда пўлат ва чўян деталларни тиклашда кенг кўламда қўлланилмоқда. Пўлатлашдаги иш унуми металнинг тез ўтириши ҳисобига 0,5 ммГсоат ни ташкил этади, бу эса хромлашдагидан 15–20 ҳисса ортиқ. Пўлатлаш (темирлаш) усулида трансмиссияларнинг валлари, шкивлар, чўян втулкалар ва бошқа 3 мм гача ейилган деталлар тикланади.

Пўлатлашнинг афзалиги шундаки, бу усул билан детал сиртига ўтирган қатламни сementлаш, тоблаш ва бўшатиш мумкин.

Никеллаш. Электролитик ва кимёвий никеллаш деталларнинг ейилишга чидамлилигини ошириш, занглашдан химоялаш ва декоратив қоплама ҳосил қилишда қўлланилади. Электролитик никеллаш хромлашдаги каби тоғораларда бажарилади, кимёвий никеллаш эса, деталларни зритмага ботириб, маълум ҳароратда тутиб туриш, (электр токини ишлатмасдан), метални ейилган сиртга ўтиришини таъминлашдан иборат. Ёнилғи насослари ва гидравлик асбобларнинг пўлат, мис ва алюминий қотишмаларидан аниқ тайёрланган деталларини унумдорлиги бу усулнинг афзалигидир.

Мислаш ейилган ва сиқилган бронза втулкаларни тиклаш, сиртларни сementлашда муҳофазалаш, электр асбобларнинг контактларини таъмирланган деталларнинг ишлаб мосланишини яхшилаш учун сиртларга қалай қатламини етқизишдан иборат.

Оқартириш – таъмирланган деталларнинг ишлаб мосланишини яхшилаш учун сиртларга қалай қатламини етқизишдан иборат.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Детални тиклашнинг қандай ҳозирги замонавий усуллари мавжуд
2. Халқ хўжалигига деталларни тиклаш қандай аҳамиятга эга
3. Деталларни тиклаш нималарга боғлик
4. Деталлар ашёсини физик-механик хоссаларини тиклашга оид қандай ишлар бажарилган?
5. Галваник қоплаш деганда нимани тушунасиз?
6. Темирлаш қандай жараён ҳисобланади?

Таянч иборалар.

Поршен, резина, техника, вкладиш, втулка, орқа кўпrik, пластик деформация, микроскопик нуксон, пайвандлаш, галваник қоплаш, темирлаш, рухлаш, оксидлаш, фосфатлаш, пулатлаш, мислаш, оқартириш


2.3. ИШЛАМАЙ ҚОЛИШЛАР КЛАСИФИКАЦИЯСИ

2.3.1.Аста-секин ва тасодифий ишламай қолишилар уларнинг пайдо булиш табиатига кўра аниқланади. Машинани ишлатиша емирилиш жараёнининг яширинлиги натижасида тұsatдан ишламай қолиши уни тасодифийлар тоифасига киритилишини билдирмайды.

Ишламай қолишининг пайдо булиш эҳтимоллиги $F(r)$ ни маҳсулотнинг олдинги ишлаш вақтидан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги бу ерда мезон булиб хизмат қиласи. Мисол сифатида 6-расмда 1-2 ишқаланиш жуфтлиги кўрсатилган булиб, бу ерда бирикма иш қобилиятининг бузилиши ишқаланиш сиртларининг тирналиши натижасида содир бўлади, бу эса иккита сабабнинг оқибати булиб ҳисобланади.

Биринчидан, сиртнинг шикастланиши ташқаридан абразив заррача 3 нинг тушиши туфайли, иккинчидан – кўймада яширин нуксон – кавак (раковина) 4 нинг пайдо булиши туфайли содир бўлиши мумкин.


Ҳар иккала ишламай қолиши ҳам деярли бир хил пайдо бўлади, бирок уларнинг табиати ва мос равишда пухталигини ошириш усуллари турличадир.



5-Расм

Биринчи ҳолат тасодифий ишламай қолиш ҳисобланади, чунки абразив заррачанинг тушиб қолиш эҳтимоллиги машинанинг давоми ишлашидан эмас, балки ташки омиллардан боғлиқ бўлади. Бу ҳолда бузилмасдан ишлашини ошириш, ишлатиш усувларини яхшилаш ва ишқалнеш сиртни ифлосланишдан ҳимоялаш билан боғликдир.

Иккинчи ҳолат аста-секин ишламай қолиш ҳисобланади, чунки унинг пайдо бўлиши сиртнинг ейилиш жараёни билан ва материалнинг сифати билан боғлиқ. Бирикма қанча кўп ишласа ва йўналтиргич қанча кўп ейилса, сиртда яширин нуқсон пайдо бўлиш эҳтимолиги шунча юқори бўлади.



6-расм. Мураккаб ишламай қолишни ифодаловчи схема

Исталган ишламай қолишининг вужудга келиши шикастланиш жараёнининг тезлигидан ($\gamma = \frac{dU}{dt}$, бу ерда U – шикастланиш даражаси) ва бу жараённинг пайдо булиш вақти ϕ_a дан боғлиқ булади (5-расмга қаранг).

Аста-секин ишламай қолища $\phi_a = 0$, яъни маҳсулотни ишлатишда жараён ҳатто у даставвал амалий жиҳатдан юзага чиқмасада, бирданига бошланади, жараён тезлиги эса вақт функцияси $\gamma(t)$ булиб ҳисобланади.

Тасодифий ишламай қолиш учун унинг пайдо булиш вақти ϕ_a тасодифий катталик булиб ҳисобланади ва маҳсулотнинг ҳолатидан боғлиқ бўлмаган тақсимлаш қонунига бўйсунади. Жараён жуда тез кечади ($\gamma \rightarrow \infty$) ва шунинг учун $f(\phi_a)$ функция бузилмасдан ишлаш эҳтимоллигини аниқлайди. Иккита олдинги ишламай қолишлиарнинг хусусиятларини ўзига оладиган учинчи турдаги ишламай қолишилар ҳам мавжуд булиб (6-расм), буни биз *мураккаб ишламай қолиши* деб атаемиз. Бу ерда тұхтамай қолишининг пайдо булиш вақти – маҳсулотнинг ҳолатидан боғлиқ бўлмаган тасодифий катталик, маҳсулотнинг иш қобилиятини йўқотиш жараёни тезлиги $\gamma(t)$ эса унинг чидамлилигидан боғлиқ булади.

Масалан, машинага рухсат этилмаган ташки зарбли таъсирлар кучланишнинг контсентрацияси туфайли толикишдан ёрилиш пайдо булишининг манбаси булиб ҳисобланиши мумкин. Дарзнинг аста-секин ўсиси бориши машинани келгусида ишлатиш меъёри бўйича содир булади.

2.3.2.Ишлаб турғандаги ишламай қолишилар ва параметрик ишламай қолишилар. Ишламай қолишлиарнинг оқибатлари хилмакилдир. Уларни параметрик ва ишлаб турғандаги ишламай қолишиларга булиш мумкин.

Ишлаб турғандаги ишламай қолишилар шунга олиб келадики, маҳсулот ўзининг функцияларини бажара олмайди. Масалан, ишламай қолиш натижасида редуктор айланмайди ва ҳаракатни узатмайди, ички ёнув двигатели ишга тушмайди, насос мой узатмайди ва ҳоказо. Ишлаб турғандаги ишламай қолиш кўпинча маҳсулот алоҳида элементларининг синиши ёки қадалиб қолиши билан боғлиқдир.

Параметрли ишламай қолиши маҳсулот параметрларининг (характеристикаларини) рухсат этилган чегаралардан чеккага чиқишига олиб келади. Станокда ишлов бериш аниқлигининг бузилиши, узатиш ФИК нинг камайиши ва бошқалар маҳсулотнинг кейинги ишлаш имкониятларини чекламайди. Бироқ у техник мөъёрларда белгиланган талаблар нуқтаи назаридан иш қобилиятини йўқотади.

Замонавий машиналар учун параметри ишламай қолишлар характерлидир. Бу замонавий машиналарнинг чиқиши параметрларига қўйилган талабларнинг юқорилиги билан бодликдир. Параметрик ишламай қолишларга эга бўлган маҳсулотни ишлатиш оғир иқтисодий ва бошка оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотга қўйилган функцияларнинг бажарилмаслиги, қўшимча вакт ва воситаларнинг катта миқдорда сарфланиши ва ҳоказо.

Мураккаб машиналар ва системаларда параметрик ишламай қолишлар ишлашининг бузилишига олиб келиши мумкин. Масалан, сўнгти звеноси маълум масофага суриладиган кўп звеноли механизмда, кинематик жуфтликларнинг ейилиши туфайли тирқишлилар пайдо булиши натижасида етакчи звено умуман силжимаслиги мумкин.

Шунинг учун параметрик ишламай қолишлар машиналар пухталиги назариясида кўриб чиқиладиган асосий обьектлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб тургандаги бузилишлар ва параметрик ишламай қолишлар аста-секин ҳам, тасодифий ҳам булиши мумкин.

Масалан, ўлчов асбобининг рухсат этилмаган ташқи таъсирлар туфайли тасодифий ишламай қолиши:

- агар ташқи иссиқлик манбаларидан қизиши туфайли унинг аниқлиги йўқотилса, параметрик булади;
- агар атмосфера чангидаги туфайли унинг механизмларида қадалиб қолишлар содир бўлса, ишлаб туришдаги ишламай қолишлар булади.

2.3.3.Ҳақиқий ва потенциал ишламай қолишлар. Исталган маҳсулотни эксплуатация қилишда унинг биринчи, сўнгра навбатдаги

ишимай қолишлари бошланиши мүмкін. Агар таъмирлар ва ростлашларни амалға ошириб бу ишимай қолишлар олдиндан бартараф этилса, унда ишимай қолишнинг яқинлашиш мезони булиб маҳсулотнинг шикастланиш даражаси ҳисобланади, ишимай қолиш эса потенциал мүмкін бўлган воқеа сифатида қабул қилинади. Бундай ишимай қолишлар потенциал деб юритилади.

Турли хил машиналарни ишлатишда уларнинг пухталиги тўғрисидаги ахборотни йигиш ва қайта ишлаш бўйича йўрикномаларда, одатда, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш қоидалари билан мос равишида бажариладиган алоҳида деталлар, бирикмалар ва узелларнинг иш қобилиятини тиклаш ишимай қолиш булиб ҳисобланаслиги кўрсатилади. Фақат маҳсулотнинг иш қобилиятини йўқотишида навбатдан ташқари таъмирлаш хизмати аралашсагина бу ишимай қолиш сифатида қабул қилинади.

Бундай ёндашув машина пухталиги тўғрисида нотуғри фикрлашга олиб келади, чунки потенциал ишимай қолишлар ҳисобга олинмайди.

Тайёрловчилар ва эксплуатация қилувчилар учун машинанинг ишлашида ишимай қолишига йўл кўймасликка доимий интилиш характеристидир. Бунга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини тўғри ташкил қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқаришда сифат ва пухталикни бошқаришнинг асосланган системасини қўллаш, ишлатиш ва таъмирлаш қоидаларини қатъий бажариш билан эришилади. Натижада маҳсулотни эксплуатация қилишда умуман ишимай қолишлар содир бўлмаслиги мүмкін.

Шунинг учун, маҳсулотнинг ишимай қолиши ҳақида сўз боргандага нафақат ҳақиқий ишимай қолишлар, балки асосан потенциал мүмкін бўлган ишимай қолишлар назарда тутилади.

2.3.4. Рұксат этилган ва рұксат этилмаган ишимай қолишлар.

Шикастланишни рұксат этилган ва рұксат этилмаганларга бўлиш билан мос равишида бундай тушунчани ишимай қолишга ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Рұксат этилган ишимай қолишлар эскириш жараёни билан боғлиқ булиб, булар маҳсулотнинг чиқиш параметрларини аста-секин

ёмонлашувига олиб келади. Бу ерда тасодифий ишламай қолишларни киритиш лозим бўлиб, улар маҳсулотни эксплуатация қилишда техник шартларда кўрсатилган чегараларда бўлса, салбий омилларнинг қўшилишидан келиб чиқади. Баъзан конструктор конструкцияни осонлаштириш ва арzonлаштириш учун атайлаб ишламай қолиш пайдо бўлишининг кичик эҳтимоллигига рухсат беради. Бунда ишламай қолиш албатта, ҳалокатли оқибатларга олиб келмаслиги керак.

Рухсат этилмаган ишламай қолишлар ишламай қолиш ва эксплуатация қилишнинг қуйидаги шартларини бузилиши билан боғлиқдир:

- маҳсулотни тайёрлаш ва йиғишда техник шартларнинг бузилиши;
- эксплуатация қолиш ва таъмирлаш қоидалари ва шартларининг бузилиши – машина иш тартиботининг рухсат этилганининг ошиб кэтиши, таъмир қоидаларининг бузилиши ва ҳоказо; яширин сабаблар, техник шартлар ва меъёрларда ҳисобга олинмаган параметрлар Маҳсулот техник шартлар билан қатъий мос равишда бажарилган бўлиши мумкин, бироқ техник шартларнинг ўзи пухталикка таъсир киладиган ва эксплуатация қилиш жараённида юзага чиқадиган мавжуд барча омилларни ҳисобга олмайди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ишламай қолишларнинг қандай усуллари мавжуд?
2. Ишламай қолишлар оқибатлари қандай аҳамиятга эга?
3. Рухсат этилган ва рухсат этилмаган ишламай қолишлар деганда нимани тушунасиз?

Таянч иборалар.

Емиригини, ишламай қолиш, абразив заррача, қўйма, концентрация, потенциал, эксплуатация, техника, пластик деформация, микроскопик нуқсон, пайвандлаш, таъмирлаш, рухлаш, оксидлаш, фосфатлаш, пулатлаш.

2.4. МАҲСУЛОТ ПУХТАЛИГИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ

2.4.1. Маҳсулот ҳолатининг фаза фазосида тасодифий жараён траекторияси сифатида берилиши.

Машина ёки алоҳида тизим ишламай қолишининг турли вариантиларини таҳлил қилиш учун ушбу жараённи дастлаб маълум бир мавҳум математик модел каби умумий кўринишда бериш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир маҳсулот унинг ҳолатни белгиловчи ва $X(t)$ вақтнинг тасодифий функциялари бўлған маълум бир $X_1; X_2; \dots; X_n$ чиқиши кўрсаткичлари (ишлаш кўрсаткичлари) билан тавсифланади. Шу сабабли тизимнинг ишлаши, унинг ҳолатининг умумий тавсифи каби, вактда ўзгариади.

Кўплик назарияси тушунчаларидан фойдаланилса, маҳсулот ишлаши соҳасини ишламай қолиш юз бермайдиган X_i кўрсаткичлар қийматлари билан белгиланувчи Γ ҳолатлар кўплиги каби қараб чиқиш мумкин.

Ушбу $X(t)$ ҳолатининг Γ кўплика тегишлилиги, яъни $X(t) \in G$, ушбу маҳсулот ишлашини кўрсатади. X_i исталган қиймати ушбу кўплик чегарасидан чиқсан бўлса, маҳсулот ишламай қолиши рўй берган.

Маҳсулот ҳолати бир неча чиқиши кўрсаткичлари билан тавсифланиб, барча n кўрсаткичлар ўзгариши жараёни рўй бера бошласа, Γ кўплик n -ўлчамли фаза фазоси билан боғлиқ бўлади.



Машинанинг ишламай қолиш жараёни n -ўлчамли фаза фазосида $X(t)$ тасодифий функция траекторияси тарзида берилиши мумкин.

Фаза траекторияси координата ўқлари $X_1(t); X_2(t); \dots; X_n(t)$ ни ва ($t=0$ вақт моментида) бошланғич координаталар тизими $X_{01}; X_{02}; \dots; X_{0n}$ бўлган $X(t)$ вектор функция билан таърифланиши мумкин.

Γ кўплик чегаралари $X_{1\max}; X_{2\max}; \dots; X_{n\max}$ кўрсаткичларнинг энг чекка йўл қўйилувчи қийматлари билан белгиланади.

Мисол сифатида 7-расмда подшипниклар эскиришида “ғалтак – таянч” тугуни бузилиши жараёнининг икки реализацияси кўрсатилган булиб, унда ғалтак айланиши аниқлигига икки асосий кўрсаткичлар

бүйича талаб күйилади: $X_1 = e$ – ғалтакнинг радиал урилиши (буралиш экцентриситети) ва $X_2 = \varphi$ – ғалтак ўқи қиялиги бурчаги.



7-расм. Подшипниклар эскиришида “ғалтак – таянч” тугуни бузилиши жараёнининг икки реализацияси

Махсулотнинг бошлангич ҳолати e_0 ва φ_0 қийматлари билан тавсифланиб, ғалтак ва унинг таянчларининг тайёрланиш технологияси ва йигилишига боялик ва мувофиқ йўл кўйишлар билан белгиланади. Кўрсаткичлардан қайси бири ишлатиш техник шартларида кўрсатилиган йўл кўйилувчи e_{\max} ёки φ_{\max} қийматдан ошиб кетса, чекка ҳолат (ишламай колиш) рўй беради.

Подшипникларнинг эскиришида э ҳам, φ ҳам узгаради, бунда ташки юклама катталиги ва характеристи (олд ва орка подшипникларга кучланишларнинг бир хиллиги), ишлатиш шароитлари (таянчларнинг мойланиши ва ифлосланиши) ва $X(i)$ траекториянинг бошқа омилларига қараб ушбу икки ўлчамли фазода (текисликда) турлича қуринишга эга бўлади.

Реализация I олд ва орка подшипник эскириши бир хил бўлгани ва шу сабабдан φ ғалтак ўқи кияланиш бурчаги аҳамиятсиз бўлган ҳолга хос бўлиб, бунда ишламай колишда асосий ролни э ғалтакнинг радиан урилиши ўйнайди.

Реализация II подшипникларнинг эскириши бир хилда бўлмаганида ўринга эга бўлиб, бунда ушбу ишқаланиш тугуенинг ишлаши $\varphi_{\text{иск}}$ қийматни лимитлади.


Траекторияларда бир хил вакт ораликларидан кейин реализация II учун ишламай қолиш жараёни тезроқ боришини кўрсатувчи нуқталар белгиланган. $t=t_4$ ва $t=t_5$ да биринчи ҳолда маҳсулот ишлашда давом этади, иккинчи ҳолда эса $t=t_4$ да бир кўрсаткич бўйича, $t=t_6$ да эса икки кўрсаткич бўйича ишламай қолиш вужудга келади.

Маҳсулот пухталиги моделини фаза текислигига тизимнинг вактда эволютсиаси сифатида қараб академик Б.В. Гнеденко пухталик кўрсаткичларини умумий кўринида баҳолаш учун Φ функционал тушунчасидан фойдаланади. Ҳар бир $X(t)$ траекториясига $\hat{\mathcal{O}}[X(t)]$ маълум сон мувофиқ кўйилса Φ функционал жараёнда аниқланган деб ҳисобланади. Бу сон маҳсулот ишлашининг йўқотилишида ушбу траекториянинг (реализациянинг) ролини тавсифлайди. Пухталикнинг φ у ёки бу кўрсаткичи ушбу бу функционалнинг математик кутилиши сифатида аниқланади, яъни $\varphi = M[\hat{\mathcal{O}}[X(t)]]$.

Мисол учун Φ функционал маҳсулотнинг G_{ii} ишламай қолиш соҳасига тушгунига қадар ишлаш давомийлигига teng бўлса, $\hat{\mathcal{O}} = T$ ушбу маҳсулот хизмат муддатига teng тасодифий катталик, Φ математик кутилиши эса $\varphi = T_{\delta\delta}$ маҳсулотнинг бузилмасдан ишлашининг ўртача вакти бўлади.

Φ функционални жараён траекторияси Γ соҳада бўлганида бирга teng деб ва G_{ii} ишламай қолиш соҳасига тушишида нолга teng деб қабул қилинса, ушбу функционалнинг математик кутилиши $P(t)$ нинг $[0; t]$ интервалда, яъни $\varphi = P(t)$ да бузилмай ишлаш эҳтимолига teng бўлади. Тасодифий жараён функционали орқали пухталик кўрсаткичлари умумий кўринишини таърифлашга бошқача ёндошувлар ҳам бўлиши мумкин.

2.4.2. Маҳсулот ишлаш соҳасининг таҳлили. Маҳсулот ишлаш соҳасини n -улчамли фаза текислигига берилишда куриб чиқайлик (8-расм). Γ соҳа чегаралари маҳсулотга кўйилувчи талабларга боғлик. Унинг чиқиши кўрсаткичларига кўйилувчи анча юқори талаблар ишлаш соҳасини торайтиради.



8-расм. Маҳсулотнинг ишлаш ва ҳолатлари соҳаси

Бир маҳсулотнинг ўзига бажарилаётган иш характеристига қараб унинг ишлаш аниқлигига турлича талаблар қўйилиши мумкин. Масалан, претсизион метал кесиш станоки аниқлик кўрсаткичларига қўйилувчи техник шартлар нормал аниқликдаги станокка қўйилувчи шартларга нисбатан анча юкори; гироскоплар суммар дрейфига қўйилувчи талаблар доимий ўсиб боради, айниқса уларнинг космик учар аппаратларда фойдаланишида ва ҳоказо. 8-расмда маҳсулот кўрсаткичлари учун G_1 - оддий ва G_2 - анча қаттиқ техник талаблар қўйилувчи маҳсулот ишлашининг икки соҳаси кўрсатилган.

Маҳсулот ишлаш соҳаси тўғрисида гапиргандада маҳсулотнинг талаб этилувчи ишлашини белгиловчи ҳақиқий Γ ва алоҳида кўрсаткичларга ТШ талаблари томонидан қўйилувчи ҳисобланган G' ни фарқлаш зарур. Бу соҳалар ўртасида, одатда, озми-кўпми фарқ мавжуд бўлади, чунки мураккаб маҳсулот ишини баҳолашда бутун маҳсулотнинг чекка ҳолатини белгиловчи алоҳида кўрсаткичларнинг чекка қийматини аник белгилаш кўп ҳолларда қийин.

Бундан ташқари, кўпинча маҳсулотнинг чекка ҳолати тўғрисида унинг ишлаши билан функционал боғланган иккинчи даражали кўрсаткичлар бўйича фикр юритилади. Масалан, автомобил двигателининг эксплуатацион кўрсаткичлари (чиқиш кўрсаткичлари – куввати, шовқин даражаси ва бошқалар унинг қисмлари ейилишига боғлиқ бўлади. Двигателнинг техник ҳолати тўғрисида кўпинча мойлашнинг сарфи бўйича хулоса чиқарилади, бу эса унинг ишлаши тахминий баҳосини беради, чунки бу кўрсаткичга бошка кўпгина

омиллар ҳам таъсир этади. Шу сабабли двигательнинг чекка ҳолатини мойлашнинг сарфланиши бўйича баҳолаш унинг ишлаш соҳасини аниқ аниқлай олмайди ва двигательнинг чиқиш кўрсаткичларини баҳоловчи янада аниқроқ мезонларни танлаш талаб этилади.

Махсулотнинг ҳақиқий G , ва ҳисобланган G' иш соҳаси ўртасида фарқ борлиги 8-расмдан кўриниб турибди. Уларнинг чегаралари нисбатига караб фойдаланилмаган имкониятлар соҳаси A – бу ТШ бўйича маҳсулот, ҳали тўғри ишлай олса ҳам, ишлаш қобилиятини йўқотган деб ҳисобланади ва ҳисобга олинмаган кўрсаткичлар соҳаси – бу ТШ кўра маҳсулотни эксплуатация қилиш мумкин, ҳақиқатда эса у ишламай қолган ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкин.

Ишламай қолиш жарабёни тасодифий жараён фаза траекторияси $X(t)$ билан тавсифланади. Масалан, i -маҳсулотнинг $X_i(t)$ жараён учун $i = t_1$ да ТШ талабларига кўра ишламай қолиши рўй берган, $i = t_4$ да эса маҳсулот ҳақиқатан ишламай қолган. $X(t)$ жараён реализацияси маълум эҳтимолликда бўлиши мумкин бўлган соҳани ҳолатлар соҳаси деб атаемиз. У маҳсулотнинг чиқиш кўрсаткичлари қийматлари билан ўлчанувчи, яъни умумий кўринишда $\bar{X}(t)$ вектор-функция билан эҳтимол ҳолатларини белгилайди.

Тасодифий жараён бориши эҳтимоллигини баҳолаш учун умуман тасодифий функцияларнинг мос тавсифларини ва биринчи навбатда маҳсулот ишламай қолиш жарабёни ўртача қандай боришини таърифлайдиган $M[X(t)]$ математик кутишини кўллаш керак.

Лекин, пухталик масалаларини эчишда, одатда, ишлаш соҳасининг G , жараён реализацияси берилган у эҳтимоллик билан тўғри келадиган қисмини аниқлаш янада кўпроқ аҳамиятга эга. Бу соҳа чегаралари 8-расмда X , ва X' , реализациялари билан белгиланган (устки ва пастки чегаралар). Масалан, $\gamma = 0,99$ бўлса, бу ушбу эҳтимоллик билан барча реализациялар G , соҳага тўғри келади ва атиги 0,01 эҳтимоллик билан улар Γ соҳанинг бошка қисми орқали ўтиши мумкин. G , соҳанинг бундай ажратилиши бузилмай ишлашнинг берилган эҳтимоллигига пухталик кўрсаткичларини баҳолаш учун мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари қатор ҳолларда пухталикка кўйилувчи юқори талабларда жуда муҳим бўлган маҳсулотнинг ишламай қолишиларга чидамлиги тўғрисидаги тушунчанинг киритилиши мақсадга мувофиқдир.

$X(t)$ тасодифий жараён фаза траекторияси реализациялари йигиндиси ва жараённинг вақтда кечиши характерининг тахлили G , ҳолатлар соҳасини, яъни $t=T$ берилган вақт оралиғида кўрсаткичларнинг барча қийматлари тұғри келадиган фаза текислиги соҳасини белгилайди. Агар бу соҳа Γ ишлаш соҳасининг қисми, яъни унинг кўплик ости $G \subset \Gamma$ бўлса, маҳсулот ишламай қолишларга нисбатан чидамли бўлади, чунки унинг пайдо бўлиш эҳтимоли $F(t)=0$. Бу шартни $X(t=T) \subset G$, каби ёзиш мумкин, яъни $t=T$ вақт даври ичida X тасодифий векторни белгиловчи X_1, X_2, \dots, X_n кўрсаткичларнинг ҳар қандай қийматлари ишлаш соҳасининг кўплик ости бўлган кўплика тегишли бўлади. Ишламай қолиш эҳтимоли шарт бузилганда G , ва Γ кўпликлар кесилиб ўтилиши мумкин бўлган вақт моментидан кейингина юзага келади. Бу вақт давригача маҳсулот ишлаши ишламай қолишларга нисбатан чидамли зонада кечади ва чидамлилик заҳираси \hat{E}_t қиймат – пухталик заҳираси билан тавсифланиши мумкин. $\hat{E}_t(t)$ вақт функцияси бўлгани учун, пухталик заҳирасининг сарфланиш тезлигини ёки унинг қиймати $\hat{E}_t = 1$ бўладиган ва Γ ҳамда G , соҳалар кесишадиган вақт даврини баҳолаш катта аҳамиятга эга.

$K(t)=1$ бўладиган $t=T_p$ қиймат ушбу кўрсаткич ёки уларнинг йигиндиси бўйича маҳсулотнинг ресурси бўлади. Чидамлилик соҳаси чегараларини баҳолашда иккى ёндошув бўлиши мумкин – у унинг пайдо бўлишининг берилган эҳтимолига мос келувчи кўрсаткичнинг энг катта қиймати билан чегараланувчи эҳтимоллик (G , соҳа), ҳамда экстремал шароитларда эксплуатация қилишда кўрсаткичнинг энг катта қиймати баҳоланувчи физикавий (G , соҳа). Маҳсулот чидамлилик соҳасида бўлса унинг бузилмай ишлаши кафолатланади. Лекин бундай ҳолатга, одатда, маҳсулот элементлари пухталигининг катта заҳираси ҳисобига ҳамда элементларнинг кўплиги ҳисобига эришилади, бу эса уни ишлаб чиқаришда анча кўп моддий харажатлар билан боғлиkdir.

Маҳсулот ишлаш қобилиятининг йўқотиши жараёнини умумий кўринишда n -ўлчамли фаза соҳасидаги траектория сифатида бериш маҳсулот пухталигининг алоҳида оддийроқ моделларига ўтишга имкон беради.

2.4.3. Машинанинг ишга қобилиятлилиги, жиҳозларнинг пухталиги, ишлаш қобилиятини йўқотиш жараёнини формаллаштириш тұғрисида

Ишлаш қобилияти – машина (буюм) нинг шундай ҳолатики, бунда машина берилган вазифаларни техник ҳужжатлар талабларига мос келувчи параметрлар бўйича бажара олади.

Машинанинг ишлаш қобилияти кўп жиҳатдан ундаги йигиш бирликлари, агрегатлар, кисмлар ва деталларнинг ишончлилигига боғлиқ.

Пухталик – машинанинг берилган вазифаларни белгиланган иш кўрсаткичлари қийматларини сақлаган ҳолда техник хизмат кўрсатиш, таъмиrlаш ва ташиш тартиботлари (режимлари) шартларига мос келган ҳолда бажариш хусусияти. Пухталик комплекс хусусият бўлиб, обьектнинг вазифасига ва ундан фойдаланиш шароитига қараб бузилмасдан ишлаш, чидамлилик, таъмиrlашга яроқлилик ва сакловчанликни алоҳида-алоҳида ёки биргаликда ўз ичига олиши мумкин.

Бузилмасдан ишлаш – машинанинг қандайдир ҳажмдаги ишни бажаргунга қадар узининг ишлаш қобилиятини мажбурий танаффусларсиз сақлаш хусусияти. Ишламай қолиш деганда ишлаш қобилиятининг бузилишидан иборат бўлган ҳодиса тушунилади.

Чидамлилик – машина, агрегат, узел, туташманинг узининг ишлаш қобилиятини охирги ҳолатгача сақлаш хусусияти, буюмнинг охирги ҳолати бундан кейин ундан фойдаланиш мумкин эмаслиги, самарадорлигининг пасайиши ёки хавфсизлик талабларининг бузилиши билан белгиланади ва техник ҳужжатларда изоҳланади. Чидамлилик кўрсаткичларига машинанинг ундан фойдаланила бошлангандан то ҳисобдан чиқарилгунга қадар бўлган хизмат муддати ёки ресурси (гектарларда, соатларда ёки босиб ўтган йўлининг километрларида) киради.

Таъмиrlашга яроқлилик – машина (агрегат, узел) нинг техник хизмат кўрсатиш ва таъмиrlаш йўли билан ишламай қолиши ҳамда нуқсонларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга мослашганлигидан иборат бўлган хусусияти.

Сакловчанлик – буюмнинг ўз иш кўрсаткичларини сақлаши ва сакланиш муддати давомида ва бу муддат тугагандан кейин ҳам техник

хужжатларда (Дав СТ 27.002 – 83) күрсатилган қийматларда сақланиб туриш хусусияти.

Бажарған иши – объектнинг ишлаш давомлилиги ёки ҳажми. Агар объект танаффуслар билан ишлайдиган бўлса, у ҳолда жами бажарған иши ҳисобга олинади. Объектнинг бажарған иши вакт, узунлик, майдон (гектарда), ҳажм, масса ва бошқа бирликларда ўлчаниши мумкин. Ушбу атама Дав СТ 27.002 – 83 га киритилган.

Ишламай қолгунга қадар бажарған иши – таъмирланаётган буюмнинг ишламай қолишлар оралиғида бажарған ишининг ўртача қиймати. Мазкур атама Дав СТ 27.002 – 83 га киритилган.

Носозлик – буюмнинг шундай ҳолатики, бунда у техник хужжатлардаги талабларнинг лоақал биттасига ҳам мос келмайди. Бу атама Дав СТ 27.002 – 83 га киритилган.

Ишламай қолиш – объектнинг ишлаш қобилияти бузилишидан иборат бўлган ҳодиса. Ишламай қолиш мезонлари меъёр белгиловчи – техник хужжатларда келтирилади. Тұсатдан, конструктив, аста-секин, ишлаб чиқариш, эксплуатацион ва бошқа ишламай қолишлар, шунингдек, мунтазам, кисман ҳамда буткул ишламай қолишлар бўлади. Турли камчиликлар, фойдаланиш қоидалари ва меъёрларининг бузилиши, турли хил шикастланишлар, шунингдек, табиий эйилиш ва эскириш жараёнлари ишламай қолишларга сабаб бўлиши мумкин.

Хизмат муддати – объект ишлатила бошланғандан ёки капитал таъмирланғандан то техник хужжатларда изоҳланган охирги ҳолатга келгунга (Дав СТ 27.002 – 83) ёки ҳисобдан чиқарилгунга қадар календар ишлаш давомлилиги.

Ресурс – буюмнинг техник хужжатларда изоҳланган охирги ҳолатга қадар бажарадиган иши. Биринчи таъмирлашгача бўлган ресурс, таъмирлашлараро ресурс, белгиланган ресурс ва бошқа ресурслар фарқ қилинади. Таъмирлашлараро ресурс биринчи таъмирлашгача бўлган ресурсдан камроқ бўлади.

Таъмирлашлараро хизмат муддати ёки **таъмирлашлараро ресурс** – таъмирланган машинанинг техник хужжатларда изоҳланган охирги ҳолат юзага келгунга қадар бажарадиган иши. Охирги ҳолат юзага келгандан машиналар таъмирланади ёки агрегатлари алмаштирилади.

Детал номи ва русуми бир хил бўлган ашёдан йигиши ишларини бажармасдан тайёрланган буюмдир. Кривошип, шатун, коромисло, тирсакли вал, болт, гайка ва шу кабилар деталларга мисол була олади.

Йигиши бирлиги – йигиши жараёнида таркибий қисмлари үзаро бириктирилган буюм. Йигиши бирликларига двигатель, узатмалар қутиси ва бошқалар мисол була олади.

Пухталиктин тушунчалари, таърифлари ва асосий кўрсаткичларини билиш уни баҳолаш учун объектив мезонларни танлаш имконини беради.

Пухталик ҳақида тушуича. Технологик жихозларни пухталиги деганда машинани ишлаш кўрсаткичларини саклаб қолган ҳолда талаб қилинган вақт оралигига топширилган функцияни тўлик бажариши тушунилади.

Машинанинг ишлаши деганда соат, км, давр ва бошқа бирликларда иш ҳажми бажарилиши тушунилади.

Умроқийлик деб, машинанинг техник таъминлаш ва таъмирлаш давригача узининг иш қобилиятини саклаб қолишига айтилади.

Сакланишлиги деганда эса жиҳознинг сакланиши ва кўчириш пайтларидаги ҳолати тушунилади.

Ишга қобилиятилийк шартни. Машинанинг ишга қобилиятилииги деганда унинг норматив техник ҳужжатлар, техник шартлар ва стандартларда кўйилган талаблардаги параметрларини саклаб қолган ҳолда топширилган функцияни тўлик бажариши тушунилади.

Машиналар пухталиги назарий ҳисоблар, тажрибий ва ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилиб текширилади.

Ҳамма ҳолатларда машинани аниқ ишлатиш шароитларида текшириш керак: яъни атроф-мухит шароитида; ишлов берилаётган материаллар ва күшимча маҳсулот сифатига; техник таъминлаш ва эҳтиёт қисмлар сифатига қараб текширилиши керак.

Машинанинг ишлаш қобилиятини аниқлаш учун унинг бажарадиган функциясига қараб асосий параметрлари аниқланади.

Узел ва деталларнинг бирикиш бузилишлари, ейилиши натижасида машинанинг ишга қобилиятилиги йўқолиб инкор булиши мумкин.


Машина ишлаш қобилиятини йўқотиш математик моделини тузиш жуда мураккаб ва кўп ҳолларда ҳал этилиши кийин булган масаладир.

Тасоддифий омилларнинг мавжудлиги тўла детерминирланган моделларни қуришга имкон бермайди, бошланғич кўрсаткичлар ва таъсир этувчи омилларнинг маълум йиғиндиси эса чиқиш кўрсаткичларининг вақтда ўзгаришини белгилайди

Н.П. Бусленконинг кўрсатишича, математик модел ёрдамида, бошланғич шартлар учун эҳтимолликларнинг тақсимланиши берилган

бұлса, тизим ҳолатлари, тизим күрсаткичлари ва элементларга таъсир этувчи түсікларни тавсифлаш учун әхтимолликларни тақсимланишини аниклаш мүмкін". Математик модел машинанинг ишлаш қобилиятини йүқотиши жараёни таърифина формаллаштириш натижаси булиши ва жараённинг барча асосий қонуниятларини ҳисобға олиши керак. Бунда таъсир этувчи омиллар катта миқдорининг ҳисобға олиниши моделнинг мураккаблашувига олиб келади, бу эса доимо ҳам оқланмайди.

Математик моделни формаллаштири ва куриш одатда қуйидаги босқичлардан иборат бұлади:



Жараён тәърифи – эскириш жараёни бориши табиати, маҳсулоти эксплуатация қилиш шартлари, маҳсулот эксплуатацияси ва синовларида ишлашини кузатиш натижалари, элементар ҳодисаларнинг миқдорий тавсифларини ўз ичига олади.

Жараённинг формаллаштирилган схемаси – бу математик моделни куришдаги оралиқ босқичдір. У жараённи экспериментал ўрганиш маълумотларидан түлиқ фойдаланади. Жараён схемасида, одатда, график ёки жадваллар күрнишида экспериментал материалнинг интерполяцияси ва экстраполяцияси билан боғлик бўлган барча масалалар аникланади ва асосий боғланишлар берилади.

Математик модел – жараён тавсифлари ва маҳсулот бошланғич күрсаткичларини унинг чиқиши күрсаткичлари билан боғловчи нисбатлар тизимини ташкил этади.

Математик модел жараён схемасига асосланса ҳам, бунда ҳодисанинг кейинги формаллашуви рўй беради, ва, умумий ҳолда, олинувчи натижалар экспериментал маълумотлар билан түлиқ мос келмайди.

Ҳодисаларнинг мураккаблиги туфайли иш қобилиятини йўқотилиш жараёнини кўпинча бир неча элементар жараёнларга ажратишиди, уларни соддароқ математик боғлиқликлар билан таърифлаш мүмкін. Бунда математик моделнинг тўғрилик даражаси доимо баҳоланган булиши керак. Масалан, мураккаб маҳсулотнинг чиқиши күрсаткичлари мустақиллиги тўғрисидаги шарт-шароитлар кўпинча ҳақиқатга яқин, шунга машина эксплуатацияси жараёнида

ҳар бир кўрсаткичнинг ўзгаришини алоҳида қараб чиқиш мумкин. Бундай моделлар кўйида кўриб чиқилган.

2.4.4.Машинанинг мұхит билан автоматик тартибга солиш тизими сифатида ўзаро таъсири.

Вақтда чиқиш кўрсаткичларининг ўзгаришида намоён бўлувчи машинанинг ишлаш қобилиятини йўқотиш жараёнини кўриб чиқишида, бу жараённинг формалаштиришда доимо бу ҳодисаларни келтириб чиқарувчи сабабларни ҳисобга олиш зарур.

Юкорида кўрсатилганидек, бу сабаблар жараёнлар пайдо бўлишига олиб келувчи ҳар хил энергия турларининг машинага таъсири билан боғлиқ. Фаза текислигига ҳолат ўзгариши траекториясини таърифловчи тасодифий функциялар реализациялари характеристига эскириш жараёнлари физикаси ва уларнинг маҳсулот билан ўзаро таъсири ҳал этувчи таъсир кўрсатади.

Машинанинг чиқиш кўрсаткичларига турли жараёнларнинг таъсирини кўриб чиқишида машина ҳолати ва унда рўй берувчи жараёнлар ўртасидаги қайтарма алоқа ҳам жараён тезлигига таъсир эта олиши мумкинligини ҳисобга олиш зарур. Масалан, машина алоҳида механизмларининг эскириши нафақат унинг ишлаш аниқлигини камайтиришга, балки машина элементларининг эскириши жараёнини интенсификацияловчи динамик юкламаларнинг ошишига ҳам олиб келиши мумкин.

Алоҳида бўғинларнинг ҳарорат деформациялари нафақат машина тугунларининг жойлашувини бузиши ва бу билан ишлаш аниқлигига таъсир этиши, балки оптика юкламаларга олиб келиши, ҳамда, натижада механизмларда юқори иссиқлик ажратилишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, машинада тебранишлар пайдо бўлишида унинг таранг тизими ва тебранишлар манбаи бўлган ушбу иш жараёни ёки ишқаланиш ўртасида қайтарма алоқа мавжудлиги ҳам маълум.

Айтилганлар асосида машина ва унда рўй берадиган жараёнлар ўзаро таъсирини ёпиқ автоматик тартибга солиш тизими сифатида кўрсатиш мумкин (9-расм).



9-расм. Машинанинг муҳит билан автоматик тартибга солиш тизими сифатида ўзаро таъсири

Машинанинг чиқиши күрсаткичлари (масалан, унинг ишлаш аниқлигини белгиловчи) турли тезликдаги жараёнларнинг машинага таъсири натижасида ўзгарилиши мүмкун. Бу жараёнларнинг боришига ташки таъсиirlар ҳам (юкламалар, муҳитнинг кимёвий таъсири, ҳарорат), машинанинг ҳолати ўзгариши натижасида пайдо бўлувчи ички таъсиirlар ҳам таъсиир кўрсатади.

Шу сабабли мураккаб тизимлар ҳолатининг ўзгаришини тахлил қилиш учун автоматик тартибга солиш назарияси аппарати қўлланилиши мумкин. Бу ерда бошқарувчи таъсиirlар ва ташки тусиклар ўрнида машинага куч, ҳарорат, кимёвий ва бошка таъсиirlар ўринга эга бўлади.

Ўзгартирувчи бўғинлар ролини машина элементларида рўй берувчи ва чиқиши кўрсаткичлари ўзгаришига таъсиир этувчи жараёнлар ўйнайди.

Ушбу ҳолда ташки тусикларга турли бўғинларнинг реакциясини ўтиш тавсифлари ёки узатиш функциялари билан баҳолаш мумкин. Маълумки, ўтиш тавсифи чиқиши кўрсаткичининг якка босқичли

функция күринишидаги түсік киришида үзгариш жараёнини таърифлайды.

1-жадвалда машина ва унинг элементлари иш қобилиятынің ішкі деформациялары жараёнларига тегишли типик үтиш тасифлари күрсатилған.

1-жадвал

Маҳсулот иш қобилияты үзгаришидаги үтиш жараёнлари

Бүғин	Үтиш жараёни	Жараёнлар намунасы
Инерциясиз		Статик деформация
Инерциялы (апериодик)		Иссиклик деформацияси
Тебранма		Вибрациялар
Интеграцияловчи идеал		Эскириш
Интеграцияловчи инерцион		Эскириш ёріклари күпайиши
Кеч қолувчи		Үсиш ҳосил булиши
Дифференцияловчи инерцион		Нотекисликлар үзгариши

Утиш тавсифларининг тизим статик деформацияли, унинг иссиқлик деформациялари ва вибрацияларини таърифлаш учун оддий кўлланишидан ташқари интеграцияловчи бўғин элемент эскиришини таърифлаши мумкин, чунки киришда доимий таъсир (кучланиш, жуфтликда сирпаланиш тезлиги) чиқиш кўрсаткичининг чизиқли ўзгаришига олиб келади (ишқаланиш юзаси эскириши).

Инертсион интеграцияловчи бўғин эскириш ёриклиарининг кўпайишини таърифлаши мумкин бўлиб, уларнинг кўпайиши интенсивлиги ушбу даража ташки таъсирлари остида вақт ўтиши билан ошади.

Бўғин кечикиш билан ўсиш ҳолини таърифлаши мумкин, масалан гидротизим филтри тўрида ячейкалар ифлосланнишида ёки автомобил свечасида курумнинг учкун утиши имкониятига таъсири.

Ушбу даражага таъсири бошида (ифлосланган суюкликнинг оқиб ўтиши) филтрнинг ушбу ячейкаси ишламай қолиши чақирмайди, кейин у сакраш билан ўз ҳолатини ўзгартиради.

Эскиришнинг бошқа жараёнлари ҳам бўгиннинг ташки таъсирларга реакциясини тавсифлайди.

Бундай ёндошув машинанинг иш қобилиятини йўқотишини вақтда тўлароқ баҳолашга, яъни пухталикнинг асосий масаласини ҳал этишга имкон беради. У, автоматик тартибга солиш назарияси методларидан фойдаланиб, тизим чидамлилигини баҳолаш (бузилишларга нисбатан), оптималь варианти танлаш ва бошқа масалаларни ҳал этишга имкон беради.

Иzlанишларнинг биринчи босқичида қатор ҳолларда ёпиқ бўлмаган тизимни, яъни қайтарма алоқани ҳисобга олмаган ҳолда ушбу жараённинг чиқиш кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш мумкин.

Мураккаб маҳсулот чиқиш кўрсаткичларининг ўзгариши – турли вақт даврларида тизимнинг алоҳида бўгинларидаги кўп сонли ўзгаришлар натижаси эканлигини кўзда тутиш лозим. Шу сабабли машина пухталигини ўрганишда функционал алоқалар ва физикавий қонуниятларни ўрганиш доимо маҳсулотнинг бошланғич ҳолати ўзгаришини тавсифловчи стохастик жараёнларни баҳолаш билан кўшилиши лозим.

Ишламай қолиш пайдо бўлиши блок-схемаси. Пухталик масалаларини эчиш учун ишламай қолиш шаклланиши моделига эга бўлиш зарур, яъни ишламай қолиш пайдо бўлиши эҳтимолини

баҳолашга имкон берадиган функционал ва стохастик алоқа схемасини бериш зарур. Аммо машинага курсатилувчи барча турдаги таъсирлар ва шикастланишларнинг ҳаммаси ҳам ишламай қолишга олиб келавермайди. Шу сабабли блок-схема кўринишида берилган ишламай қолишнинг алоҳида босқичларини кўриб чиқамиз.

Ишламай қолишнинг пайдо булиши, ишламай қолиш турига қарамай умумий хусусиятларга эга бўлган кетма-кет босқичлар категорининг натижасидир.

Бу босқичларни блок-схема кўринишида берилиши ишламай қолишнинг шаклланиши табиатини таҳлил қилишга имкон беради ва ЭҲМда тизим пухталигини ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқишга шарт-шароитлар яратади.

Одатда маҳсулот пухталигини баҳолаш учун ишламай қолишлар бўйича статистик маълумотлар ишламай қолишлар шаклланиши жараёнларини таҳлилсиз фойдаланилади. Бундай ёндошув пухталикни башоратлаш ва ишламай қолишлар пайдо булиш сабаларини очиб бериш учун асосларини яратмайди, чунки факат ҳодисаларнинг якуний натижаларидангина фойдаланилади.

Маълум шароитларда машина ишламай қолишига олиб келиши мумкин бўлган турли заарли жараёнларнинг машинада кечиши тұғрисидаги умумий тасаввурларга таяниб, ишламай қолиш юзага келиши блок-схемасини кўриб чиқамиз.

Юкорида курсатилганидек, машинани эксплуатация қилишда унга энергиянинг барча турлари таъсир этади, лекин заарларни жараёнларнинг пайдо булиши учун уларнинг маълум даражаси зарур. Бу даражада ошиб кетмаган бўлса, ишламай қолиш пайдо булиши шарт-шароитлари бошданоқ бартараф этилади. Жараён пайдо бўлган бўлса, у маҳсулот яратилган материалларнинг бошланғич хусусиятлари ёки ҳолатини ўзгартира бошлади.

Турли энергия турлари таъсири остида вақтда деформация, эскириш, коррозия ва бошқа жараёнлар пайдо бўлиб ривожланиши мумкин. Бу жараёнлар маҳсулотнинг шикастланишига олиб келиши мумкин. Олинган шикастланиш маҳсулот чиқиш кўрсаткичларига таъсир этиши ёки этмаслиги мумкин.



10-расм. Ишламай қолиш пайдо бўлиши блок-схемаси

Ушбу шикастланиш маҳсулот чиқиш кўрсаткичига таъсир этмаса, ишламай қолиш юз бермайди.

Масалан, авиадвигател турбина кураклари юзаси нотекисликларининг унинг ишлаши биринчи соатларида рўй берадиган

ўзгариши бошланғич назорат қилинувчи күрсаткичларни ўзгартирса ҳам, одатда, унинг қуввати, ФИК ва бошқа тавсифларга таъсир этмайди. Шу сабабли қураклар юзаси сифатининг ўзгариши туфайли двигател ишламай қолиши рўй бермайди. Ёки, масалан, станок йўналтирувчиларининг бир хил эскириши (еийилиши) унинг аниқлигини йўқотишга олиб келмайди, чунки асбоб харакати траекториясининг тўғри чизиқлилиги сақланиб қолади. Шикастланиш маҳсулот чиқиш күрсаткичининг ўзгаришига олиб келса, ишламай қолиш бу күрсаткич маҳсулотга техник шартлар билан белгиланган чегаралардан чиқиб кетгандагина рўй беради.

Ҳар қандай маҳсулот ишламай қолиши (машинадан бошлаб то унинг элементигача) қуидаги шартларни бажарганда олди олиниши ёки кечиқтирилиши мумкин.

1. Маҳсулотга энергия таъсирлари даражаси маҳсулотнинг бошланғич хусусиятлари ёки ҳолатини ўзгарирувчи зарарли жараёнлар пайдо бўлиши мумкин бўлган қийматлардан ошиб кетмаса.

Машина элементларининг кичик энергетик юкланиши – уларнинг ишламай қолмаслигини оширишнинг асосий йўлларидан бири бўлиб, у маҳсулот нархининг ошиши билан боғлиқдир.

2. Пайдо бўлувчи жараёнлар маҳсулотнинг ишламай қолмасдан ишлашини белгилайдиган шикастланишлар турлари билан боғлиқ бўлмаса.

Маҳсулот иш қобилиятига таъсир этмайдиган ёки кам таъсир этадиган элементлар томонидан энергиянинг қабул қилиниши – уларнинг ишламай қолмаслигини оширишнинг иккинчи асосий йўлидир. Масалан, ташқи юкламани қабул қилувчи ишқаланиш тугунини мойлаш эскириш пайдо бўлишига тусқинлик қиласи.

3. Маҳсулот элементларининг шикастланиши натижасида пайдо бўлган унинг чиқиш күрсаткичларининг ўзгариши йўл қўйилувчи чегаралардан чиқмаса.

Бу шартнинг таъминланиши учун заарли жараёнлар кечиши интенсивлигини камайтиришга ёки маҳсулот ишлашида пайдо бўлувчи түсикларни компенсациялашга қаратилган методлар ва воситалардан кенг фойдаланилади.



11-расм. Станок йұналтирувчилари ишламай қолиши блок-схемасы

11-расмда ишламай қолиш пайдо булиши блок-схемасини ишлаб чиқиши мисоли сифатида метал кесувчи станокларнинг йўналтирувчилари учун бундай схеманинг соддалаштирилган варианти кўрсатилган. Маълумки, столлар ва суппортлар ҳаракатланиши учун хизмат килувчи сирпаниш йўналтирувчилари станокларда алоҳида рол ўйнайди, чунки уларнинг аниқлиги ва узоқ муддат хизмат қилишидан ишлов беришнинг аниқлиги кўп жихатдан боғлиқдир. Станок ишлаш пухталигини таъминлаш учун йўналтирувчилар туфайли аниқлик бўйича ишламай қолиш пайдо булиши имкониятини баҳолаш зарур. Станок ва йўналтирувчиларга таъсир этувчи механик, иссиқлик ва кимёвий энергия кўринишидаги энергия йўналтирувчиларнинг

бошланғич ҳолатини үзгартырувчи эскириш, иссиқлик деформацияси, коррозия каби жараёнларға олиб келиши мүмкін.

Ушбу жараён пайдо булиш әхтимолліни бақолаш учун шартлар биринчи яқынлашувда қойидагиша ёзилиши мүмкін.

Эскиришнинг чарчаş назариясига риоя қилинса, эскириш жараёни пайдо бұлмаслиги учун, ρ йұналтирувчиларга босим ρ_m маълум юқори қийматдан ошмаслиги зарур. Кейингиси юзаларнинг микроб уртишларда ишқаланиш жараёнини үзаро киришувіда пайдо бұлувчи контакт кучланишларға тұғыр келиб, улар ушбу материаллар жуфти учун чарчаş (эскириш) давомийлиги чегарасидан паст булиши керак. Бу одатда йұналтирувчилар үлчамлари катталигига олиб келади ва шу сабабли, $\rho > \rho_m$, яғни чарчаб эскириш пайдо булиши учун шароит үринга зға бұлади.

Иссиқлик деформациялари бұлмаслиги учун шарт ҳароратнинг $\theta = \text{const}$ доимийлигини таъминлашдан иборат бұлади. Шу сабабли прецизион станоклар, одатда, доимий ҳароратлы хоналарда ишлайды. Оддий шароитларда ишловчи нормал аниклик станоклари учун аниклик балансида иссиқлик деформациялари улуши одатда катта эмас.

Станок йұналтирувчилари учун атмосфера таъсирлари билан ҳам, советувчи суюқлик таъсири билан ҳам боғлиқ бұлган коррозия пайдо булиш имконияттіни бақолаш учун ушбу мухитда металнинг термодинамик қидамлилігіні аниклаш зарур. Бунинг учун күпроқ изобар-изотермик потенциал (Гиббс функциясы) құлланади. Бу потенциал үзгариши стандарт катталигига $\Delta G_{298} < 0$ бўлса, коррозия жараёни булиши мүмкін.

Шундай қилиб, маҳсулотга таъсир этувчи ҳар бир энергия тури учун ривожланиши ишламай қолишга олиб келиши мүмкін бұлган заарлар жараёнлар пайдо булиши учун чегара шартларни аниклаш мүмкін.

Станоклар йұналтирувчилари учун ишламай қолишнинг асосий сабаби эскириш (ейилиш) дир. Ейилиш натижасида юзанинг заарланиши йұналтирувчиларнинг бошланғич шакли үзгаришига олиб келиб, бу деталнинг ишлов берилеш аниклигига таъсир этади. Шунинг учун станокнинг чиқиш күрсаткичи - Δ ишлов бериш хатоликлари, йұналтирувчилар У эскириши билан функционал боғлиқ, яғни $\Delta = f(U)$. Бироқ, У йўл қўйилувчи қийматдан ошмаса $\Delta_{air} < 0$, ишламай қолиш пайдо бўлмайди.

Машинанинг турли эксплуатация шароитларида ҳаракатини башоратлаш ва пухталик нуқтаи назаридан конструктив ечимларни излаб топиш учун машинани ишламай қолишига олиб келувчи жараёнларнинг кечиши қонуниятларини билиш зарур.

Маҳсулот ишламай қолишига олиб келувчи физикавий-кимёвий жараёнлар моҳиятини очиб бериш ва бу ҳодисаларнинг вакт функциясида математик таърифлашга фаннинг *ишламай қолишилар физикаси* деб ном олган пухталик түгрисидаги бўлими бағишланган.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Подшипникларнинг эскириши натижасида нималар ўзгаради?
2. Чидамлилик нима?
3. Технологик жиҳозларни пухталиги деганда нимани тушунасиз?
4. Жараённинг формалаштирилган схемаси нима?
5. Математик моделга таъриф беринг.
6. Станокга қандай энергия таъсир қиласи?

Таянч иборалар.

Траектория, ишламай қолиши, реализация, подшипник, маҳсулот пухталиги, жиҳозлар пухталиги, чидамлилик, сақловчанлик, носозлик, ресурс, математик модел, инерция, деформация, концентрация, потенциал, эксплуатация.

2.5. МАТЕРИАЛЛАРДА ЎЗГАРИШЛАРНИ ТАЪРИФЛОВЧИ ҚОНУНИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ

2.5.1. Материаллар хусусиятлари ва ҳолатининг ўзгариши маҳсулотнинг ишламай қолиши сабаби сифатида. Маҳсулот тайёрланган материалларнинг бошлангич хусусиятлари ва ҳолатининг ўзгариши унинг ишламай қолишининг биринчи сабабидир, чунки бу ўзгаришлар маҳсулотнинг шикастланишига ва ишламай қолиш пайдо бўлиши хавфига олиб келиши мумкин.

Материаллар хусусиятлари ва ҳолати ўзгариши жараёнларини таърифловчи қонуниятлар қанчалик чукур ўрганилган бўлса, эксплуатациянинг ушбу шароитларида маҳсулот ҳаракатини шунчалик тўгрироқ башоратлаш мумкин.

Пухталикни баҳолаш учун, одатда, эҳтимоллик тавсифларидан фойдаланилса ҳам, бу маҳсулот ҳаракати тұғрисида фақат статистик изланишлар асосидагина фикр юритиш мүмкінлегини англатмайды.

Аксинча, машина ишламай қолиши асосида доимо физикаий қонунияттар өтәди, бирок таъсир этувчи омиллар турли-туманлыги ва үзгаруачанлыги туфайли бу боғлиқлар эҳтимоллик характеристига зә бұлади.

Материалнинг заарланиши маълум бир жараённи тезлиги қатор кириш күрсаткичлари қатори $Z_1; Z_2; \dots; Z_n$ ва вактнинг t функцияси бўлсин, бунда ушбу боғланиш физикаий-кимёвий қонунлар асосида олинган: $\gamma = \frac{dU}{dt} = \phi(Z_1; Z_2; \dots; Z_n; t)$.

Z_i күрсаткичлари эксплуатация шартлари (юкламалар, тезликлар, ҳарорат ва бошқалар), материал ҳолати (қаттиқлик, мустаҳкамлик, юза сифати ва ҳоказо) ва материалнинг заарланиши жараённи кечишига таъсир этувчи бошқа омилларни тавсифлайды. Бирок ушбу ҳодисани етарлича тұғри таърифловчи фақат функционал боғлиқларнинг бўлишидагина бу жараён қандай кечишини аниқ башоратлаб бўлмайди, чунки Z_1, \dots, Z_n аргументларнинг ўзи тасодифий катталиклардир.

Ҳақиқатан, машина ишлашида юкламалар, тезликлар, ҳароратлар, юзалар ифлосланиш даражасининг кўзда тутилмаган үзгаришлари рўй беради. Бундан ташқари, машина деталларининг ўзи технологик күрсаткичлар (аниқлик, материалнинг бир турдалиги ва бошқалар) турли йўл қўйишлар билан бажарилган бўлиши мумкин.

Бирок жараённинг физикаий қонуниятларини билиш жараён боришини баҳолаш имкониятини бу жараён фақат статистик кузатишлар асосидагина баҳоланишига нисбатан тубдан үзгартиради.

Функционал боғлиқлик жараён физикаий мөқиятини маълум даражада яқинлаштириш билангина акс эттиrsa ҳам, турли вазиятларда жараён бориши эҳтимолини башоратлашга имкон беради. Масалан тенгламага аргументлар ўртacha қийматини қўйилиши жараённи таърифловчи тасодифий функцияning математик кутилиши тұғрисида тасаввур беради, тасодифий аргументлар дисперсияси буйича эса тасодифий жараён дисперсиясини баҳолаш мумкин. Шу сабабли эксплуатация шароитларида материаллар хусусиятларининг үзгариши

қонуниятларини ўрганувчи “Ишламай қолишлар физикаси” машиналар пухталигини ўрганиш ва баҳолаш учун асос бўлади.

Материаллар ҳаракатини ўрганишнинг уч даражаси. Пухталикнинг муҳандислик масалаларини ҳал этиш учун машина ва унинг элементлари чиқиш кўрсаткичларининг вақтда ўзгариши қонуниятларини билиш зарур. Масалан, деталлар деформацияси, улар юзасининг ейилиши, кучланишлар релаксацияси ёки эскириш жараёнлари туфайли ишлаш қобилиятининг ўзгариши, коррозия туфайли юзанинг заарланиши ва ҳоказо баҳолаш, яъни машина эксплуатацияси давомида рўй берувчи ҳодисалар макрокартинасини кўриб чиқиш лозим. Лекин рўй берувчи ҳодисалар физикавий моҳиятини тушунтириш ва объектив борлиқни умумийроқ шаклда акс эттирувчи қонуниятларга эга бўлиш учун ҳодисалар микродунёсини тушуниб олиш ва боғлиқликларнинг асосий сабабларини ҳам тушунтириш зарур.

Шу сабабли замонавий фан материаллар хусусиятлари ва ҳолатларининг ўзгаришини қўйидаги даражаларда ўрганади.

Субмикроскопик даража – бунда атомлар ва молекулалар тузилиши ва улардан қаттиқ жисмлар кристалл панжаралари ва бошқа тузилмалар ҳосил бўлишини ўрганиш асосида турли шароитларда материаллар хусусиятлари ва ҳаракатини тушунтириш асоси бўлиб хизмат қилувчи қонуниятлар аниқланади. Бу қонуниятлар, одатда, алоҳида боғлиқликларни кейинги ўрганилиши ва ишлаб чиқилишига асос бўлади.

Масалан, қаттиқ жисм физикаси, атом физикасига шу жумладан квант механикасига таяниб, атомлар ўртасидаги боғланишлар ва кристалл панжаралар ҳосил бўлишини кўриб чиқади, панжарада атомларнинг бекарор ҳолатларини ўрганади, қаттиқ жисмлар электрон ҳолатларини таърифлаб беради.

Иzlанишларнинг ушбу даражаси кристалларда ва айниқса дислокациялар тўғрисидаги, уларнинг ўзаро таъсири ва ҳаракати, квант механикаси нуктаи назаридан таранглик кучлари тўғрисидаги, қаттиқ жисмларда атомлар диффузияси ва ҳоказо тўғрисидаги фундаментал тасаввурларни ривожлантиришга имкон берди, улар материалларнинг

мустаҳкамлиги ва узок хизмат қилишидаги асосий масалаларни ҳал этишнинг физикавий асосидир.

Материаллар хусусиятларини микроскопий кўриб чиқиши даражаси кичик соҳада рўй берувчи жараёнларни таҳлил қилишдан келиб чиқади. Бунда олинувчи қонуниятлар кейинчалик жисмнинг бутун ҳажмига ейилади.


Бу жиҳатдан идеал бир турдаги жисмда кучланишлар ва деформациялар назарияси яққол мисол булиб, бунда параллелепипед кўринишидаги чексиз элемент жисм нуктасида ажратилиб олиниб унинг кучланиш ҳолати кўриб чиқиласди. Деформациялар ва кучланишлар ўртасидаги алоқани Гук қонуни таърифлайди. Пластик деформациялар пайдо булишини ҳисобга олган ҳолда бу ёндошувни ривожлантириш таранглик чегарасидан ташкарида ҳам кучланишлар ва деформациялар ўртасидаги боғлиқликларни топишга имкон беради. Материаллар тузилишининг реал хусусиятларини ҳисобга олиш зарурати металар ва эритмаларнинг таркиби, тузилиши ва хусусиятлари ўртасидаги алоқани ўрганувчи металшунослик каби фаннинг яратилишига олиб келди. Материалшунослик учун бутун материалнинг асосий белгиларига эга бўлган ушбу участка доирасида рўй берадиган ҳодисаларни ўрганиш хосдир. Зарралар чегаралари бўйлаб рўй берувчи ҳодисаларнинг шаклланиши ҳамда зритмалар микротузилмаларини, термик ўзгаришлар ва бошқа жараёнларни ўрганиш биринчи навбатда ҳодисалар микрокартинкасини таърифловчи даражада ўтказилади.

Эксплуатация жараёнида қаттиқ жисмлар ҳаракатига куч ва физикавий-кимёвий омилларнинг биргаликдаги таъсирини ўрганиш янги йўналиш – материаллар физикавий-кимёвий механикаси пайдо булишига олиб келди. Бу ерда юкламалар, ҳароратлар, коррозия агрессияси муҳити ва ядро нурланишлар бирга таъсир этиши шароитларида ишлайдиган қаттиқ жисмлар деформацияси ва парчаланишини ўрганиш учун қаттиқ жисм физикаси, физикавий кимё қаттиқ ҳолатлар кимёси ва бекарор термодинамикани жалб этишга ҳаракат қилинади.

Икки ишқаланувчи юзаларнинг геометрик ва физикавий хусусиятларни ҳамда мой ва юза фаол моддалар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ўзаро таъсирини ўрганиш ҳам юзанинг элементар

участкалари ўзаро таъсирини таҳлил қилиш ва типик фрикцион алоқаларни аниклашдан бошланади.

Ҳодисалар микрокартинаси даражасида қонуниятларни ўрганиш – қаттиқ жисмнинг бутун ҳажми, яъни бутун детал ёки унинг юзасига олинган боғланишларни кейинги ёйилиши учун зарур босқичдир..



12-расм. Материаллар хусусиятлари ва ҳолатларини баҳоловчи қонуниятлар таснифи

Макроскопик даражса бутун жисм (детал) материалининг бошланғич хусусиятлари ёки ҳолатининг ўзгаришини ўрганади. Масалан, Гук қонуни асосида таранглик назарияси тортилиш, буралиш, букилиш ва бошқа деформация турларида ишлайдиган турилі конфигурациялы деталлар ва тизимлардаги деформациялар ва күчланишларни ўрганади. Елементар ҳажм (нукта) га тегишли бошланғич қонуниятларни бутун деталга ўтказиш маҳсус мұхандислик хисобларни ишлаб чиқылишини талаб этди.

Худди шундай, материаллар эскиришининг бошланғич қонуниятлари асосида машина деталлари юзасининг ейилишини хисоблаш учун деталларнинг контактты ва конструктив хусусиятларининг турилі шартларини хисобга олувчи методлар ишлаб чиқылди. Машина деталларининг мустаҳкамлик ва деформация, эскириш, судралишини хисоблаш мұхандислик методларининг типик тузилиши деб ҳажм микроучасткасида жараён физикалық картинаси асосида бутун деталнинг үлчамлари, конфигурациясы ва ишлаш

шароитларини хисобга олган ҳолда жараёнлар кўриб чиқилишини хисоблаш керак.

Машиналарни конструкциялаш ва ишлаб чиқишида қўлланадиган турли қонуниятлар ва хисоблаш методлари, олинган умумий физикавий қонунлар ва алоҳида боғланишлар пухталик масалаларини ҳал этишда ҳам қўлланиши мумкин. Бунда, асосий масала вакт функциясида материал хусусиятлари ва ҳолатининг ўзгаришини баҳолашдан иборат бўлгани учун маҳсулот ишлаш қобилиятини баҳолашда қайси физикавий қонуниятлардан фойдаланиш мумкинлиги ва вакт омили қандай намоён булишини аниқлаш зарур.

Ҳолат қонунлари. Физикавий қонунлар каби улар асосида олинган материал хусусиятлари ва ҳолатининг ўзгаришини таърифловчи алоҳида боғлиқликларни икки асосий гурӯхга ажратиш мумкин (12-расм).

Биринчидан, бу материал ташқи омииллар таъсири тўхтатилганидан кейин бошланғич ҳолатга қайтишида ортга қайтувчи жараёнлар ўзаро боғлиқлиги таърифловчи қонуниятлар. Бу боғлиқликларни *ҳолат қонунлари* деб атаемиз.

Иккинчидан, ортга қайтариб бўлмайдиган жараёнларни таърифловчи қонуниятлар мавжуд булиб, улар маҳсулот эксплуатацияси жараёнида рўй берадиган материалнинг бошланғич хусусиятлари ўзгаришини баҳолашга имкон беради. Бу боғлиқликларни *эскириш қонунлари* деб атаемиз.

Маҳсулот ишлаш қобилиятини йўқотишини баҳолаш учун турли қонуниятлардан фойдаланишни кўриб чиқамиз.

Ҳолат қонунларини кириш ва чиқиш кўрсаткичлари ўргасидаги алоқани таърифловчи функционал боғланишга вакт омили кирмайдиган *статик* ва чиқиш кўрсаткичларининг вактда ўзгариши хисобга олинувчи ўтиши жараёнларига ажратиш мумкин.

Ҳолат статик қонунларини Гук қонуни, қаттиқ жисмларнинг иссиқликда кенгайиши қонуни ва бошқалар мисол бўла олади. Бу қонунлар асосида турли муҳандислик масалаларини ҳал этиш учун ҳисоб боғлиқлари олинган. Масалан, θ ортиқча хароратга қизитилган, l узунликда Δl бир турдаги стержен P куч билан чўзиша деформациясини аниқлаш учун юқоридаги қонунлар асосида ҳосил қиласиз:

$$\Delta l = \frac{Pl}{EF} + l\alpha\theta$$

Бу ерда: E – таранглик модули; α – материалнинг чизиқли кенгайиши коефитсенти ва F – стерженнинг кўндаланг кесими юзаси.

Ташки таъсирларнинг олинишида (харорат, юклама) стержен бошлангич ҳолатга қайтади ($\Delta = 0$). Стержен конструкция элементи бўлса, унинг деформацияси йўл қўйилувчи қийматдан ошмаслиги керак: $\Delta l < (\Delta l)_{\text{max}}$.

Махсулот ҳолатининг ўзгаришини таърифловчи статик қонунлар вақт омилини ўз ичига олмаса ҳам, эксплуатация жараёнида маҳсулот тавсифлари ўзгариши маълум бўлса, пухталикни ҳисоблашда фойдаланилиши мумкин.

Масалан, машинанинг алоҳида қисмлари ейилиши туфайли унда вақт ўтиши билан иссиқлик ажратилиши ошади ва алоҳида бўғинларда юкламалар ўсади, яъни $\theta = \theta(t)$ ва $P = P(t)$, унда формула бўйича ҳисобланиши мумкин бўлган $\Delta l(t)$ деформация ҳам ўзгаради.

Ушбу ҳолда бу формула вақтдан P ва θ боғлиқликлар яширган маҳсулотнинг ишлаш қобилияти ўзгариши сабабларини аникламайди. Шу сабабли бу ва бунга ўхшаш формулаларнинг пухталикни ҳисоблаш учун фойдаланилиши одатда ёрдамчи характеристерга эга бўлади.

Ўтиш жараёнларини таърифловчи ҳолат қонунлари ҳам вақт омилини ўз ичига олса ҳам, маҳсулот эксплуатациясида рўй берувчи ўзгаришларни ҳисобга олмайди. Одатда улар тез кечувчи жараёнлар ёки ўртача тезликдаги жараёнлар тоифасига киради. Ташки таъсирлар даражасининг маълум ўзгаришидагина улардан пухталик масалаларини ҳал этишда фойдаланиш мумкин.

Эскириш қонунлари. Маҳсулот материалларида рўй берувчи ортга қайтмайдиган ўзгаришларнинг физиковий моҳиятини очиб берувчи эскириш қонуниятларининг ўрганилиши маҳсулот иш қобилиятини йўқотишни баҳолашда асосий аҳамиятга эга. Эскириш қонунлари доимо вақт омили билан боғлиқ бўлса ҳам, уларнинг баъзисида вақт бевосита қатнашмайди, чунки олинган боғлиқликларда бошка омиллар билан алоқа аникланиб, улар, ўз навбатида, вақтда намоён бўлади (масалан, энергия билан). Бундай боғлиқликларни ўзгариш қонунлари деб атаймиз.

Ўзгариш қонунларига коррозия жараёнларини таърифловчи боғлиқликлар мисол бўла олади. Вақтда коррозия катталигининг

ўзгаришини бевосита акс эттирувчи қонуниятларни чиқариш қуйидаги сабабларга кўра қийин.

Биринчидан, заарланиш интенсивлигига кўп микдордаги омилларнинг бир вақтда ва кўпинча тескари таъсир кўрсатадиган коррозия жараёнларининг поливариантлигиги туфайли.

Иккинчидан, коррозия метал юзасида нафакат бир текис тақсимланган (масалан, оксидланган пленка кўринишида) бўлиши, балки локал характерда бўлиши (маҳаллий коррозия) ёки кристаллитаро коррозия кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Масалан, қуруқ газлар ёки баъзи ноэлектролитлар (мойлар) билан контактда пайдо бўлувчи ва юқори ҳароратларда жуда интенсив кечувчи металар ва эритмаларнинг кимёвий коррозиясида ушбу кўринишдаги оксидлаш реакциялари ўрин эгаллайди: $mMe + \frac{m}{4}O_2 \rightarrow Me_mO_{\frac{m}{2}}$, бу ерда: m

— Me метал атомлари сони; n — метал валентлиги.

Масалан, алюминийнинг оксидланишида ушбу реакция бу кўринишда бўлади: $2Al + \frac{3}{2}O_2 \rightarrow Al_2O_3$.

Коррозия жараёнининг пайдо бўлиши ва интенсивлиги имкониятини баҳолаш учун кимёвий термодинамика қонулари қўлланади. Оксидловчи-тикланувчи коррозия реакцияларида кимёвий жараён иши амалга ошиши сабабли жараён интенсивлигини тавсифловчи омил бўлиб термодинамик функцияларнинг биридан катталик хизмат қилиши мумкин.

Кўпинча бундай ҳисоблар учун изобар-изотермик потенциал Γ (Гиббс функцияси) дан фойдаланилиб, бунда $\Delta G_{298}^{\circ} \text{ дж/моль}$ — бирга тенг моддалар концентрациясига тегишли $\theta = 298 \text{ К}$ ҳароратда оксидлаштиклаш реакциясида Γ потенциал ўзгаришининг стандарт катталиги аниқланади: $\Delta G_{298}^{\circ} = \Delta G_{298}^{\circ} + R\theta \ln \frac{c'}{c}$, бу ерда: c' ва c — олинган ва сарфланган моддаларнинг концентрацияси (фаоллик ва партсиал босим); θ — ҳарорат; R — газ доимийси.

Коррозия жараёни $\Delta G_{298}^{\circ} < 0$ да бўлиши мумкин, унинг интенсивлиги ΔG_{298}° абсолют катталик билан тавсифланади.

(3) ва (5) тенгламалар буйича металарнинг қуруқ ҳаво билан (газли кимёвий коррозия) оксидланишининг турли реакциялари учун бу қийматларни ҳисоблаш металарнинг оксидланиши термодинамик

интенсивлиги, металарнинг кислородга қўшилиши тұғрисида фикр юритишга имкон беради.

Техник металарнинг кислород билан оксидланиши термодинамик интенсивлиги Al , Zr , Ta , Cp , Zn , Te , Co , Ni , Cu , Pt , Ag қаторда тушади.

Кимёвий коррозия жараёнларининг интенсивлигини баҳолаш учун физикавий-кимёвий қонуниятларни қўллашнинг ушбу мисоли материалларнинг эскириши ва парчаланиши мураккаб ҳодисалари таҳлилига типик ёндошувдир.

Эксплуатацияда маҳсулот ҳаракатини башоратлаш ва оптимал ечимларни танлаш учун эскиришнинг ушбу жараёнининг вактда кечиш бевосита боғлиқликларига эга бўлиш истакка мувофиқ бўлса ҳам, ҳодисанинг мураккаблиги ушбу босқичда бу қонуниятни олишга имкон бермайди.

Шу сабабли жараённинг энг муҳим томонларини акс эттирувчи физикавий ва кимёвий қонунлар, ҳамда жараён интенсивлиги тұғрисида фикр юритишга имкон берувчи кўрсаткичлардан фойдаланилади. Вакт омили бу ерда яққол намоён бўлмайди ва соғ ҳолда эскириш қонунини олиш учун (яъни t функцияда) материаллар хусусиятлари ва ҳолатининг ўзгариши ушбу жараёни механизмини янада очиб берилиши зарур.

Вакт функциясида материалнинг заарланиш даражасини баҳоловчи эскириши қонунлари пухталик масалаларини ҳал этишнинг асосидир. Улар эскириш жараёни боришини башоратлаш, унинг реализация имкониятини баҳолаш ва жараён интенсивлигига таъсир этувчи муҳим омилларни аниқлашга имкон беради. Материаллар эскириши қонунлари бундай боғлиқликларнинг типик мисоли бўлиб, улар юзалар ўзаро таъсири физикавий картинасини очиб бериш асосида эскириш жараёни интенсивлиги ёки вакт функциясида эскириш катталигини ҳисоблаш учун методларни беради ва жараён боришига таъсир этувчи кўрсаткичларни баҳолайди. Кейинги йиллар изланишларини таҳлил этиб қайд этиш лозимки, барча кўпинча эскириш ёки парчаланиш жараёнининг боришини таърифловчи қонунларни вакт функцияси сифатида олишга интилади.

Масалан, коррозия жараёнининг типик жараёнларини вакт функцияси каби баҳоловчи қонуниятлар аниқланган, эскириш ёриклари ривожланишининг тезлигини баҳолашга ҳаракатлар қилишмоқда, эксплуатация жараёнида мойлар хусусиятларининг ўзгаришини таърифловчи қонуниятлар ишқаланиш коэффициенти ўзгариши, вактда

полимер материаллар хусусиятлари үзгариши ва бошқа қонуниятлар мавжуд.

Физикавий-кимёвий жараёнларнинг күпчилик вақт қонуниятлари термоактивациян жараёнлар кинетикасини кўриб чиқиш асосида олиниши мумкин. Қаттиқ жисмлар хусусиятларининг үзгариши элементар заррачаларнинг ҳаракати ва қайта гурухланиши, кристалл панжараада улар жойининг үзгариши натижасида рўй беради.

Бу энергияси активация энергияси E_a юқори энергияга E эга бўлган заррачалар қисмини баҳолашга имкон беради (масалан, молекулалар ва атомлар учун Максвелл-Болцман тақсимоти).

$E > E_a$ энергияли заррачалар қисмининг E_a қиймат ва θ ҳароратдан экспоненциал боғлиқлигини ҳисобга олсак, кўпчилик физикавий-кимёвий жараёнларнинг тезлиги γ қўйидагича ифодаланиши мумкин:

$$\gamma = c \cdot \exp\left(-\frac{E_a}{K\theta}\right),$$
 бу ерда c – жараён механизмига боғлиқ бўлган доимий коэффициент ва K – Болцман доимийси ($K\theta$ – энергия ўлчамига эга).

Формуладан кўриниб турганидек, жараён тезлиги берилган шартлар учун доимий ва ҳарорат кўтарилиши билан кескин ўсади, чунки бунда юқори энергияга эга зарралар сони ошади.

Кимёвий реакциялар тезлигини аниқлаш учун таъсирланувчи моддалар микдори ёки контцентрациясининг вақт бирлигига үзгаришини баҳолаш зарур. Кимёвий реакцияларнинг кечиши эски кимёвий боғланишлар парчаланиб янгилари ҳосил бўладиган молекулалар ёки атомларнинг тўқнашувида рўй беради.

Реакцияларнинг кинетик тенгламалари уларнинг кўчиш тезлигини аниқлади. Масалан, дастлабки A модданинг B ва D маҳсулотларга парчаланиши, яъни $A \rightarrow B + D$ энг оддий реакцияси учун реакция тезлиги γ_d дастлабки модда концентрациясига пропорционал деб ҳисоблаш мумкин: $\gamma_d = \frac{dz}{dt} = K(a - z)$, бу ерда: K – реакция константаси (ялпи тезлик); a – таъсирланувчи модданинг бошлангич концентрацияси; z – реакцияда ҳосил бўлувчи маҳсулотлар концентрацияси.

Натижада дифференциал тенгламани ҳосил қиласиз: $\frac{dz}{dt} + Kz = Ka$, унинг эчими $z = a(1 - e^{-Kt})$ бўлади.

Шундай қилиб, эскириш жараёнларида ($U = z$) элемент шикастланиши даражасини баҳолай оладиган ҳосил бўлувчи z

маҳсулотлар концентрацияси эскпоненциал қонун бўйича ўзгаради ва $t \rightarrow \infty$ да $z \rightarrow a$. Бошқа жараён жадалроқ боради, кейин эса бошлангич маҳсулот камайиши туфайли секинлашади.

Бошлангич маҳсулот ўзгариши аҳамиятсиз ва ҳисобга олинмаслиги мумкин бўлган эскириш жараёнлари учун бу боғлиқликнинг бошлангич участкаси асосий рол ўйнайди, у тўғри чизик билан алпроксимацияланиши мумкин, яъни $\gamma_p = \text{const}$ қабул қилинади.

Ишламай қолишлиар физикасида эскириш қонулари асосий масала ҳисобланади.

Эскириш жараёни соҳаси. Ҳар қандай эскириш жараёни фақат маълум ташки шароитларда, пайдо бўлади ва ривожланади. Машина деталлари материалларининг заарланиши мумкин бўлган турларини баҳолаш учун эскириш жараёни мавжуд бўлиш соҳасини ва биринчи навбатда унинг пайдо бўлиш шартларини аниқлаш зарур. Жараён пайдо бўлиши учун одатда унинг кечишини белгиловчи юкламалар, тезликлар, ҳароратлар ва бошқа курсаткичларнинг маълум даражаси ошиб кетиши керак. Жараён пайдо бўлишидан кейин унинг жадал ривожланиши борадиган тез кечувчи эскириш жараёнлари учун сезувчанликнинг бу бошлангич даражасини билиш жуда муҳим. Кўпинча сезувчанлик бошини ушбу жараён бошланишини белгилайдиган маълум бир энергетик даражажа билан боғлашади. Масалан, юқорида эслатиб ўтилган активатсия энергияси E_a материал хусусиятлари ўзгариши жраёни бориши бошланиши мумкин бўлган энергетик даражани белгилайди.

Жараён бошланиши мумкин бўлган энергетик тусик мавжудлигининг типик мисоли металарнинг қотиши ва нозик парчаланишда ёриқлар пайдо бўлишидир.

Иккита контактланувчи юзаларнинг қотишида метал боғланишлар ва кристалл панжаралар материалларнинг биргаликдаги пластик деформацияланиши натижаси сифатида ҳосил бўлиши рўй беради. Машина деталларининг ишқаланишида бу жараён деярли дарҳол ишқаланиш шартларининг кескин ўзгаришига олиб келиб, ушбу жуфтликнинг изланишлари курсатишича, қотиш пайдо бўлиши учун маълум бир энергетик чегарадан ўтиш зарур. Чунки турлича йўналтирилган кристалл панжаралар ўртасида метал боғланишлар ҳосил бўлиши учун уларнинг ўзаро таъсири юзага келувчи деформация учун энергиянинг муайян миқдори сарфланиши ва панжараларнинг

йұналтирилиши зарур бўлади. Бирикишнинг дастлабки актларида бушаладиган юза энергияси кристалл панжаранинг исиши ва құшимча бузилишлари күринишида бирикиш зоналарига бевосита ёндошувчи метал ҳажмлари томонидан қабул қилинади. Ҳосил бўлган бирикиш участкаларини тўлиқ бирикишнинг икки ўлчамли бошланиши каби қараш мумкин. Кристалл панжара томонидан тўплланган ажралиб чиқсан энергия йиғиндиси метал боғланишлари ҳосил бўлиши учун етарли бўлса, бирикиш майдонининг катталашуви жараёни бошланади.


Окувчанлик чегарасидан пастда қолувчи ўртача кучланишларда метал конструкцияларда ёриқлар пайдо бўлиши назарияси асосида ҳам энергетик концепция ётади. Бу назария Гриффит шартига асосланиб, таранг деформациянинг энергия ажралиши тезлиги ёриқ юза энергияси ўсишидан ошса мавжуд ёриқ лавинасимон тарқала бошлайди, деб таъкидлайди.

Ясси пластина деформациясида ёриқлар ўсиши шарти қуйидаги тенглама билан ифодаланиши мумкин: $\frac{\sigma^2 A}{E} \geq 4(W_e + W_i)$, бу ерда: σ – пластина даги кучланиш; A – таранглик модули; $2l$ – σ кучланиш томон тўғри бурчак остида борувчи ёриқ узунлиги; W_e – ёриқ юза кучланиши энергияси; W_i – пластик деформация иши (Гриффитда хисобга олинмаган).

Ушбу тенгламанинг чап томони якка қалинликдаги пластинада таранг энергиянинг $2l$ узунликдаги ёриқнинг тўсатдан пайдо бўлиши туфайли камайишини кўрсатади.

Ўнг томони W_e юза тортилишига эга янги юзанинг яратилиши натижасида пластинка энергисини ошишини акс эттиради.

Замонавий қарашларг кўра энергетик балансга асосий таъсирни ёрикнинг тарқалишида пластик деформацияга борувчи W_i иш кўрсатади.



13-расм. Нисбий сирпаниш тезлигига қараб зийлиш жараёни характеристининг ўзгариши схемаси (Б.И. Костетский бўйича)

Бу тенгламадан келиб чиқадики, ёрикнинг бекарор ҳолатга ўсиши юз берадиган юқори кучланиш $|\sigma| \geq 2\sqrt{\frac{E(W_i + W_r)}{m}}$.

Шундай килиб, бу ерда парчаланишнинг интенсив жараён бошланиши мумкин бўлган шартлар ҳам олинди.

Ривожланиши монотон кечадиган жараёнлар учун ушбу жараён механизми сақланиб қолувчи ташки шартларнинг экстремал қийматлари ва уларнинг мавжудлик соҳасини аниқлаш зарур.

Масалан, юзаларнинг эскиришида мойлаш ва нисбий сирпаниш тезлиги, шунингдек босим, атроф-мухит таркиби ва бошқа омилларга қараб эскиришнинг турли кўринишлари пайдо бўлади.

13-расмда ν нисбий сирпаниш тезлигига қараб металар ва аралашмаларнинг эскириши турининг ўзгариш принципиал схемаси кўрсатилган.

Эскириш интенсивлигини таърифловчи қонуният (еийлиш катталигининг ишқаланиши йўлига нисбати) эскириш жараёнининг турли механизмларига мос келувчи учта участкага эга.

Эскириш интенсивлиги ушбу шартларда ўзгармайдиган ва минимал қийматга эга бўлган участка II эскиришнинг йул қўйилувчи шаклига мос келади, контактга киритувчи юзалар деформацияси ва уларнинг микроҳажмларда парчаланиши оксидланиш жараёнлари билан боради. Тўғри танланган шартларда унинг интенсивлиги жуда аҳамиятсиз булиши мумкин.

Куруқ ишқаланишда сирпанишнинг кичик тезликларида ҳам (участка I), катта тезликларда ҳам (участка III) юқори интенсивликдаги жарёнилий йул қўйилмайдиган эскириш турлари ва юза қатлами сифатининг ўзгариши рўй беради.

Бу кичик сирпаниш тезликларида кристалл панжараларнинг ўзаро тасири осонлашувчи, катта тезликларда эса металарнинг ўзаро диффузияси ва термик қотиш жараёнларига олиб келувчи қотиш жараёнлари билан боғлиқ қотишда сирпаниш юзаси заарланишининг йул қўйилмайдиган кўринишини олади.

Шундай қилиб, муайян турдаги жараённинг пайдо бўлишини тавсифловчи ташқи шартларнинг юкори қийматлари мавжуд, ушбу ҳолда v_{M1} ва v_{M2} .

Эскиришнинг ҳар қандай жараёнлари қонуниятлари учун уларнинг қулланиш чегаралари, яъни ушбу жараёнларнинг мавжудлик соҳаси, белгиланиши керак.

Бу соҳаларни баҳолашда материалнинг айни бир ҳажмларида ёки юзасида бир вактнинг ўзида эскиришнинг турли жараёнлари кечиши мумкинлигини кўзда тутиш ҳам зарур.

Маҳсулотнинг чиқиш кўрсаткичларига қўйидаги ўзаро таъсирнинг асосий турлари билан тавсифланувчи барча эскириш жараёнлари таъсир кўрсатади.

1. Бир вактда кечувчи жараёнлар ўзаро таъсир кўрсатмайди ва мустақил равишда чиқиш кўрсаткичларининг ўзгаришига олиб келади. Масалан, ишқаланиш юзасининг абразив тушиши ва қўйиш нуксони туфайли заарланиши.

2. Бир вактда кечувчи жараёнлар ўзаро таъсир кўрсатмайди, лекин чиқиш кўрсаткичига уларнинг таъсири қўшилади. Масалан, жараёнлар қайтмас ҳодисалар билан (масалан, пластик деформация) кечмаса тизимнинг харорат ва куч деформациялари қўшилади.

3. Бир вактда кечувчи жараёнлар ўзаро таъсир кўрсатади ва янги янада мураккаб жараённи ҳосил қиласди.

Металар ва аралашмаларнинг коррозия – эскириши туфайли парчаланиши жараёнлари типик мисол бўлиб, бунда натижа коррозия ва механик бузилиш йигиндисигина бўлмай, интенсивлиги ҳар бир алоҳида омил таъсири интенсивлик йигиндисидан юкори бўлган янада мураккаб физикавий-кимёвий жараёндан иборат бўлади. Баъзи ўзаро таъсирларда жараённинг этакчи тури ўрин эгаллаб, унинг хусусиятлари чиқиш кўрсаткичларига асосий таъсир кўрсатади. Бу ҳолда ушбу ҳодисани таърифловчи қонуниятларни излаб топиш бирмунча енгиллашади.

Бирок кўпчилик эскириш жараёнлари учун деформация, иссиқлик, кимёвий ва бошқа жараёнларнинг материаллар бошланғич хусусиятлари ва ҳолатининг мураккаб физикавий-кимёвий ўзгаришига олиб келувчи айнан бир вактда таъсири хос.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Материаллар хусусиятларини айтинг.

2. Материаллар харакатини ўрганишнинг уч даражасини айтинг.
3. Ҳолат ва эскириш қонуңларини айтинг.
4. Эскириш жараёни нима?

Таянч иборалар.

Экплуатация, қаттиқлик, мустахкамлик, аниқлилик, функционал боғлиқлик, аргумент, дисперсия, деформация, релаксация, субмикроскопик даража, атомлар диффузияси, фрикцион, макроскопик даража, инерция, концентрация, потенциал.

2.6. МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ЮЗА ҚАТЛАМИ ВА УНИНГ КҮРСАТГИЧЛАРИ

2.6.1.Материалларнинг парчаланиши ва эскиришида юза қатламлардаги ҳодисаларнинг аҳамияти. Қаттиқ жисмлар юза қатламининг тузилиши ва унда рўй берувчи ҳодисалар материалларнинг эскириши ва парчаланиш жараёнларининг кўпчилиги учун алоҳида ўрин тутади. Юза қатламининг аҳволи бошқа жисм ёки атроф-муҳит билан ўзаро таъсирда пайдо бўлувчи жараёнларни, масалан, ейилишда, контакт деформацияда, эскиришда, коррозияда ва бошқа белгилайди. Бундан ташқари деталнинг бутун танаси парчаланишининг кўпчилик турлари ўзадан бошланади ва унинг ҳолатига боғлиқ бўлади.

Махсулот ишлашига материал юза қатламининг алоҳида таъсири қуйидаги сабаблар билан боғлиқ.


Биринчидан, қаттиқ жисмнинг юза қатламлари ортиқча энергияга эга, чунки юза яқин бўлган молекулалар ва атомлар ютиш (адсорбция), қотиш (когезия), ёпишиш (адгезия), ҳўллаш ва ташки-муҳит моддалари билан ўзаро таъсирнинг бошқа турлари каби ҳодисаларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи эркин алоқаларга эга бўлиб, бунда юза қатлами ўзига хос тузилишини олади.

Иккинчидан, юза қатлами турли технологик жараёнлар натижасида шаклланиб, улар нафақат юзанинг зарур шаклини ҳосил қилиб, материал хусусиятларини ўзgartиради, балки қаттиқ жисм юзаси хусусиятларини ўзgartирувчи катор ножӯя ҳодисаларга олиб келади. Юза қатламининг физикавий-кимёвий кўрсаткичлари, унинг тузилиши ва таранг ҳолати, одатда, материалнинг бутун ҳажми хусусиятларидан кескин фарқ қиласи.

Учинчидан, эксплуатация жараёнида юза қатлами күрсаткичларининг ўзгариши (трансформацияси) бутун жисм ҳажми бўйлаб рўй берувчи ўзгаришларга нисбатан кўпроқ даражада боради.

Шу сабабли машиналар ишламай қолишининг кўпчилиги юза қатламларида кечувчи жараёнлар билан боғлик ва уларнинг табиати маҳсулот эксплуатациясида юза қатлами тавсифлари учрайдиган ўзгаришлар таҳлилисиз тушунирила олмайди.

Юза қатламларида кечувчи жараёнларни кўриб чиқишдан олдин улар ҳолатини тавсифловчи ва ўзгаришга қараб рўй бераётган ҳодисаларни тушуниш мумкин бўлган кўрсаткичларни баҳолаш зарур. Бу масала кўп кўрсаткичлар сонини кўллаш зарурати учун ҳам, уларнинг физикаий табиати турлича эканлиги учун ҳам анча мураккаб. Бу соҳада ўтказилган изланишлар таҳлили рўй бераётган ҳодисаларни тушунишга ҳаракат килиш билан юза қатлам тавсифи учун қўлланувчи кўрсаткичлар сони ортиб боришини кўрсатади.



a – юза топографияси; б – юза қатлами кўрсаткичлари; в – таянч юза эгриси; 1 – бўйлама нотекислик; 2 – кўндаланг нотекислик; 3 – ёрик; 4 – ёриб тушиш; x-x – эркин кесилиш

14-расм. Юзанинг микрорелефи:

Бу кўрсаткичлар тавсифлаши керак: юза қатлам геометрияси, шу жумладан юза микрогоеметрияси ва алоҳида нуксонларини; юза қатламларининг алоҳида участкалари ҳамда микроҳажмларда пайдо

булувчи кучланишлар; пластик деформация, харорат таъсиrlари, оксидлаш жараёнлари ва бошқа таъсиrlар натижаси сифатида юза қатлами тузилишини; юза – фаол моддаларнинг йўналтирилган молекулаларини ҳисобга олган ҳолда мойнинг адсорбцияланган юпқа қатламлари юзасига яқин тузилиш.

2.6.2. Юза қатламиning геометрик кўрсаткичлари

Геометрик нуктаи назардан юза қатлами анча мураккаб формацияни ташкил этади. Маълумки, ҳар қандай реал юза чизмада берилган номинал (идеал) юза шаклидан оғишларга эга.

Юза **макрогоеметрияси**, яъни унинг шакли – оваллик, цилиндрик юзалар учун конуслик, юзанинг бўртиклиги ёки ботиқлиги ва ҳоказо – деталлар ишлашига таъсиr этувчи муҳим омилдир. Турли юзалар учун шаклдан йўл қўйилувчи оғишлар мувофиқ стандартларда кўрсатилган.

Юза қатлам хусусиятларини баҳолашда аҳамиятли бўлган **микрогоеметрия** нотекислик (нотекисликлар баландлиги R_s ёки R_a ўртача чизикдан профилнинг ўртача арифметик оғиши ҳамда ГОСТ2789-73 бўйича бошқа қатор кўрсаткичлар) ва тўлқинликлар (нотекисликлар кўрсаткичларини аниқлаш учун қабул қилинган стандарт асосий узунлигидан ортиқ қадамли бўртишлар ва ботиқликларнинг такрорланиш йиғиндиси) билан тавсифланади.

Юза микрорелефи ишлов бериш йўналишида ва унга йўналган перпендикуляр турли нотекисликлардан иборатлигини қайд этиш лозим.

Юза микротопографияси ботиқлик ва бўртишларнинг мураккаб навбатлашувини кўрсатади, шу сабабли профилограмма тасодифий кесилиш бўлиб, юза релефини маълум даражада яқинлаштириш билан тавсифлайди.

Маҳсулот ишлашига нафақат тўлқинлашишининг (тўлқин баландлиги X ва унинг қадами L) ҳамда нотекисликнинг асосий тавсифлари (R_s ; R_a , ўртача қадам C ва нотекисликларнинг максимал баландлиги R_{max}), балки микронотекисликларнинг шакли, уларнинг йўналиши, тўлқинланиш шакли ва микрорелефнинг бошқа кўрсаткичлари ҳам таъсиr кўрсатади.

Нотекисликни тавсифлаш учун кўпинча интеграл тавсиф – таянч юза эгриси ва микрорельф шаклини баҳоловчи алоҳида кўрсаткичлар кўлланади (14, в-расм). Микронотекисликлар қадами, ботиқлик ва бўртишларнинг ўртача радиуси, таянч юза эгриси кўрсаткичлари ва

бошқалар шундай аниқланади. Юза нотекислигини тұлиқроқ тавсифлаш учун гармоник таҳлил аппаратидан фойдаланиш ва юза профилограммасини гармоникларнинг якуний йигиндиси тарзда күрсатиш мүмкін.


Юза қатламнинг нотекислиги ва тұлқинлилігі технологик жараён тури ва ишлов бериш тартиблари – узатиши катталиғи, кесиши тезлигі, мойлаш – совитиш суюқлигининг құлланиши, кесиши асбоби геометрияси, ДМАД тизими қаттықлигі ва виброчидамлилігі (дастгох – мослама – асбоб – детал) га бөгликтенеді.

Геометрик күрсаткичлар билан юзанинг алоҳида нұқсонларини (ёриқлар, хасталанишлар, ёриқ парчалари тушиши (14, б-расм) ва белгиланған рельефдан бошқа локал оғишлиарни ҳам тавсифлаш мүмкінлегінің қайд этиш лозим.

Юза макро ва микрорельефи геометрик тавсифлари кенг ишлаб чиқылған ва уларга күп адабиётлар бағищланған.

2.6.3. Юза қатламнинг тарандылық қолаты.

Юза қатламнинг тарандылық қолаты үзига хос хусусият касб этади.



15-расм. Юза қатламда I турдаги қолдик күчлагичлар типик эпюралари

Бириңчидан, юзалар контактида чизик бүйлаб ёки нұқтада бошланғич тегилишда Гертс формулалари билан аниқланувчи маҳаллік күчланишлар пайдо бўлади, юза бўйлаб тегилишда эса бундай ҳодисалар микронотекисликлар контактида пайдо бўлади. Иккى нотекис юзалар контактини моделлаштиришда кўпинча улар күчланишлар ва

деформацияларни хисоблаш учун Гертс-Беляевнинг мувофиқ боғлиқларидан таранг ўзаро таъсирида фойдаланиш ёки пластик деформацияни ҳам хисобга олиш учун яримсфералар, конуслар ёки цилиндрик юзалар тұплами тарзыда берилади.

Иккинчидан, детал юзаси ёнида юза шаклининг кескин үзгаришлари билан боғлиқ кучланишларнинг маҳаллий контсентрациялари пайдо бўлади. Кучланишлар концентратлари нафакат конструктив деталлар (гантеллар, тешиклар, чукурчалар), балки микронотекисликларларнинг ботиклари, ёриклар ҳам булиши мумкин. Кучланишларнинг концентрацияси кўпинча эскириб парчаланиш жараёнлари бошланишига сабаб бўлади.

Нихоят, юза қатламнинг ўзига хос хусусияти ички қолдик кучланишларнинг пайдо булишидир.

Маълумки, деталнинг қизиши ва совиши жараёнида пайдо бўлувчи ички кучланишлар тенг вазнили тизим ҳосил қиласи ва деталнинг йирик ҳажмларини қамраб олувчи микрокучланишлар (I турдаги кучланишлар), бир ёки бир неча кристалл зарралар доирасидаги микрокучланишлар (II турдаги кучланишлар) ва кристалл панжара элементлари ўртасида таъсири этувчи субмикроскопик кучланишлар (III турдаги кучланишлар) тарзыда намоён булиши мумкин.

Ички кучланишлар, одатда, муайян технологик жараён натижаси булиб, куйиш, пайвандлаш, қадаш, силлиқлаш ва бошқа қолдик кучланишлар фарқланади.

Деталда анча вақт сакланиб қолувчи қолдик кучланишлар ташқи кучланишлар билан алгебраик қўшилиб уларни кучайтириши ёки сусайтириши мумкин.

Чўзувчи кучланишлар айниқса хавфли бўлиб, улар эскиришга чидамликнинг пасайишига олиб келади.

Механик ишлов беришда юза қатламларида пайдо бўлувчи қолдик кучланишлар I турдаги ҳамда II турдаги кучланишларга ҳам тегишли булиши мумкин.

15-расмда I турдаги қолдик кучланишларнинг типик эпюралари келтирилган. Юза ёнидаги энг катта кучланишлар ҳам сиқувчи (чап устун), ҳам чўзувчи булиши мумкин бўлиб, бу одатда, энг ноқулай.

Қолдик кучланишлар эпюраси характеристи шундай булиши мумкинки, максимал кучланишлар маълум чукурликда бевосита юза қатлам ёнида пайдо бўлади (15, а-расм), бунда улар юза олдида нолга тенг (15, б-расм) ёки 15, в-расмда кўрсатилган кўринишга эга.

Қолдиқ кучланишлар эпюраси характери ва уларнинг катталиги механик ишлов беришда кесиш шартлари ва тартиблари ҳамда юзани мустаҳкамлаш методларига юқори даражада боғлиқ.

Епюралар ҳар хиллиги турли омилларнинг бир вактда таъсири ва биринчى навбатда куч ҳамда ҳарорат таъсирлари натижасидир.

Металнинг пластик деформацияси унинг ялпи ҳажмини оширади, шу сабабли кесишида пластик деформацияланган ёки мустаҳкамлаш жараёнларидан катталашишига интилиб юза қатламлар тулиқ шаклланмаган метал қаршилигига учрайди.

Натижада ташқи қатламда сиқилиш кучланишлари, қолган қисмда эса – чўзилиш кучланишлари пайдо бўлади. Бу юза қатлами ҳарорат таъсирлари туфайли юзага келувчи эйилиш ҳолатида бўлмаган ҳолда ўринга эга бўлади. Юза қатламни бу вактда метал ейилиши ҳолатига мос келувчи ҳароратдан юқори қизитишда унда ички кучланишлар пайдо бўлмайди, совитишда эса ташқи қатламда чўзилувчи кучланишлар, пастки қатламларда эса сиқилиш кучланишлари (15, а-расм – ўнгда) пайдо бўлади, яъни қолдиқ кучланишлар ҳарорат таъсири йўқлигидагига тескари бўлади.

Иккала омил – ҳарорат (ейилувчанлик ҳолати) ва куч (пластик деформация) бир вактда таъсир этиши туфайли ташқи қатламдаги қолдиқ кучланиш белгиси бу омиллардан қайси бири устиворлигига боғлиқ бўлади.

Масалан, юза қатламда титан аралашмаларини силлиқлашда юза қатламда чўзувчи қолдиқ кучланишлар пайдо бўлади. Улар материал оқувчанлик чегарасига этиши (баъзида эса ошиб кўтиши) мумкин. Иzlанишлар ушбу ҳолда қолдиқ кучланишлар ҳосил бўлишида иссиқлик омили устиворлигини кўрсатди.

Фрезерлашда қолдиқ кучланишларнинг ҳосил бўлишида иссиқлик омили бундай рол ўйнамайди, айниқса кесишининг паст ва ўртача тезликларидан. Турли кесиш тезликларидан фрезерлашда юза қатламда сиқувчи ҳамда чўзувчи кучланишлар пайдо бўлиши мумкин. Кичик тезликда кесишида кесиш кучлари кўп таъсир кўрсатади ва шу сабабли юза қатламда сиқувчи қолдиқ кучланишлар пайдо бўлади.

Кучланиш ҳолати детал шакли ва ўлчамлари, ишлов бериш тартиблари ва ишлов берилаётган материалнинг физикавий-механикавий хусусиятларига боғлиқ бўлишини қайд этиш керак.

Қолдик кучланишлар эпюраси характеристига юза мустаҳкамлаш методлари ва ҳимоя қопламалари катта таъсир күрсатади. Галваник қопламалар суртиш ёки пұлат деталлар юзаларини углеродсизлашда юза қатламларда чұзувчи қолдик кучланишлар пайдо бўлади (15, а-расм – ўнгда).

Қатор қопламалар учун қолдик кучланишлар “ҳимоя қатлами – куракости” бўлими чизиги олдида максимумга эга (15, б-расм, чапда). Кучланишларнинг бундай эпюраси углеродли пұлатларни углеродни туйинганлик зонасидан асосий метал ичкарисига чекинтирувчи нокарбит ҳосил қилувчи элементлар билан туйинтиришда, шунингдек ҳимоя қатламларини гальванотермик усул билан олишда ўрининга эга.


Метали пұлатга диффундиялана оладиган гальваник қопламали деталларни диффузион отжигида “қоплама – куракости” бўлими чегарасида коплама асосий металига нисбатан каттарок ялпи ҳажмли диффузия қатлами пайдо бўлиб, бу жойда сиқувчи кучланишлар пайдо булишига олиб келади.

Юза қатламда нафақат чўзилиш-сиқилиш нормал кучланишлар, балки тегилиши кучланишлари ҳам пайдо булишини ҳисобга олиш лозим. Кейингилари юзаларнинг механик ишловига хос бўлади, бунда кесиши тулиқ қисмининг тангенциал таркиби мавжуд.

Юза қатламнинг кучланиш ҳолати унинг эксплуатацион тавсифларига муҳим таъсир күрсатади.

Юза қатлам тузилиши. Юза қатлам тузилишини кўриб чиқишида у асосий металдан кескин фарқланишини кўзда тутиш керак, чунки ишлов бериши технологик жараёни натижасида тузилиши бузилган нуқсонли қатлам ҳосил бўлади. Бундан ташқари, маҳсулот эксплуатациясида куч, ҳарорат, оксидлаш ва бошқа таъсирлар туфайли хусусиятлар ўзгариши жараёни боради.

Масалан, металарни кесиши орқали ишлов беришда юза қатламда янги ҳосилаларнинг пайдо булиши икки қарама-қарши жараён – юзага кесиши ҳаракатлари таъсири натижасида мустаҳкамлаш ва кесиши ҳарорати таъсири натижасида мустаҳкамлигининг олиниши рўй беради. Турли шароитларда бири ёки иккинчисининг таъсри устивор бўлади.



a – қатлам чуқурлиги бүйічінде H қаттықликнинг үзгариши; *б* – юза қатлам тузилиши; *в* – чуқурлық бүйічінде кесишіш ғарорат үзгариши

16-расм. Юза қатлам тузилиши

Пластик деформацияда металнинг юза қатламида метал зарраларыда силжиш, кристалл панжара бузилиши, зарралар шакли ва ўлчамларининг үзгариши, текстура ҳосил бўлиши рўй беради. Пластик деформацияда текстура ҳосил бўлиши ва силжишлар метал мустаҳкамлиги ва қаттиклигини оширади. Пластик деформация таъсири остида металнинг мустаҳкамланиши дислокациялар назариясига кўра дислокацияларнинг силжишлар чизиги олдида тўпланишидан иборат, дислокациялар бошқа таранг кучланишлар текислиги билан ўралгани учун кейинги пластик деформациялар учун мустаҳкамланмаган металдагидан кўра анча кўпроқ кучланиш зарур.

Мустаҳкамлаш метал зичлигининг пластик деформация даражасига пропорционал камайишига олиб келади. Мустаҳкамлашда метал хусусиятлари үзгариши ҳам рўй беради: деформацияга қаршилик ва қаттиклик ошади, пластиклик пасаяди.

Мустаҳкамланиш қатлами чуқурлигини л юза қатламларда доимо юқорироқ бўлган микрокаттилик үзгаришига қараб аниқлаш мумкин. Мустаҳкамланиш даражаси тўғрисида юза қатламлар қаттиклиги ва бошлангич метал нисбати $\frac{H}{H_0}$ (16-расм) бүйічінде фикр юритиш мумкин.

Юқори мустаҳкамлиқдаги металарни ишлов беришда кесишнинг катта ҳарорати мустаҳкамликни камайтирувчи омил сифатида таъсир кўрсатади. Мустаҳкамланган қатлам қалинлигининг ўртача қийматлари тезлашда 0,2 дан 20 мкм гача бўлади.

Юза қатламдаги үзгаришлар нафақат мустаҳкамланиш ҳамда мустаҳкамланиш камайиши туфайли, балки тузилиш үзгаришлари ҳамда оксидлаш жараёнлари натижасида ҳам рўй бериши мумкин (16, в-расм). Масалан, углеродли пулатни силлиқлашда юза қатламда юкори ҳароратлар таъсири остида углеродсизланган жойлар пайдо бўлиши, оксидлар ва нитридлар сингдирилган қатламлар ва тузилиши эркин цементит ҳосил бўлиши рўй бериши мумкин.

Юза қатлам тузилишига таъсир этувчи муҳим омил ишлов жараёнида пайдо бўлган янги юзаларда тез ривожланувчи оксидлаш жараёнлариdir. Кўпчилик металарнинг юзасидан юпқа оксидли пленка ҳосил бўлади. Пленка таранглашган ҳолда бўлгани учун унинг ўсишида плёнка ёрилиши мумкин ва у ювак тузилиш олади. Машина деталлари юзаси ишқаланишида юпқа қатламлар контакт зонасида кўп марталик нормал ва тангенциал кучланишлар таъсирига учрайди, ҳарорат ва муҳит таъсирида ушбу эксплуатация шартларига хос релефга эга бўлади. Шунинг учун юза релефининг умуман ҳар хил технологик ва эксплуатацион турларини фарқлаш керак.

Умумий кўринишида аралашма юза қатламининг тузилиши кўйидаги характеристерли участкалардан иборат (15, б-расм).

Оксид пленкаларидан иборат юкори қаттиқликдаги 1-қатламга нам, газлар ва ифлосланишлардан аморф адсорбланган қатлам кўшилади.

Қаттиқ деформацияланган кристалл панжарали 2-мустаҳкамланган қатлам кесиши ёки ишқаланишнинг тангенциал қатлами таъсири остида пайдо бўлган зарраларнинг маълум йўналганлиги (текстураси) билан фарқланади.

Бузилган кристалл панжарали 3-мустаҳкамланган қатлам дислокациялар ва вакансияларнинг катталашган сонига эга.

4-қатлам – бошлангич тузилишли метал.


Энг яхши эксплуатацион тавсифга эга юза қатлам олишига интилиш силлиқлаш, суперфиниш, полировкалаш, абразив этказилиш ва бошқалар каби финиш ишловнинг турли технологик жараёнларининг қўлланишига олиб келди. Бунда юза қатлам тузилиши ҳамда унинг геометрик ва физикавий курсаткичларига якуний ишлов бериш технологик жараён туригина эмас, балки ушбу рельеф шаклланишининг мураккаб жараёнларини шартловчи ишлов бериш тартиблари ҳам таъсир кўрсатади.

17-расмда етказилиш оптимал тартибини танлаш ҳисобига абразив юза рельеф бүйича ҳам, микроёриклар мавжудлиги ва таранглышган ҳолат бүйича ҳам юқори эксплуатацион тавсифлар таъминланиши кўрсатилган. Ҳар қандай ҳолда юза қатлам микроёрикларсиз деформацияланган кристалл панжарали зонага ўтувчи нуқсонлар ва микроёрикларнинг юқори микдори бўлган зонага эга.

Тўғри танланган тартиблар биринчи зонанинг кичик чуқурлиги, нуқсонларнинг минимал микдори ва юқори эскиришига чидамли юза қатламнинг қулай рельефини таъминлайди.

Мойланган юза ҳодисалари. Юза қатлам ҳолатини тавсифлаш учун мойлаш ва юза – фаол моддалар бўлганда юз берувчи ҳодисаларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Мой қатлами қаттиқ жисм юзасида алоҳида тузилиш ҳосил қиласи, чунки охирги қатламда жойлашган атомлар ва молекулаларнинг эркин боғланишлари мой ва қаттиқ жисм молекулалари билан ўзаро таъсир этади.

Адсорбция ҳодисаси туфайли газлар, буглар ва мойларнинг молекулалар йўналтирилган қатламлари билан жуда юпқа пленкалари ҳосил бўлиши рўй беради (18-расм). Қаттиқ жисм юзасида адсорбцияланган моддалар молекулалари металга ўзининг фаол томони билан бирикади.



$a = \sigma_{cp} = 46, a_q = 15.3, p = 0.04; d = \sigma_{cp} = 126, p = 0.1; e = \sigma_{cp} = 36, a_q = 9.3, p = 0.15; z = \sigma_{cp} = 62, p = 0.18; \delta = \sigma_{cp} = 23, a_q = 3.8, p = 0.075; \theta = \sigma_{cp} = 62, p = 0.15$ (σ_{cp} , M/mn ; p , MPa; a_q , μm^2)

17-расм. Турли ишлов бериш тартибларида абразив етказилишдан кейин деталлар юзаси

Қаттиқ юзадан масофа ошиши билан юза фаол модда молекулалари йұналиши бузилади, кейин эса йүқолади. Чегара қатлам йүғонлиги молекулалар тузилиши ва ташқи шароитларга боғлиқ. Ҳароратнинг күтарилиши молекулалар дезориентациясига құмаклашади ва мой қатламининг бузилишига олиб келиши мүмкін.

Молекулалар тузилишига қараб юзада улар турли йұналишга зәг булиши мүмкін. Бу ҳодисалар қаттиқ жисмлар қарқатига таъсир күрсатади. Масалан, юза – фаол мұхити қаттиқ жисмларнинг бузилиши ва деформацияланиши жараёнларига таъсир этади. Адсорбцион пленкалар пластификация таъсирига олиб келади, яғни юза қатламда жойлашган зарраларда пластик оқимни енгиллаشتыради, чунки адсорбцияланған қатлам металнинг юза тортилишини пасайтиради.

Бундан ташқары микроёрикларга тушган мой қаттиқ жисм мустаҳкамлигини камайтириши мүмкін. Шундай қилиб, қаттиқ жисмнинг



18-расм. Мой чегара қатлами тузилиши

юза қатламлари ушбу юза тайёрланиш жараёнлари ҳамда маҳсулот эксплуатациясиса атроф-мұхит билан унинг ўзаро таъсир жараёнлари натижаси сифатида мураккаб тузилишга зәг.

Юза қолатини тавсифловчы күрсаткичлар унинг геометрик, мустаҳкамлик, физикавий, кимёвий, тузилиш ҳамда бошқа күрсаткичларни ўз ичига олади эксплуатация жараёнида эскиришнинг

турли жараёнлари кечишидаги уларнинг ўзгариши кўп жиҳатдан маҳсулот пухталигини белгилайди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Материаллар парчаланиши ва эскиришида юза катламларида қандай ҳодисалар юз беради?
2. Юза қатламининг қандай геометрик кўрсаткичлари бор?
3. Юза қатламининг тарапглик ҳолатини тушунтиринг.
4. Материал юза қатлами қандай тузилишга эга?
5. Материалнинг мойланган юза қатламида қандай ҳодисалар рўй беради?

Таянч иборалар.

Парчаланиши, контакт деформация, коррозия, когезия, адгезия, трансформация, юза микрорелефи, номинал юза, юза макрогоеметрияси, овал, цилиндр юза, макрогоеметрия, эпюра, қолдиқ кучланиши, пластик деформация, фрезалаш, гальваник қоплама.

2.7. ЭСКИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАСНИФИ

2.7.1. Эскириш жараёнларининг ташқи намоёнлиги бўйича таснифи. Эскириш жараёнлари машина деталлари материалларида рўй берувчи мураккаб ва турлича ҳодисалар билан тавсифланиши туфайли улар таснифини ушбу жараён олиб келган ташқи намоёнликка қараб амалга ошириш мақсадга мувоғик. Жараённинг ташқи намоён бўлиши бўйича, яъни детал деформацияси, унинг эскириши, хусусиятларининг ўзгариши ва бошқа кўрсаткичлар бўйича детал материалининг зарарланиш даражаси тўғрисида фикр юритиш, ҳамда маҳсулотнинг чегара ҳолатига яқинлигини баҳолаш мумкин.

Эскириш жараёнларини таснифлашда ушбу жараён намоён буладиган соҳани ҳам аниқлаш лозим.

6-жадвалда ташқи намоён бўлишига кўра эскириш жараёнлари таснифи келтирилган ва ҳар бир жараённинг асосий турлари кўрсатилган.

Эскириш жараёнлари кўпинча юза катламларда кечади. Бунда детал юзаси харорат, кимёвий, механик ва бошқа ташқи мухит таъсиirlарига учрайди. Коррозия, эрозия, кавитация ва бошқа жараёнлар оқибатида юза ейилиши рўй бериши мумкин.

Юзада адгезия, адсорбция, курум босиш ва юзага бошқа материаллар қўшилиши билан боғлиқ бўлган жараёнлар ҳам кечиши мумкин. Ташқи таъсиirlар натижасида юза қатлам хусусиятлари –

микротехнологияси, қаттықлиги, акс эттириш қобилияты ва бошқалар ўзгариши ҳам мумкин.

Иккита құшни юзалар контактида ўзига хос жараёнлар кечади, бу машиналар механизмлари ва элементлари учун хосдир.

Бу қолда ҳаракатланувчи бирикмаларда эскиришнинг турли жараёнлари бориб, улар юзанинг ейилиши, юза катлам эскириш ҳамда унинг пластик деформацияланишини ўз ичига олади.

Ҳаракатланувчи ва ҳаракатсиз бирикмалар учун контакт шартларининг ўзгариши рўй бериши мумкин булиб, бу одатда, қаттықлик, ишқаланиш коэффициенти ва бошқа ён кўрсаткичларнинг ўзгаришига олиб келади.

2-жадвал

Эскириш жараёнларининг таснифи (қайтмас жараёнлар)

Объект	Жараённинг ташқи намоёнлари (заарланиш тури)	Жараён турлари
Детал жисми (ҳажмли ҳодисалар)	Парчаланиш	Нозик парчаланиш, ёпишқоқ парчаланиш
	Деформацияланиш	Пластик деформация, окувчанлик, хасталаниш
	Материал хусусиятларининг ўзгариши	Материал тузилиши ўзгариши, механик хусусиятлар (пластиклик), кимёвий таркиб, суюқликларнинг ифлосланиши
Юза (юза ҳодисалари)	Ейилиш	Коррозия, эрозия, кавитация, ёриқ ҳосил булиш, қурумланиш
	Қўшилиш	Епишиш (адгезия, когезия, адсорбция, диффузия), қурумланиш, облитерация

		Юза қатлам хусусиятларининг ўзгариши	Ўзгариш: силлиқлик, қаттиқлик, акс эттирувчанлик, таранглик холати
Жуфтнинг		Эскириш	Эскириш, юза қатлами эскириши, фижимланиш
		Контакт шартлари ўзгариш	Ўзгариш: контакт юзаси, микробўртишлар чукурлиги, мойланиш

2.7.2. Детал материали заарланиши жараёнлари (ҳажмли ҳодисалар)

Детал материалининг парчаланиши одатда заарланишнинг йўл кўйилмайдиган турларига киради. Бу парчаланиш натижасида детал бузилиши катта тезлик билан кечиши билан боғлиқ.

Детал материали парчаланиши йўл кўйилмайдиган статик ёки динамик юкламалар ҳамда узоқ вақт ўзгарувчан юкламалар таъсирида юз бериши мумкин.

Биринчи ҳолда тұсатдан ишламай қолиш ўринга эга, чунки ташқи юкламаларнинг йўл кўйилувчи кийматлардан ошиши маҳсулотнинг олдинги эксплуатацияси давомийлиги билан боғлиқ эмас. Эскириб бузилишлар аста-секин ишламай қолишиларга киради, чунки детал ишлашида материал хусусиятлари ўзгаради ва эксплуатация вақти ишламай қолиш эҳтимолига таъсир кўрсатади.

В.С. Иванова томонидан эскиришнинг умумлаштирилган диаграммаси таклиф этилган. Бу жараён уч кетма-кет босқич каби қаралади.

1. Циклик кучланишлар таъсирининг бошлангич босқичи – металда кристалл панжара таранглашган бузилишлар тўпланиши рўй беради.

2. Юкламалар циклларининг маълум микдоридан кейин кристалл панжара таранглашган кучланишлари чегара катталигига эришади ва субмикроскопик ёриклар пайдо бўлади.

3. Кейин субмикроскопик ёриклар микроёриқларгача ривожланиб тажриба намунасининг якуний парчаланиши рўй беради.


Эскиришнинг умумлаштирилган диаграммаси 19-расмда келтирилган, унда *ABC* – чидамлилик згриси (Велер згриси). Чидамлилик давомийлик чегарасидан паст кучланишларда $\sigma_{\text{н}}$

микроёриклар ривожланмайди. $A'B'C'$ - субмикроскопик ёриклар пайдо бўла бошлаш чизиги ва $A'C$ - микроёриклар пайдо бўла бошлаш чизиги (Френч чизиги). Эскиришнинг катта кучланишида $\sigma_k > \sigma_w$ парчаланиш N_k циклдаги кейин рўй беради.


20-расмда машина деталлари бузилишининг типик мисоллари келтирилган. Прокат стани валларининг нозик парчаланиши (20, а-расм) йўл қўйилмайдиган юкламалар пайдо бўлиши натижасида рўй берган, у ўз навбатида таянчларнинг жуда эскириши туфайли пайдо бўлган.

Вал (20, б-расм) ва шестеряни тишининг (20, в-расм) бузилиши конструкциялаш ва тайёрлашдаги хатоликлар билан боғлиқ кучланишларнинг юқори концентрацияси ёки маҳсулот эксплуатациясида тциклик динамик юкламалар пайдо бўлиши натижасида рўй берган. Тишлар синиши характеристига юкламанинг бўйлама тақсимланиши, илашиш тури, кучланишлар концентрацияси манбаи ва бошқа омиллар таъсир этади.

Металнинг чарчашибдан парчаланиши детал бузилишига олиб келиши шарт эмас. Ёриклар пайдо бўлиши мумкин булиб, улар маълум ўлчамларгача маҳсулот ишлаш қобилиятини пасайтиради, уларнинг тез ўсиш имконияти хавф тугдиради.



19-расм. Эскиришнинг умумлаштирилган диаграммаси
(В.С. Иванова бўйича)



20-расм. Машина деталларининг бузилиш мисоллари

Фюзелаж ва самолёт қанотларининг обшивкаси каби масъулиятли конструкцияларда ҳам (20, г-расм) ёриклар пайдо бўлиб, уларнинг тарқалиши регламент ишларида локаллаштирилади ёки янгиси билан алмаштириш орқали шикастланган жой бартараф этилади.

Замонавий ҳисоблаш методлари қатор ҳолларда ёриклар ривожланиши тезлигини баҳолашга имкон бериб, қайси вақт даври ичida улар йул қўйилувчи чегараларда қолишини кўрсатиши мумкинлигини қайд этиш керак.

Маҳаллий парчаланишлар гидротизим қувурлари каби деталларда (20, д-расм) намоён бўлиши мумкин, улар босимнинг йул қўйилувчи қийматларидан ошиб қэтиши ёки детал материали мустаҳкамлигининг пасайиши туфайли, масалан юқори ҳароратлар таъсири остида маҳаллий шишиш, кейин эса ушбу участканинг парчаланиши юз беради.

Қатор замонавий машиналарда деталларнинг парчаланиши улар ишлайдиган юқори ҳарорат ва кучланишлар туфайли рўй бериши мумкин.

Материал эскириш жараёнининг характерли намоён бўлиши деталнинг деформацияланишидир. Вактда деформациянинг ўсиши маҳсулотнинг бошланғич кўрсаткичларининг аста-секин ўзгаришига олиб келади.

Деталнинг вактда деформациясининг ўзгариши алоҳида участкаларда пластик деформациялар пайдо бўлиши билан боғлик бўлади. Ташқи кучланишлари олинганда таранглик деформациялари йўқолади, пластик деформацияланишга учраган соҳалар бўлса, ички кучларнинг қайта гурухланиш жараёни мураккаброқ кечади, бунинг натижасида қолдиқ деформациялар пайдо бўлади.

Масалан, валнинг узок вақт қиска муддатли юкламалар билан ишлашида вал аста-секин деформацияланади, буралади, ўки эса тўғри чизиклигини йўқотади. Ишлаш қобилиятини тиклаш учун рихтовкадан фойдаланилади, бу маҳсулотни қизитиш билан бориши мумкин. Маҳсулот деформацияси йўл қўйилувчи даража чегараси вазифасига боғлик.

Вақтда ўзгарувчи деталларнинг пластик деформацияланиши *сурдариши* деб аталади. Сурдариш маҳсулот тўғри ишлашининг бузилишига олиб келиши мумкин. Деталларнинг деформацияланиши ички кучланишларнинг қайта тақсимланиши хисобига таранглик доирасидаги кучланишларда ҳам рўй бериши мумкин. Бу кучланишлар детал қўйиш жараёни ёки тузилма ўзгаришларида пайдо бўлиши мумкин.

Материалларда уларнинг тайёрланишидан кейин рўй берувчи ҳамда улар тузилиши ёки фазалар таркибини ўзgartиравчи ички жараёнлар нафақат маҳсулотлар деформациясига таъсир этади, балки механик, магнит ва бошқа хусусиятларнинг ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин.

Масалан, газ ўтказувчаникнинг пайдо бўлиши ёки суюкликнинг резервуар деворидан сизиб ўтиши материалнинг тузилиш ўзгаришлари билан боғлиқ бўлиб, одатда маҳсулотнинг йўл қўйилмас зарарланишларига олиб келади.

Суюкликлар ва газларнинг тиқилиб қолиши ёки хусусиятларининг ўзгариши жараёнлари ҳам, улар машинанинг ишчи элементлари бўлса, шу тоифага тегишли. Масалан, гидротизимлар мойи ёки двигателлар ёқилғисининг тиқилиб қолиши, амортизаторлар гази хусусиятларининг ўзгариши ва ҳоказо.

Ейилиш жараёнлари. Детал юзасининг ташқи мухит билан ўзаро таъсирида юза қатламда эскиришнинг турли жараёнлари кечиши мумкин бўлиб, улар учун бошлангич материал йўқотилиши ёки атроф-мухитдан янги материалнинг қўшилиши хос.



21-расм. Юза ейилиши мисоллари

а – дизеллар цилиндрининг зичловчи резина манжет остида пайдо булувчи туйнукли коррозияси; *б* – интенсив эрозия эскириши ёқилғи филтрлаш центрифуга корпуси участкаси; *в* – плунжерли кероси насоси золотниги кавитацияси; *г* – автомобиль глушители қурумланиши

Биринчи ҳолда қуидаги жараёнлар натижасида юзанинг ейилиши рўй беради (21-расм). Металар ва аралашмаларнинг коррозияси мухитнинг кимёвий ёки электрокимёвий таъсири натижасида парчаланишидан иборат. Парчаланиш доимо детал юзасидан бошланади. Атмосфера, электрокимёвий ва газ (кимёвий) коррозиялар фарқланади.

Машиналарнинг ташқи қисмлари атмосфера ёғинлари ва нам ҳаво таъсири остида атмосфера коррозиясига учрайди. Атмосфера коррозияси электрокимёвий коррозиянинг намоён бўлишидан бири булиб, бунда нам газлар ва суюқ электролитлар оксидланиш ва тикланиш реакциялари (анод ва катод реакциялар) кечиши учун шароит яратади. Электрокимёвий коррозия жараёнларининг кечиши материалнинг бир турда эмаслиги булиб, бунда юзанинг алоҳида участкалари электрод потенциалининг турли кийматларига эга бўлади.

Электрокимёвий коррозия айниқса денгиз кемаларининг сув ости қисмлари, кимёвий саноат курилмаларига хос. Газли (кимёвий) коррозия металар ва аралашмаларнинг куруқ газлар ёки ноелектролит иссиқлик олиб борувчилар билан контактида юзага келади. Бу жараёнларнинг типик мисоллари газ турбиналари, қозонхона ўчоклари, ички ёниш двигателлар клапанлари деталларининг юкори ҳароратли оксидланишидир.

Коррозия ўзгарувчан кучланиш таъсири билан биргаликда материалнинг коррозион эскиришига олиб келиши мумкин. Кемаларнинг эшкак винтлари, метал канатлар, рессорлар, гидронасос элементлари каби машина элементлари коррозия эскиришига учрайди.

Коррозион парчаланишнинг хавфли турларидан бири коррозия мухити ва статик ёки такрорий статик юкламалар остида юзанинг ёрилишидир. Метал юзаларнинг фаол ишчи мухитларда парчаланишларига мойиллиги учта асосий омишлар билан белгиланади:

метал хусусиятлари, унда нұксонлар ва кўп турлилик мавжудлиги;

ёриклар ҳосил бўлиш жараённинг пайдо бўлиши учун энергетик шартларни белгиловчи маҳсулот материалининг таранглик ҳолати;

коррозия жараёнларининг фаоллигини белгиловчи мұхит таъсири, ҳамда иссиқлик, эрозия, кавитация ва бошқа жараёнлар бориши.

Бу омилларнинг ҳар бирининг таъсири юза парчаланиши этакчи жараёни характеристики белгилайди – механик (мухит таъсири аҳамиятсиз), ялпи коррозия (юкланишлар роли катта эмас), коррозион ёрилишлар (фаол мұхит ва ички кучланишларнинг бир вақтда таъсир этиши).

Коррозия ва ундан ҳимояланиши масалаларига күп адабиёттар бағишиланған.

Муайян шароитларда газ ёки суюқлик оқимининг детал юзасига таъсир этиши (оқимнинг катта тезлиги, унда абразив зарраларнинг булиши ва ҳоказо) юза қатламнинг “ювилиб кетиши”, эрозияга олиб келиши мүмкін. Юзада доғлар, кратерлар, хасталанишлар ва ҳоказо пайдо бўлади. Газ ёки суюқлик оқими катта кинетик энергияга эга бўлиб, юза қатламда юқори кучланишлар юзага келтирса эрозияда зарарланиш интенсивлиги юқори булиши мүмкін.

Ерозиядан зааррланиш дастлаб кичик интенсивликда кечади. Кейинчалик юза қатлам нозиклашуви ошиши билан унга оқим таъсири туфайли микроёриклар пайдо бўлади ва парчаланиш жараёни катта тезлик билан кечади.

Юзаларнинг эрозиядан парчаланиш жараёнлари лойқа эритмалар ёки нефт ҳайдовчи насос деталлари, күмир комбайнлари механизмлари, гидравлик ва ёқилғи агрегатлари тақсимлагичлари ва бошқалар хос. Кўпинча эрозия ва коррозия жараёнлар бир вақтда кечади.

Гидравлик машиналар деталлари учун кавитация хос бўлиб, суюқлик оқимида буг ва газ пуфакчалари ҳосил бўлиб, юқори босимли соҳага ўтишда буг конденсацияси рўй бериб, маҳаллий гидравлик зарба учун шароитлар яратилади.

Маълум шароитларда кавитация жараёнлари жуда интенсив кечиши мүмкін, айниқса улар коррозия ҳодисалари билан кечса, масалан, механизмларнинг денгиз сувида ишлашида. Кавитация гидронасослар, эшкак винтлари, гидротурбиналар, қувурлар ва қатор маҳсус тизимларда кузатилади.

Материал юзасининг йўқотилишига олиб келувчи жараёнларга куйиш ҳам киради, у юқори ҳароратлар шароитида ишловчи, ҳамда иссиқ газ оқимига тегилувчи деталларга хосдир.

Бу жараён эрозия-коррозия жараёнларидан бири булиб, унда асосий таъсирни оқимдаги зарралар эмас, уларнинг иссиқлик таъсири кўрсатади. Заарланишнинг бу тури авиация двигателлари ёниш камералари, ички ёниш двигателлари чиқиш қувурлари ва ҳоказо деталларга ҳосдир.


Ўсиш ҳосил бўлиш жараёнлари Атроф-муҳит билан ўзаро таъсирга киритиб машиналар деталларининг кўпчилик юзалари шундай ўзгаришларга учрайдики, бунинг натижасида материал қўшмаси рўй беради ва юз ўз шакли ҳамда хусусиятларини ўзгартиради.

Юзага бегона зарраларнинг ёпишиши адгезия, когезия, адсорбция, диффузия жараёнлари натижасида, молекуляр ўзаро таъсирлар, турли кимёвий алоқалар намоён булиши, электр кучлар таъсири натижасида рўй беради. Металарни ишлов бериш жараёнда асбобларнинг кесувчи юзаларида қўшма ҳосил бўлиши интенсив адгезия жараёнининг яққол мисолидир. Кесиш зонасидаги юқори ҳароратлар ва босимлар таъсири натижасида асбоб ва палахта материаллари ўртасидаги молекуляр ўзаро таъсир енгиллашади ва асбоб юзасида ўзига хос қўшилма ҳосил бўлади (24, к-расм), у асбобнинг кесиш хусусиятини ўзгартиради ва унинг чидамлилигига ҳал этувчи таъсир кўрсатади. Қўшилма кўп ҳолларда філтрлар (22, а-расм), редукторлар корпуси ички деворлари, очик юзаларнинг ифлосланиши кўринишида намоён бўлади (22, б-расм).

Қўшма ҳосил бўлиш бошқа жараёнлар билан бир вактда рўй бериши мумкин. Масалан, денгиз кемалари корпуслари обшивка коррозияси билан бир вактда турли сув ўтлари ва микроорганизмлар интенсив қўшилмасига учрайди, бу кема курсаткичларини ўзгартиради.

Алоҳида ҳолларда ёпишиши, деталларнинг ушбу иш шароитлари учун ўзига хос характерга эга бўлади (22, в-расм).

Кичик ўтиш кециклари бўлган гидравлик тизимлар учун кўпинча каналлар ёпилиши жараёни – *облитерация* рўй беради. Бу жараён суюқликда қаттиқ зарралар ва аралашмаларнинг урилиши ва уларнинг гидроканаллар деворларига ёпишиб қолиши билан боғлик. Облитерация жараёни мой ёпишқоқлиги, каналлар деворларида ушланиб қолувчи, поляр молекулалар мавжудлиги мойда аралашмалар концентрацияси ва ўлчами гидроканал юза майдони фаоллиги ва бошқа омилларга боғлик (22, г-расм).



22-расм. Детал юзасига бегона материал қүшилиши мисоллари:
 а – филтрлар – тоза ва ифлосланган; б – фара юзасининг ифлосланиши;
 в – автомобиль свечасида қурум; г – облитератсия – каналларга ёпилиши

Канал деворларига қаттиқ ёпишиш қатламлар учун бир неча микрон калинликда бўлиши туфайли облитерация ҳодисаси гидроканалларнинг кичик кециклари учун айниқса хавфлидир.

Натижада канал орқали суюқлик сарфи ўзгарида, тизимда босим ўзгариб, тизимнинг кўрсаткичлари бузилиши ёки ҳатто ишламай қолишига олиб келиши мумкин.

Детал юзасининг атроф-мухит билан ўзаро таъсирида шундай жараёнлар рўй берадики, улар на ёпишиб қолиш, на материалнинг йўқотилишини чақиради, фақат юзанинг геометрик ва физикавий хусусиятларини – унинг қаттиқлиги, акс эттирувчанлиги, таранглик хусусиятлари ва ҳоказолар ўзгартиради холос.

2.7.4. Юзалар контактида кечувчи эскириш жараёнлари.

Машиналар учун эскириш жараёнларининг икки юза контактида, кечиши характерли. Бу ҳолда, одатда, **юзалар ейилиши** рўй беради.

Йўналтирувчи элементлар (подшипниклар ҳамда сирпаниш ва тебраниш йўналтирувчилари), фрикцион муфталар ва тормозлар ишқаланиш юзалари, винтли,чувалчангсимон ва бошқа узатишлар, цилиндрлар ва поршен ҳалқалари, кулачок ва кулис механизмлари, шарнирлар, ўқлар ва машиналарнинг бошқа деталлари ейилади.

Ейилиш – деталнинг ишқаланишда унинг юза бўйлаб улчамларининг аста-секин ўзгариш жараёни натижасидир. Юзанинг

парчаланиш жараёни тұғрисида фикр юритилганды “еилиш” атамаси құлланады.

Еилиш механизми ва физикавий мөжиятии очиб беришга күп ишлар бағишиланган.

Еилишнинг асосий турлари юзалар контактининг харakterи ва уларнинг нисбий ҳаракатынан болып, 3-жадвалда иккى юзанинг үзаро таъсири натижасида пайдо бүлувчи заарланишларнинг харakterли турлари көлтирилган.

3-жадвал

Юзалар үзаро таъсиридаги заарланиш турлари

Боюлған иң тағызданы	Юза			Чизик ёки нұкта				
	Нисбий харакат	Йук	Остсиля- ция	Сирпа- ниш	Йук	Сирпа- ниш	Тебра- ниш	Тебра- ниш ва сирпа- ниш
Мисол								
Парчала- ниш түри	Фи- жим- ланиш	Фретинг- коррозия	Ейи- лиш	Фижим- ланиш	Ейи- лиш	Эски- риш (фи- жим- ланиш)	Ейи- лиш ва эски- риш	

Юзаларнинг нисбий ҳаракати бүлмаса, бу одатда уларнинг фижимланишига (пластик деформациясы) олиб келади. Юзаларнинг фижимланиши шпонкалы, тишинсон (шлиц) бирикмалар, таянч ва штифлар, занжирили узатиш үклари, резбали бирикмалар ва машиналарнинг бошқа деталларига хос.

Юзаларнинг нисбий сирпаниш уларнинг ейилишига олиб келади. Бунда пластик деформациялар таъсири жуфтлик элементлар

қаттиқлигини ошириш орқали камайтирилиши ёки деярли бартараф этилиши мумкин.

Деталларнинг кичик нисбий ҳаракатида ейилишининг маҳсус тури фреттинг-коррозия юзага келади.

Икки жисмнинг сирпанишсиз тебраниши (обкатка) юза қатламларнинг эскириши (чарчашига) олиб келади, у контакт юзасидан майда метал зарраларнинг ажралиб тушиши қуринишида намоён бўлади. Бу, масалан, тебраниш подшипниклари, кулачокли механизмлар роликларига тегишли. Материаллар қаттиқлиги етарли бўлмагандан ва катта ялпи босимларда ҳам гижимланиш кузатилади.

Нисбий сирпанишли тебранишда ейилиш ва чарчаш, қатор ҳолларда эса юзаларнинг гижимланиши ҳам кузатилади. Чарчаш зонаси нисбий сирпаниш минимал ёки нолга тенг бўлган жойда жойлашади. Интенсив ейилиш зонаси катта нисбий сирпаниш жойларида жойлашади.

Шундай қилиб, юзалар ўзаро таъсирининг ҳар бир турига заарланишнинг ўзига хос тури мос келади.

Ейилишда коррозия, адгезия ва икки юза ўзаро таъсири натижасида ўзига хос жихатларга эга бўлган физикавий-кимёвий жараёнлар ҳам рўй беради.

Ейилишнинг машина пухталигига таъсир шунчалик каттаки, унга китобнинг маҳсус бўлиши бағишланган.

Юзалар контактида ейилиш маълум вақт давомида намоён бўлмаса, контакт шартларининг ўзгариши рўй бериши мумкин: контактга киришувчи юзалар майдонининг ўзгариши, микробўртишларнинг ўзаро киришиш чукурлиги, мойли пленка ёрилиши ва бошқалар. Бу ўз навбатида ишқаланиш коэффициенти, контакт қаттиқлиги ва бошқалар.

Кўриб чиқилган эскириш жараёнларининг таснифи ушбу жараён интенсивлигини белгиловчи уларнинг физикавий-кимёвий ҳодисалари хилма-хиллиги ва мураккаблигини кўрсатади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Эскиришнинг умумлаштирилган қуриниши кетма-кет неча босқичда аникланади?
2. Коррозион эскириш нима?
3. Қандай ейилиш жараёнлари бор?

4. Детал юзаларининг ўзаро таъсири натижасида қандай заарланиш рўй беради?
5. Облетеरация жараёни қандай рўй беради?

Таянч иборалар.

Эскириш, коррозия, эррозия, облетеरация, детал, деформация, ешиши, коррозион эскириш, юза ейилиши, микрогеометрия, эпюра, қолдик кучланиш, пластик деформация, фрезалаш, гальваник қоплама.

2.8. ДЕТАЛ МАТЕРИАЛИ ЗААРЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

2.8.1. Заарланиш даражаси микдорини баҳолаш зарурати тұғрисида. Юқорида күрсатилганидек, эскириш бирон-бир жараёниның ташқи намёён булиши бутун деталнинг ёки унинг юзасининг заарланишидир. Детал пухталик захирасини баҳолаш учун унинг заарланиш даражасини микдоран аниклаш зарур.

Ү ёки бу заарланиш борлигини аниклаш ушбу эскириш жараёни боришини кузатиш ва ишламай қолиши вақти тұғрисида башорат қилишга имкон бермайды.

Маҳсулот чиқиши күрсаткичининг ўзгариши ушбу эскириш жараёни олиб келган маҳсулот материалы заарланиш даражасига боғлиқлигини эслатиб ўтамиз.

Детал материали заарланиш катталигини микдоран баҳолаш анча мураккаб мисолидир:

- заарланишнинг катта хилма-хиллиги кузатилади;
- заарланиш материал ҳажми ёки унинг юза қатламларига тегишли булиши мумкин;
- заарланиш материалнинг бутун ҳажми ёки деталнинг бутун юзасига ейилиши, шунингдек локал характерда булиши мумкин;
- заарланиш даражасини баҳоловчи катталик маҳсулот чиқиши күрсаткичларининг ўзгариши билан боғлиқ булиши керак.

Заарланиш даражасини баҳолашнинг иккита асосий методи мавжуд.


Биринчи методда маҳсулот заарланиш катталигини бевосита ўлчаш учун миқдорий мезонлар танланади, масалан, детал деформацияси катталиги, унинг чизикли ёки вазний ейилиши ва ҳоказо. Бирок кўп ҳолларда заарланиш даражасини бевосита баҳолаш қийин бўлади.

Бу ҳолда *иккинчи метод* қўлланиб, унда заарланиш тўғрисида чиқиш кўрсаткичининг ўзгариши бўйича фикр юритилади.

Бундай баҳолаш методи кенг қўлланса ҳам умумий ҳолда истакка мувофиқ эмас, чунки заарланиш даражаси ва маҳсулотнинг ушбу чиқиш кўрсаткичи ўртасида эскириш жараёни бориши тўғрисида маълумотни ўзгартирувчи ўзининг функционал ёки статик боғликлик мавжуд. Бундан ташқари заарланиш вақтда турлича ўзгарувчи қатор чиқиш кўрсаткичларга таъсир кўрсатиши ва, аксинча, ушбу кўрсаткич маҳсулот элементларининг тури заарланишлари туфайли ўзгариши мумкин. Заарланиш катталигини бевосита миқдоран баҳолаш ва кейин уни чиқиш кўрсаткичлари билан боғлаш истакка мувофиқроқ. Детал заарланиш даражаси U баҳолангандан бўлса, эскиришда материалда рўй берувчи ўзгаришлар заарланиш жараёни тезлигини белгилайди: $\gamma = \frac{dU}{dt}$.

Энг катта қийинчиликлар одатда юзалар заарланиш даражасини баҳолашда пайдо бўлади.

2.8.2. Юзалар тўлиқ заарланиши тавсифлари Тўлиқ заарланиш бутун юзани ёки унинг бир участкасига тегишли бўлади. Лекин умумий ҳолда сабаблар хилма-хиллиги туфайли у юзани чуқурлиги бўйича нотекис заарлантарида (23-расм). Бу юза ейилиши бўлса, тури участкалардан материалнинг турлича миқдори олиб ташланади, ялпи коррозияда ҳам асосий материал парчаланиши чуқурлиги бўйича турлича бўлиши мумкин, қўшилмаларда эса бошланғич юза бўйлаб материалнинг нотекис ёпишиб қолиши хос.



23-расм. Юзанинг тўлиқ заарланиш схемаси

Шу сабабли юза заарланиш даражасини баҳолаш икки методлар гуруҳи орқали амалга оширилиши мумкин – кўрсаткич заарланишнинг

таъсир йигиндисини баҳоловчи интеграл ва ушбу юзанинг ҳар бир нуктаси ёки соҳасидаги заарланиш даражасини баҳоловчи дифференциал.

Заарланиш даражасини Y баҳолаш учун геометрик, вазн ва физикавий кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Заарланиш натижасида юза массаси ёки ҳажмининг йўқотилишини баҳоловчи кўрсаткичлар интеграл методларга киритилиши мумкин, масалан: деталнинг масса бўйича ейилиши U_a (м^2) – ейилиш оқибатида бутун юзадан масса йўқотилиши, коррозиянинг ҳажм кўрсаткичи U_v (мм^3) – заарланган ёки олиб ташланган материал ҳажми ва ҳоказо.

Кўрсаткичларнинг бу гурухига юзанинг чизиқли ейилишининг ўртача қийматлари $U_{\text{едо}}$ ёки коррозиянинг ўртача чукурлик кўрсаткичини ҳам киритиш керак. Худди шундай кўрсаткичлар қўшилиш ҳодисасида ҳам қўлланиши мумкин бўлиб, бунда улар олиб ташланган эмас, қўшилган материал микдорини баҳолайди.

Бироқ детал юзаси заарланганлик катталигини баҳолашнинг интеграл методлари маҳсулотнинг ишлаш қобилиятини йўқотилиши бўйича фикр юритиш учун кўпинча етарли эмас, чунки одатда заарланганлик нотекислиги даражаси асосий рол ўйнайди. Масалан, ушбу резервуарнинг оқиб чиқишга бермаслик қобилиятини баҳолаш учун коррозиянинг ўртача катталиги эмас, юзанинг ҳар қайси нуктасидаги унинг максимал чукурлиги муҳимdir. Метал кесиш станоги аниқлигининг йўқотилишини баҳолаш учун унинг йўналтирувчиларининг ўртача ейилишини эмас, уларнинг ейилган юза шаклини билиш муҳим ва ҳоказо.

Шу сабабли юза заарланганлиги даражасини баҳолашнинг дифференциал методлари сермаҳсулроқдир. Уларга ишқаланиш юзасига перпедикуляр йўналишда деталнинг ейилишида унинг ўлчами ўзгариши – чизиқли ейилиш Y (мкм) киради. Худди шу тарзда юза ҳар бир нуктасида метал қалинлигининг камайишини баҳоловчи коррозиянинг чукурлик кўрсаткичи қўлланади. Бу кўрсаткичлар юзанинг ушбу нукта координатаси функциясидир ($x = l$ - узунликнинг, $y = a$ - кенгликнинг) яъни $U = f(a, l)$ (23-расм). Бу боғланишнинг таҳлили заарланиш даражасининг ушбу шартлар учун зарур микдорий кўрсаткичларини аниқлашга имкон беради. Масалан, максимал ейилиш, ейилиш нотекислиги ва бошқалар.

Юза заарланганлиги аҳамиятсиз даражада бўлса, заарланганлик катталиги тўғрисида юза микрогометриясининг ўзгариши бўйича фикр юритиш мумкин.

Қатор ҳолларда юза заарланганлиги нафакат унинг геометрияси, балки физикавий хусусиятлари – қаттиқлиги, ички кучланишлар, тузилиш ўзгаришлари ва бошқа ўзгариши билан боғлиқ. Юза қатламнинг мувофиқ физикавий-кимёвий кўрсаткичлари ўзгариши ҳам унинг заарланганлик даражасининг кўрсаткичи булиб хизмат қилиши мумкин.

Бу кўрсаткичлар маҳсулот чиқиши кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ бўлса янада натижадор бўлади.

2.8.3. Юзалар локал заарланиш турлари.

Юзанинг факат алоҳида жойларини қамраб олувчи локал заарланишларни миқдорий баҳолаш қийинроқ.

24-расмда юзаларнинг локал заарланишининг кенг тарқалган жараёнлар – эскириш, ейилиш, ўйилиш ва қўшилиш учун тасниф ва юзаларнинг локал заарланишининг мисоллари берилган. Улар уч тоифага ажратилган – эксплуатациянинг нормал шароитлари учун характерли заарланишлар, оғир шароитлар ва тартибларда эксплуатация қилиниш ёки маҳсулотнинг маълум вақт ишлаганидан кейин пайдо бўлувчи интенсив заарланишлар ва, ниҳоят, юзанинг чекланган қисмига зарар етказувчи ва кўпинча тусатдан ишламай қолишларда юзага келувчи якка заарланишлар.

Тиҳсимон узатиш тишлар иш юзасининг контакт эскиришида Гертс назариясига кўра максимал кучланишлар зонаси контакт юзасидан паст бўлишига қарамай тегишли кучланишлари таъсири остида ёриклар юзадан ривожлана бошлайди.

Иш юзасининг бўялиши (питтинг) майда оспинкалар пайдо бўлувчи кутб чизиги олдида тиш оёқчасида бошланади (24, а-расм).

Юза парчаланиши мустаҳкамланган юза қатлам остида ёриклар пайдо бўлиши натижасида рўй берса, кўпинча қатлам ажralиш деб ататувчи интенсив бўялиш ёриклиари пайдо бўлади (24, б-расм).

Тиш юзасининг алоҳида жойларида юкламалар концентрациясида юзанинг контакт парчаланиши алоҳида зоналари бўлиши мумкин (24, в-расм).



24-расм. Юзаларнинг локал заарланиш турлари таснифи

Юзаларнинг турли үйилиш жараёнларида ҳам кўпинча локал заарланишлар пайдо бўлади. Масалан, коррозияда (24, г-расм) унинг коррозион ёрилиб кэтиш, кристаллитаро, ёрикли, контакт ва питтинг коррозиялар кузатилади.

Эрозиядан юзанинг интенсив локал парчаланиши мисоли 24, д-расмда кўрсатилган бўлиб, унда газнинг ёриб ўтишлари ва интенсив маҳаллий иситилиш туфайли чўян поршен занжирда материалнинг алоҳида зарралари юмшаб, газ оқими билан олиб кетилган.

Насослар ва гидротизимнинг бошка элементларидаги кавитация ҳодисалари кавериаллар ҳосил булишига олиб келади (24, э-расм).

Юзаларнинг ейилишида ейилишнинг бутун ишқаланиш юзасига ейилиши билан бир қаторда унинг локал турлари кузатилиб, улар одатда йўл қўйилмайдиган заарланиш турларига киради. Масалан, тормоз барабанларида (24, ж-расм) ишқаланиш юзасини ифлосланишдан етарлича ҳимоя қилмаслик натижаси сифатида рискалар кузатилади. Гидротизимлар золотникли ва плунжерли жуфтликларида қотиш

натижасида үзаротаъсир молекуляр кучлар пайдо бўлади, юзаларнинг локал парчаланиши тарзида зadirлар пайдо бўлади (24, а-расм).

Материал ёпишиб қолиши билан бөглиқ локал заарланишлар маҳсулот интенсив таранглашуви жойларида (24, к-расм) ёки метал олиб ўтилиш ҳодисаларида (24, л-расм) намоён булиши мумкин. Қатор ҳолларда деталнинг ишлаётган юзасига бегона зарралар ёпишуви кузатилади (24, м-расм).

2.8.4. Локал заарланишларни баҳолаш методлари


Локал заарланишлар ўлчамлари ҳамда конфигурациясининг тури-туманлиги, уларнинг юзада жойлашуви топографияси маҳсулот чиши курсаткичлари ўзгариши тўғрисида фикр юритиш мумкин бўлган заарланиш даражаси микдорий тавсифларининг танлашини қийинлаштиради. Қўлланувчи интеграл методлар эксплуатация жараёнида маҳсулот юзаси учрайдиган ўзгаришлар тўғрисида кам маълумот беради.

Уларга заарланган майдон фоизи, юза бирлигига нуқсонларнинг ўртача сони, энг кўп заарланиш ўлчамлари ва бошқалар киради.

Бу курсаткичлар қайсиdir даражада заарланишни алоҳида локал нуқсонлар курсаткичини ва уларнинг ишчи юзада тақсимланишини дифференциал тавсифлайди.

Локал заарланганлик тўғрисида тўларок маълумотни заарланиш хилма-хиллиги ва сонини, шунингдек уларнинг ишқаланиш юзасида тақсимланишини баҳоловчи дифференциал тавсифлар беради.

Мисол тариқасида 25, а-расм да *C* заарланиш майдонларининг тақсимланиши икки қонуни келтирилган.



25-расм. Локал заарланишлар ўлчамларининг тақсимланиши қонунидан фойдаланиб заарланиш даражасини баҳолаш

2-қонун 1 ҳолга нисбатан кичик ўлчамдаги заарланишлар каттароқ сони ҳолига тұғри келади.

Маылум бир чекка ўлчам S_{d0} дан кичик нүқсонлар йүл қўйиладиган бўлса, фақат $S > S_{d0}$ ўлчамли нүқсонларгина ҳисобга олинниши керак. Нүқсонларнинг бир хил умумий майдонида уларнинг ҳисобга олинувчи қисми 1 ва 2 ҳамда $S_{\Sigma 1} > S_{\Sigma 2}$ қонулар учун турлича бўлади.

Шартга кўра S_{Σ} барча нүқсонларнинг умумий юзаси эмас айнан шу майдонлар чиқиши кўрсаткичига таъсир этса, унда чекка ҳолатгача S_{max} хизмат муддати T кўриб чиқилувчи вариантлар учун анча фарқ қиласи: $T_2 \geq T_1$. S_{Σ} ёки $S_{\Sigma 1}$ тавсифлар бўйича хизмат муддати T тўғрисида фикр юритишида 2-маҳсулот ўз ишлаш қобилиятини ҳақиқатан йўқотишига қадар анча илгари бракка чиқарилади (ишлатилиши тұхтатилади).

Ушбу мисол турли локал нүқсонларни маҳсулот чиқиши кўрсаткичларига қўйилувчи талабларни ҳисобга олган ҳолда дифференциал баҳолаш заруратини кўрсатади.

2.8.5. Маҳсулот чиқиши кўрсаткичлари бўйича заарланиш даражасини баҳолаш.

Юқорида айтилганидек, маҳсулот иш қобилиятининг йўқотилиши тўғрисида, айниқса локал заарланишда, заарланиш даражасини миқдорий баҳолаш босқичисиз унинг чиқиши кўрсаткичлари тўғрисида фикр юритиш мумкин. Буни схема билан кўрсатиш мумкин:



Ишқаланиш тугунлари заарланиши даражаси тўғрисида ҳарорат ва ишқаланиш коэффициентининг ошишига қараб фикр юритиш мумкин.

Иш юкламалари тушадиган деталлар учун уларнинг ишлаш қобилиятини аниқловчи чиқиши кўрсаткичи уларнинг қаттиқлиги ва мустаҳкамлиги бўлиб, унинг ўзгариши парчаланиш жараёнининг бориши тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Резервуарлар, қувурлар ва бошқа гидро ва пневмо аппаратуралар эскириш жараёнлари тўғрисида асосий чиқиши кўрсаткичи – герметиклиги тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Маҳсулот чиқиши кўрсаткичлари бўйича заарланиш даражасини баҳолаш бу кўрсаткичларга конструкциянинг турли элементларида кечувчи бир неча жараёнлар таъсири этувчи мураккаб механизмлар учун кўп қўлланади.

Масалан, насоснинг қатор элементлари (плунжерлар, клапанлар ва бошқалар) ейилиши натижасида ишламай қолишини баҳолашда унумдорлик, босим, суюқликнинг узатиш бир текислиги ва бошқа тавсифлар ўлчанади.

Кўпинча шундай ва шунга ўхшаш синовларда маҳсулот ишламай қолиши сабаблари тўлиқ очилганлиги тўғрисида иллюзия пайдо бўлади.

Ҳақиқатда эса чиқиши кўрсаткичлари ўзгаришининг асосий сабаблари аниқланмай қолади, чунки улар ҳодисалар туплами

натижасидир. Бундай баҳолаш у ёки бу маҳсулот иш қобилиятини оширишнинг асосий йўлларини эмас, унинг ишончлилик даражасини кўрсатишга имкон беради. Шунинг учун чиқиш кўрсаткичи бўйича маҳсулот заарланиш даражасини баҳолаш, одатда, мажбурий бўлади, чунки маҳсулот элементларининг заарланиш даражасини бевосита миқдорий баҳолашда қийинчиликлар пайдо бўлади.

4-жадвал

Маҳсулот материали заарланиш даражаси кўрсаткичлари

		Заарланиш даражасининг баҳолаш методи		
Заараланиш		Интеграл	Дифференциал	Маҳсулот чиқиш кўрсаткичи бўйича
Чукур		Кесишманинг ёриқлар билан заифлашуви. Деталнинг суммар деформацияси. Хавфли кесилишда дислокациялар сони	Ёриқлар ўлчами ва уларнинг тақсимланиши. Деформациялар эпюраси. Детал ҳажми бўйича дислокациялар тақсимланиши	Детал ишланинг йўқотилиши
Юзаки	Тўлик	Вазн эйилиш ўртача эйилиш коррозиянинг ҳажм кўрсаткич	Юзанинг чизиқли ейилиши. Коррозия чуқурлигининг кўрсаткичи. Юза қаттиқлигининг ўзгариши	Ҳарорат, ишқаланиш коэффициенти, зичлик, босим вибрациялар ўзгариши

	Локал	Заарланиш юзаси йигиндиси. Юза бирлигига нұқсонлар сони. Энг катта заарланишлар үлчами	Алоҳида заарланишларни тавсифловчи күрсаткичларни тақсимлаш қонунлари. Юзанинг алоҳида участкаладаги заарланиш зичлиги	
--	-------	--	--	--

Хар қайси маҳсулотнинг чиқиши күрсаткичлари унинг асосий тавсифлари булиб, уларнинг машина эксплуатациясида үзгариши алоҳида элементларнинг заарланиш даражаси билан боғлик булиши ва уларда кечувчи эскириш жараёнлари билан таърифланиши керак.

Маҳсулот заарланиш даражасини баҳолаш күрсаткичлари 8-жадвалда келтирилган.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Заарланиш даражаси мікдори қандай баҳоланади?
2. Тулиқ заарланиш нима?
3. Юзаларни локал заарланишига таъриф беринг.
4. Зараланишнинг қандай методлари бор?

Таянч иборалар.

Эскириш, заарланиш, детал деформацияси, дифференциал, интеграл, коррозия, максимал ейилиш, ейилиши нотекислиги, питтинг, аспинка, эксплуатация, резвур, герметик, клапан, парчаланиш, контакт деформация, когезия, адгезия, пластик деформация.

Тест саволлари

- 1. Машиналарнинг берилган вазифаларини техник хужжатлар талабларига мос келувчи параметрлар бўйича бажара олиши бу –**
A) унинг ишга яроқлилигидир;
B) унинг инкорсиз ишлашидир;
C) унинг ишлаш қобилиятидир;
D) унинг унумдорлигидир;
E) унинг самарадорлигидир.

- 2. Машинанинг берилган вазифаларни белгиланган иш кўрсаткичлари қийматларини сақлаган ҳолда техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва ташиш тартиботлари шартларига мос келган ҳолда бажариш хусусияти бу –**
A) унинг ишончлилигидир;
B) унинг ишончсиз ишлашидир;
C) унинг бузуқлигидир;
D) унинг таъмирлашга яроқлилигидир;
E) унинг асосий кўрсаткичидир.

- 3. Машинанинг қандайдир ҳажмдаги ишни бажарунга қадар ўзининг ишлаш қобилиятини мажбурий танаффусларсиз сақлаш хусусияти бу –**
A) унинг пухталигидир;
B) унинг бузилиш чегарасидир;
C) унинг яроқлилигидир;
D) унинг бузилмасдан ишлашидир;
E) унинг узлуксиз ишлашидир.

- 4. Машина, агрегат, ўзел, туташманинг ўзининг ишлаш қобилиятини охирги ҳолатгача сақлаш хусусияти бу –**
A) унинг охирги ҳолатидир;

- В) унинг бошлангич кўрсаткичларири;
- С) унинг тұхтөвсиз ишлашири;
- Д) унинг чидамлилигири;
- Е) унинг асосий хусусиятири.

5. Машинанинг техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш йўли билан ишламай қолиши ҳамда нуқсонларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга мослашганлигидан иборат бўлган хусусияти бу –

- А) унинг таъмирлашга яроқсизлигидир;
- Б) унинг таъмирлашга яроқлилигидир;
- С) унинг техник хизмат кўрсатишга яроқлилигидир;
- Д) унинг капитал таъмирга яроқлилигидир;
- Е) унинг бенуқсон ишлашини таъминлашдир.

6. Буюмнинг ўз иш кўрсаткичларини сақлаши ва сакланиш муддати давомида ва бу муддат тугагандан кейин ҳам техник хужжатларда кўрсатилган қийматларда сақланиб туриш хусусияти бу –

- А) унинг сақловчанлигидир;
- Б) унинг пухталигидир;
- С) унинг ишончлилигидир;
- Д) унинг ишга яроқлилигидир;
- Е) унинг таъмирлашга яроқлилигидир.

7. Объектнинг ишлаш давомлилиги ёки ҳажми бу –

- А) унинг унумдорлигини аниқлади;
- Б) узулуксиз ишловчанлигидир;
- С) ишлаш давридир;
- Д) танаффуссиз ишлаш давридир;
- Е) бажарган ишидир.

- 8. Таъмирланаётган буюмнинг ишламай қолишлар оралигига бажарган ишининг ўртача қиймати бу –**
- A) ўртача иш ҳажмидир;
 - B) ишламай қолгунга қадар бажарган ишидир;
 - C) умумий иш давридир;
 - D) ишламай қолиш давридир;
 - E) таъмирлаш давридир.
- 9. Буюмнинг техник хужжатларидағи талабларнинг бирортасига ҳам мос келмаслиги бу –**
- A) унинг яроқсизлигидир;
 - B) унинг охирги ҳолатидир;
 - C) унинг носозлигидир;
 - D) унинг яроқлилік чегарасидир;
 - E) унинг ишлаш чегарасидир.
- 10. Объектнинг ишлаш қобилияти бузилишидан иборат бұлған ходиса бу –**
- A) унинг ишламай қолишидир;
 - B) унинг ишлаш давомийлигидир;
 - C) унинг ишлаш қобилиятыни йүқотишидир;
 - D) унинг ишлаш қобилиятыни тиклашидир;
 - E) унинг инкоридир.
- 11. Объект ишлатила бошланғандан ёки капитал таъмирланғандан то техник хужжаттарда изоҳланған охирги ҳолатта келгунга ёки ҳисобдан чиқарилгунга қадар календар ишлаш давомийлиги бу –**
- A) охирги ҳолатидир;
 - B) капитал таъмир давридир;
 - C) ўрта таъмир давридир;
 - D) таъмирлараро давридир;
 - E) хизмат муддатидир

12. Буюмнинг техник хужжатларда изохланган охириги ҳолатга қадар бажарадиган иши бу –

- A) унинг ҳажмидир;
- B) унинг самараодорлигидир;
- C) унинг хизмат муддатидир;
- D) унинг ресурсидир;
- E) унинг таъмирлашга яроқлилигидир.

13. Таъмирлараро хизмат муддати деб нимага айтилади?

- A) икки таъмир орасидаги вактга;
- B) капитал таъмир ва ўрта таъмир ўртасидаги муддатга;
- C) таъмирланган машинанинг техник хужжатларда изохланган охириги ҳолатга келгунга қадар бажарадиган ишига;
- D) таъмирланган машинанинг навбатдаги таъмиргача бўлган муддатда бажарган ишига;
- E) дастлабки ва охириги таъмир ўртасидаги ишлаш муддатига

14. Детал нима?

- A) номи ва русуми ҳар хил бўлган ашёнинг йигиш ишларини бажармасдан тайёрланган буюмдир;
- B) номи ва русуми бир хил бўлган ашёдан йигиш ишларини бажармасдан тайёрланган буюмдир;
- C) номи ва русуми ҳар хил бўлган ашёдан йигиш ишларини бажариб тайёрланган буюмдир;
- D) номи ва русуми бир хил бўлган ашёдан йигиш ишларини бажариб тайёрланган буюмдир;
- E) номи ва русуми бир хил бўлган буюмдир.

15. Йигиш жараёнидаги таркибий қисмлари ўзаро бириктирилган буюм –

- A) машинадир;
- B) ускунадир;
- C) деталдир;

Д) мосламадир;
Е) йигиш бирлигидир.

16. Бундан кейин ундан фойдаланиш мүмкін эмаслиги ёки самарадорлигининг пасайиши ёхуд хавфсизлик талабларига құра –

- А) буюмнинг охирги ҳолати белгиланади;
- Б) буюмнинг ресурсы белгиланади;
- С) буюмнинг хизмат мүддати белгиланади;
- Д) буюмнинг ишга яроқилигі белгиланади;
- Е) буюмнинг ишлаш қобиляти белгиланади.

17. Деталлар ва йигиш бирликларининг ишлаш қобилятийи йүқолишига асосан нима сабаб бұлади?

- А) уларнинг маънавий эскириши;
- Б) синишлар;
- С) ишқаланувчи иш сиртларининг табиий ейилиши;
- Д) ишқаланувчи иш сиртларининг дарз кәтиши;
- Е) оғир юкланишда ишлаши.

18. Детал ёки туташма охирги ҳолатта келадиган ейилиш ёки тирқиңшга нима дейилади?

- А) бошланғич ейилиш ёки тирқиши дейилади;
- Б) оралик ейилиш ёки тирқиши дейилади;
- С) охирги ейилиш ёки тирқиши дейилади;
- Д) чекли ейилиш ёки тирқиши дейилади;
- Е) чексиз ейилиш ёки тирқиши дейилади.

19. Машинаның чидамлилиги қайси турларга бұлинади?

- А) таъмирлашгача, таъмирлашлараро, тұлық ва нотұлық чидамлиликтарга;
- Б) таъмирлашгача, таъмирлашлараро ва тұлық чидамлиликтарга;
- С) тұлық ва нотұлық чидамлиликтарга;
- Д) рухсат этилған ва рухсат этилмаган чидамлиликтарга;
- Е) белгиланған ва белгиланмаган чидамлиликтарга.

20. Машинанинг бўзилмасдан ишлаши, чидамлилик, таъмирлашга яроқлилик ва сақловчанлик каби барча кўрсаткичлар мажмуи –

- A) унинг ишончлилик даражасини белгилайди;
- B) унинг ишлаш қобилятини белгилайди;
- C) унинг таъмирлашга яроқлилик даражасини белгилайди;
- D) унинг мустахкамлигини белгилайди;
- E) унинг таннархини белгилайди.

21. Детал ва туташмаларнинг рухсат этилган чекли ейилишини аниқлаш учун қайси мезонлар қўзда тутилган?

- A) техник ва технологик мезонлар;
- B) сифат ва сифатсизлик мезонлари;
- C) техник мезон, иш сифати ва иқтисодий мезонлар;
- D) ички ва ташки мезонлар;
- E) ички, ташки ва сифат мезонлар

22. Алоҳида тайёрланган машина таркибига кирадиган барча элементларга нима дейилади?

- A) унинг ишли органдари дейилади;
- B) унинг деталлари дейилади;
- C) унинг узеллари дейилади;
- D) унинг ноконструктив элементлари дейилади;
- E) унинг конструктив элементлари дейилади

23. Машинанинг ўз вазифаларини ишлаб чиқаришдаги энг мақбул хизмат муддати мобайнида рухсат этилган четлашишлар доирасида бажариш хусусияти ҳамда потенциал имкониятига –

- A) унинг чидамлилик кўрсаткичлари дейилади;
- B) унинг яроқлилиги дейилади;
- C) унинг пухта ишлаши дейилади;
- D) унинг мустаҳкам ишлаши дейилади;
- E) унинг техник кўрсаткичлари дейилади.

24. Машиналар улар яроқлилигининг ташкил этувчилари бўйича неча тоифага бўлинади?

- A) уч тоифага;
- B) тўрт тоифага;
- C) беш тоифага;
- D) олти тоифага;
- E) етти тоифага.

25. Бузилмай ишлашлик муддати нима билан аниқланади?

- A) объектнинг узлуксиз ишлаш вақти ёки бажарган иш ҳажми билан;
- B) объектнинг узлукли ишлаш вакти ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот сони билан;
- C) объектнинг узлукли ишлаш даври билан;
- D) объектнинг капитал таъмиргача ишлаш муддати билан
- E) объектнинг ўрта таъмиргача ишлаш муддати билан

26. Бузилиш нима?

- A) объектнинг ишга яроқсизлиги;
- B) яроқсизлик кўрсаткичи;
- C) ишончлилик кўрсаткичи;
- D) объектнинг ишлаш қобиляти;
- E) обьект иш қобилятигининг бузилиш ходисаси.

27. Таъмирланадиган буюмнинг бир бузилишдан кейинги бузилишгача бажарган ишининг ўртacha қиймати –

- A) унинг бузилгунга қадар ишлаб чиқарган маҳсулотидир;
- B) унинг бузилгунга қадар таъмирланишлари сонидир;
- C) унинг бузилгунга қадар ишлаш муддатидир;
- D) таъмирлараро даврни белгилайди;
- E) унинг таъмирлараро ишлаб чиқарган маҳсулотини белгилайди.

28. Буюмнинг топшириқда кўрсатилган вақт ичидаги ёки иш хажмини бажарунга қадар бузилмай ишлаши –

- A) унинг бузуклик даражасини белгилайди;
- B) унинг бузилмай ишлаш эҳтимоллидир;
- C) унинг бўзилмаслик кўрсаткичидир;
- D) унинг пухталик кўрсаткичидир;
- E) унинг унумдорлигини белгилайди.

29. Объект техник меъёр ва конструкторлик ҳужжатининг барча талабларини қондира оладиган ҳолатда бўлса.....

- A) у тузук ҳисобланади;
- B) у ишончли ҳисобланади;
- C) у пухта ҳисобланади;
- D) у ишга яроқли ҳисобланади;
- E) у кўпга чидамли ҳисобланади.

30. Машинанинг техник таъминлаш ва таъмирлаш давригача ўзининг ишлаш қобилятини сақлаб қолиши –

- A) у пухталик кўрсаткичидир;
- B) унинг мустахкамлигидир;
- C) унинг узокка чидимлилигидир;
- D) унинг умброкийлигидир;
- E) унинг бардошлилигидир.

31. Машина ва аппарталарнинг ўрнатилган муддатда юқори маҳсулот ишлаб чиқариш, талаб этилган функцияни барча техниковий, технологик кўрсаткичларини сақлаган ҳолда таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, сақланиш хоссаларининг тўпламига –

- A) унинг бокийлиги дейилади;
- B) унинг умброкийлиги дейилади;
- C) унинг сифатлилиги дейилади;
- D) унинг юқори сифатлилиги дейилади;
- E) унинг барқарорлиги дейилади.

32. Машина ва қурилмаларнинг ҳар хил турда бўлиши, техникавий қурилмаларнинг ишлатиш соҳасига bogланган ҳолда синфларга бўлинади.

- A) тикланадиган ва тикланмайдиган синфларга;
- B) таъмирланадиган ва таъмирланмайдиган синфларга;
- C) барқарор ва бекарор синфларга;
- D) ярокли ва яроксиз синфларга;
- E) турғун ва нотурғун синфларга.

33. «Тикланадиган» ва «тикланмайдиган» атамалари нимани тавсифлайди?

- A) таъмир ўтказиши;
- B) техник хизмат кўрсатиши;
- C) ишлатиш шароитини;
- D) объектнинг тузилиши ва хоссларини;
- E) объектнинг ишлатиш соҳасини

34. Ўзининг тўлиқ ишлаш қобилиятини йўқотиши ва бу ҳолатлар техник-меъёрий хужжатларда қайта тикланиши тавсия этилмаслигига

- A) таъмирланмайдиган деб айтилади;
- B) хизмат муддати тугаган деб айтилади;
- C) тикланмайдиган деб айтилади;
- D) таъмирга муҳтоҷлиги тушунилади;
- E) унинг яроқсизлиги тушунилади.

35. Исталган қурилма, яъни бевосита саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи манбага –

- A) технологик машина дейилади;
- B) ишлаб чиқариш тизими дейилади;
- C) техник тизим дейилади;
- D) технологик аппарат дейилади;
- E) технологик қурилма дейилади.

36. Инкор деб нимага айтилади?

- А) машина ёки аппаратнинг ишлаш қобилятини тұхтаб колишига;
- В) машина ёки аппаратнинг сифатсиз маңсулот ишлаб чиқарилишига;
- С) машина ёки аппаратнинг танаффұслар билан ишлашига;
- Д) машина ёки аппарат ишчи органларининг шовқын билан ишлашига;
- Е) машина ёки аппаратнинг сифатсиз ишлаб чиқарилишига

37. Машина ёки аппаратнинг үрнатилған муддат ичіда үзининг ишлаш қобилятини сақлашига –

- А) инкор дейилади;
- В) бузуклик дейилади;
- С) носозлик дейилади;
- Д) ишлаш даври дейилади;
- Е) инкорсиз ишлаш дейилади.

38. Технологик жиһозларнинг тұхтовсиз биринчи инкоргача ишлаб боришига - ?

- А) унинг сифатли ишлаши дейилади;
- В) унинг инкорсиз ишлаши дейилади;
- С) унинг ишлаш доимийлігі дейилади;
- Д) унинг ишлаш даври дейилади;
- Е) унинг иш муддати дейилади;

39. Машинанинг құшимча муддатда ишлашга қолған қурбига-

- А) у захира қисми дейилади;
- В) алфа фоизли ресурс дейилади;
- С) бетта фоизли ресурс дейилади;
- Д) гамма фоизи ресурс дейилади;
- Е) ресурс дейилади;

- 40. Машинанинг биринчи инкоргача ишлаш даври қайси микдорларга киради?**
- А) кутилган микдорга;
Б) кутилмаган микдорга;
С) тасодифий микдорга;
Д) тасодифий бўлмаган микдорга;
Е) асосий микдорга;
- 41. Машиналар деталларини маҳсус тиклаш воситалари таъсирида боқийлигини ўзайтиришга - ?**
- А) таъмирлаш деб айтилади;
Б) инкорсиз ишлаш деб айтилади;
С) тўхтовсиз ишлашни таъминлаш дейилади;
Д) ишлаш қобиляти дейилади;
Е) боқийлиги дейилади;
- 42. Боқийлик қайси кўрсатгичлар билан тавсифланади?**
- А) вакт бўйича;
Б) тўсиқлар сони билан;
С) ишлаш меъёри билан;
Д) вакт бўйича, тўсиқлар сони ёки бажарилган иш ҳажми билан;
Е) вакт меъёри билан;
- 43. Машиналарнинг баркарорлиги қайси тушунчалар бўйича ёритилади?**
- А) инкор ва инкорсиз ишлаши билан;
Б) инкорсиз ишлаш, боқийлик ва таъмирлашлик билан;
С) боқийлик ва носозлик билан;
Д) инкор, инкорсиз ишлаш ва таъмирлашлик билан;
Е) капитал ва ўрта таъмирлар билан;

44. Тизимдаги гидрозарбалар таъсирида келиб чиқувчи инкорларга - ?

- A) асосий инкорлар дейилади;
- B) тасодифий инкорлар дейилади;
- C) асосий емирилиш дейилади;
- D) нотекис емирилиш дейилади;
- E) маҳалий емирилиш дейилади;

45. Емирилиш миқдори нимани аниқлади?

- A) инкорлар сонини;
- B) таъмирлаш даврини;
- C) бузилишини;
- D) таъмирлаш нархини;
- E) машинанинг нархини;

46. Аппаратларнинг инкорсиз ишлаш муддати қайси коеффициент орқали ифодаланади?

- A) боқийлик коеффициенти орқали;
- B) фойдали иш коеффициенти орқали;
- C) барқарорлик коеффициенти орқали;
- D) иш вақти коеффициенти орқали;
- E) инкорлар коеффициенти орқали;

47. Аппаратларнинг боқий ишлаши қайси коеффициент орқали ифодаланади?

- A) фойдали иш коеффициенти орқали;
- B) боқийлик коеффициенти орқали;
- C) барқарорлик коеффициенти орқали;
- D) юкланиш коеффициенти орқали;
- E) ишқаланиш коеффициенти орқали;

48. Аппаратларнинг инкорсиз ишлаш эҳтимоли қайси формуладан топилади?

- A) $K_a = P(+) \prec 1$;
- B) $P_\delta = T_{P_n} / T_P + S_{T_n} \prec 1$;
- C) $t = t_1 + Z_E$;
- D) $P(t) = 1 - S(t)$;
- E) $Q(t) = P(T \prec t)$;

49. Инкор содир бўлиш тавсифига қараб қайсаларга бўлинади?

- A) доимий ва тасодифий инкорларга;
- B) дастлабки, оралиқ ва якуний инкорларга;
- C) бошлангич ва якуний инкорларга;
- D) оралиқ ва якуний инкорларга;
- E) бошлангич, доимий, кутилган ва кутилмаган инкорлар;

50. Баркарорлик кўрсатгичлари қандай катталикларга эга бўлади?

- A) катта ва кичик катталикларга;
- B) доимий ва тасодифий катталикларга;
- C) бошлангич ва якуний катталикларга;
- D) доимий ва бокий катталикларга;
- E) ўлчамли ва ўлчамсиз катталикларга;

Терминлар лугати (Глоссарий)

Болғалаш – металарга босим билан ишлов бериш усууларидан бири; бунда болға қиздирилган тайёрланмаган күп марта узлукли зарбий таъсир этиб, уни деформациялади ва у аста-секин маълум шакл ва ўлчамни олади. Чүктириш, чузиш, текислаш, ёйиш, тешиш болгалашдаги асосий операциялардир.

Бронза (италиянча бронзо) – мис асосидаги қотишина; асосий қўшимчалари рух ва никелдан ташқари қалай, алюминий, бериллий, кремний, қурғошин, хром ёки бошқа элементлардан иборат. Асосий қўшимчаси қандай элемент эканлигига қараб, бронзалар қалайли, алюминийли, бериллийли ва бошқалар деб аталади. Мустаҳкамлиги, пластиклиги, коррозиябардошлиги, антифрикцион хоссалари ва бошқалар кимматли сифатлари юкори бўлган турли бронзалар техниканинг кўп соҳаларида ишлатилади.

Валцовка (жувалаш) – 1) шатунлар, гайка қалити, қайчилар, омбирлар ва бошқалар учун тайёрланма, прокат олиш учун болғалаш жуваларида босим остида металарга ишлов бериш. Ўхшаш тайёрланмани штамглашдан кўра валстовкалашнинг унумдорлиги юкори. 2) Кувурларни юмалоқлаш учун асбоб; марказий конус билан кувур деворларига қистириладиган бир неча роликлар билан таъминланган.

Герметизация (идишларни мустаҳкам жипслаш билан шугулланган олим Гермес номига аталган) – машиналар, аппаратлар, иншоотларнинг ёки суюқлик ва газлар учун сифимларнинг деворлари ва бирикмаларини ўтказмаслигини таъминлаш. Г. усуулларига бирикмаларни пайвандлаш ва кавшарлаш, газ ўтказмайдиган қўйма деталларни, маҳсус вакуумли материалларни, герметикларни қўллаш ва бошқалар мисол бўлади.

Гетерогенизация (грек. heterogenis – ҳар хил жинсли) – металургияда – метал қотиши масида ҳар хил кристалл панжарага эга бўлган, 2 ёки бир неча фазалардан ташкил топган таркибни ҳосил қилиш.

Детал – бу йиғиш операстияларини қўлламасдан бир жинсли материалдан тайёрланган маҳсулотdir.

Десорбция (де – ажратиб олиш, олиб ташлаш, сорбео – ютаман) – каттиқ жисм (адсорбент) сиртидан ютилган моддаларни олиб ташлаш. Адсорбцияга тескари жараён. Десорбцияни үтказишида адсорбент катлами орқали иссиқ сув буғи, ҳаво ёки инернет газ пуркалиб, аввал ютилган моддалар олиб ташланади.

Динамик мустақамлик – материалнинг шаклини бўзмаган ёки ўзгартирмаган ҳолда динамик юкламалар таъсирига қаршилик кўrsatiш қобилияти.

Динамик юклама – вақт бўйича унинг қиймати, йуналиши ва қўйилиш нуктасининг ўзгаришини характерловчи ва конструкция элементларида инерстия кучларини келтириб чиқарувчи юклама.

Дисперсия (лат. дисперсио – сочилиш, тарқалиш).

Дисперслик – модданинг заррачаларга парчаланиш даражаси.

Дисперс системалар – икки ёки ундан ортиқ фазалар (жисмлар) сонидан ҳосил бўлган система. Дисперс системада фазалардан бири иккинчи фазага майда заррачалар кўринишида тарқалган. Дисперс системаларга тутун, булут, тоф жинслари, бўёклар мисол бўла олади.

Дюралюминий – бу алюминийнинг мис, магний ва марганест билан қотишмасидир. Дюралюминийдан маҳсулотлар қолиплаш, прокатлаш ва болгалаш каби босим усувлари билан тайёрланади.

Зарбий шовқин – баъзи технологик жараёнларда, масалан, кесиш прессларида ишлаган пайтда пайдо бўлади.

Йигиш базаси – ҳақиқатда маҳсулотнинг бошқа деталлари мўлжалланадиган сиртлар, чизиқлар ёки нукталарнинг тўплами.

Калибрлаш – шакли ва ўлчамлари аниқлигини ошириш учун, шунингдек кесиб ишлов берилгандан сўнг сифатини ошириш учун тешикларга ишлов бериш; пўлат шарикка босим бериш орқали амалга оширилади.

Калибрланган пўлат – маълум қисишлиар билан совуқлайн судраб чўзилган (киряланган), иссиқлайн жўваланган пўлат. Калибрланган пўлат шаклининг аниқ ўлчамлари, силлиқ сирти, юқори механик хоссалари билан фарқланади. Одатда доиравий, баъзида эса квадрат, олтибурчакли ва бошқа кўринишдаги кесимларга эга бўлиб, 6 – 15 матр ўзунликка эта.

Конденсат (лат. сонденсатус – зичлаштирилган, қуюқлаштирилган) – бүгнинг конденсациялашган маҳсулоти, яъни совитиш натижасида унинг газсимон ҳолатдан суюқ ҳолатга ўтиши.

Конденсация (лат. сонденсо – зичлайман, қуюқлаштираман) – модданинг газсимон ҳолатдан суюқ ёки кристалл ҳолатига ўтиши.

Конструкторлик базаси – конструкторнинг ҳисоби бўйича уларга нисбатан маҳсулотнинг бошқа деталлари мўлжалланадиган сиртлар, чизиклар ва нуқталарнинг тўплами.

Коромисло – ричагли механизм звеноси; қўзғалмас ўқ атрофида факат тўлиқмас бурила оладиган икки элкали ричаг.

Коррозия (лотинча сорродо – кемираман). Металарда коррозия – металарнинг ташки муҳит билан кимёвий ёки электрокимёвий таъсирашуви натижасида эмирилиши. Коррозия қуйидаги синфланади: Коррозион эмирилишнинг геометрик характеристики бўйича (масалан, сирт остидан, кристалларарабо, у ер – бу еридан); металнинг муҳит билан таъсирашув характеристики бўйича – электр токи ўтказмайдиган муҳитларда борадиган электрокимёвий; коррозион муҳит хили бўйича (масалан, атмосферада, газда); метал коррозион муҳит таъсири билан бир вактда учрайдиган кўшимча таъсири характеристики бўйича (масалан, кучланиш остидаги коррозия, ишқаланишдаги коррозия, контакт коррозия ва бошқалар). Коррозия натижасида буюмлар ўз хоссаларини материалнинг тўла эмирилишига қадар йўқотади. Коррозиянинг олдини олиш учун металга коррозиябардош компонентлар кўшилади (занглашмайдиган, коррозиябардош маҳсус пўлатлар шундай олинади), метал сиртига бошқа металар асосидаги ҳимоя қопламалари берилади (хромлаш, никеллаш ва бошқалар), буюмлар бўялади ва бошқалар.

Кривошип – кривошипли механизмининг қўзғалмас ўқ атрофида тўлиқ (3600) айланадиган звеноси. Стилиндрик чиқиқ-шипга зга; шипнинг ўқи кривошипнинг айланниш ўқига нисбатан ўзгармас ёки ростланувчан масофаларга силжиган бўлади. Кривошип тирсакли вал кўринишида тайёрланади.

Кристаллар (грек. кристаллос – муз; тоғ биллури (хрустал)) – атом, ион ва молекулалари тартибли жойлашга қаттиқ жисм

Кристаллаш – буғлар, эритмалар, аралашмалар, қаттиқ ҳолатдаги моддалардан электролиз жараёнида ва кимёвий реакцияларда кристалларнинг ҳосил бўлиши. Кристаллаш минераллар ҳосил бўлишига олиб келади. Ярим ўтказгичлар, оптик ва бошқа материаллар, метал қопламалар олишда металургия ва куймакорликнинг асосини ташкил қиласи, шунингдек кимё, фармацевтика, озиқ-овқат ва бошқа саноат соҳаларида қўлланилади.

Критик куч, эйлер кучи – сиқувчи кучнинг энг катта қиймати; бунда сиқилган эластик жисм (ўзун стержен, юпқа пластина ва бошқалар) дастлабки мувозанат шаклини сақлайди. Критик кучни бироз оширилса, жисм анча деформацияланади; бунда жисм бошқа (букилган) эластик мувозанат шаклга ўтади.

Кулачок – кулачокли механизм детали; сирпанма сиртли пластина, диск ёки цилиндр кўринишида маълум шакли қилиб тайёрланади. Кулачок ҳаракатланганда ўзига туташ деталлар (туртгич ёки штанга) га тезлиги маълум қонун бўйича ўзгарадиган ҳаракат ўзатади.

Кулачокли механизм – ўзгарувчан эгри чизикили сиртга эга бўлган қўзғалувчан звеноси (кулачок) бошқа қўзғалувчан звено (туртгич ёки штанга) билан ўзаро таъсирашадиган механизм; бунда звенолар олий кинематик жуфт ҳосил қиласи.

Кулиса (французча соулер – сирпанмоқ, югурмок) – кулисали механизмнинг қўзғалувчан звеноси; бошқа қўзғалувчан звено билан илгарилами жуфт ҳосил қиласи. Кулиса ариқаси бўйича сирпанадиган ползун баъзан тош деб аталади. Кулисанинг айланма, тебранма, тўғри чизик бўйича ҳаракатланувчи хиллари бор.

Кулисали механизм – таркибида кулиса бўлган қуий кинематик жуфтли механизм. Синусли ва тангенсли кулисали механизм ишлатилади. Бу механизмларда кулиса кривошип бурилиш бурчагининг синуси ёки тангенсига пропорционал силжиди.

Латун (немисча латун – жез) – мис билан рух (50 % гача) дан иборат қотишма. Кўпинча, алюминий, темир, марганест, никел, қўрғошин ва бошқа элементлар (умумий йигиндиси 10 % гача) ҳам қўшилади. Латун – босим остида яхши ишлов бериладиган, анча мустаҳкам, пластиклиги юқори ва коррозиябардош қотишма.

Легирланган пұлат – одатдаги аралашмалар (углерод, кремний, марганец, олтингугурт, фосфор) дан ташқари, легирловчи элементлар (кремний, марганец) одатдагидан күра күпроқ құшиладиган пұлат. Легирловчи элементлар, одатда, зриган ҳолатдаги пұлатта ферроқотишмалар ёки лиготуралар күринишида киритилади.

Легирлаш (немисча легиерен – эритмоқ, лотинча лиго – боғлайман, бириктираман) – метал қотишмалар таркибиға уларнинг түзилишини үзгартыриш, уларга муайян физик, кимёвий ёки механик хоссалар бериш учун легирловчи элементлар киритиш. Легирловчи құшимчалар, одатда, зриган металга құшилади.

Машина – энергия, материаллар ва ахборотни үзгартыришда ҳаракат бажарувчи механик курилма.

Маховик, залвор масса – залвор гардишли ғилдирак. Нотекис юкланишли машина валининг бир текисда айланишини таъминлаш учун үрнатилади. Асосий вали нотекис айлантириш моментига зга бұлған поршенли юритмалар, компрессорлар, насослар ва бошқа машиналарида механик энергияни тұплөвчи восита сифатида ишлатилади. Маховик юритма валидаги юкланишни текислайди, кичикрөк құвватдаги юритмадан фойдаланишга имкон беради.

Машинанинг технологиялығы – қисқа мұддатларда, эңг кам меҳнат ва материал сарфлаб, ишлаб чиқаришнинг белгиланган шартларыда машинани ишлаб чиқариш имконини берувиңи конструктив хоссалари.

Механизм – бир ёки бир неча каттық жисм (звено) ҳаракатини бошқа қаттық жисмларнинг талаб этиладиган ҳаракатига айлантириб берувиңи жисмлар системаси. Тузилиш-конструктив аломатларига күра механизмнинг шарнирли (ричагли), кулачокли, тишли, понасимон, винтли, әгилувчан звеноли, гидравлик, пневматик ва бошқа хиллари мавжуд. Механизмлар бир ёки бир неча зеркинлик даражасында зга бўлиши мумкин.

Механик шовқин – машиналарнинг массалари мувозанатлашмаган алоҳида узел ва деталларнинг ҳаракати натижасида пайдо бўлади.

Металнинг толиқиши – күп марталаб (даврий) деформацияланиши натижасида метал ҳолатининг үзгариши бўлиб,

унинг емирилишини тезлаштиради. Толиқишига қаршилик чидамлилик чегараси билан характерланади.

Минерал (франст. минерал – маъдан, руда) – физик хоссалари ва таркиби бўйича бир жинслиларга яқин бўлган табиий жисм, кимёвий бирикма бўлиб, ер қобигида содир бўладиган физик-кимёвий жараёнлар натижасида ҳосил бўлади. Тог жинслари, маъданлар ва бошқа геологик жисмлар минераллардан ташкил топган. 2500 дан ортиқ табиий минерал турлари мавжуд. М: силикатлар, оксиллар, гидроксиллар, фосфатлар ва х.о.

Минерал мойлар – нефтни қайта ишлаш, ёқилғи сланецлар, қазилма кўмирларнинг суюқ мойли маҳсулоти.

Нутромер – буюмларнинг ички чизиқли ўлчамлари ўлчанадиган асбоб. Конструкциясига кўра микрометрик ва индикаторли бўлади. Ўлчаш чегараси 0,2 мм дан 10 м гача.

Окувчанлик – материалнинг эластик ҳолатдан пластик ҳолатга ўтишидир.

Окувчанлик чегараси – деформацияланишнинг эластик ва пластик зоналари орасидаги чегарани белгилайди ва пластик материаллар мустаҳкамлигини баҳолашнинг асосий характеристикаси бўлиб ҳисбланади.

Пилик машинаси (ровничая машина) – йигириув корхоналарида пилик тайёрловчи машина. Пилик машинасининг асосий кисми – чўзувчи асбоб ва пишитиш-калавалаш механизмидан иборат. Пилик машинасида олинган пилик ип олишда асосий хом ашё ҳисбланади.

Пилта (лента) (немисча linte, лотинча linteus – полотнодан, зигирдан қилинган) – йигириув корхоналаридағи яримфабрикат; пилтада яримфабрикатлар озми-кўпми тўғриланган, текисланган ва параллел жойлашган бўлади. Пилта титиш, пилта, тараш машиналарида олинади.

Пластик деформация – кучлар таъсирида материал туташлиги макроскопик бўзилмаган қолдик деформация. Материалларнинг пластик деформацияга мойиллиги – конструкцион материалларнинг улардан турли буюмлар тайёрлашга имкон берувчи энг муҳим хоссаларидан бири.

Подшипник – вал ёки айланувчи ўқ таянчининг бир қисми; валдан

радиал, ўқ ва радиал ўқ йұналишида тушадиган юкланишларни қабул қилиб, унинг эркин айланишини таъминлади. Подшипник – машина, механизм ва бошқа курилмаларнинг энг күп ишлатиладиган детали. Ишлаш принстипларига күра сирпаниш ва думалаш подшипниклариға бұлади. Сирпаниш подшипникларида вал бүйни бевосита таянч сиртида сирпанади, думалаш подшипникларида эса айланувчи деталнинг сирти билан таянч сирти орасыда шарлар ёки роликлар жойлашади.

Ползун – кривошип-ползуның механизмнінг түгри чизиқли йұналтиргичларда илгарилама-қайтма қарқат қылувчы ёки ёйсімон йұналтиргичларда төбранувчы ва шатун билан шарнирли бирлаштырылған детали. Подшипник бүйлама күчларни шатунга, күндаланған күчларни эса йұналтиргичларға ұзатади.

Прибор (асбоб) – 1) ўлчаш, ишлаб чиқариш назорати, жиһозларни ҳимоялаш, машина ва ускуналарни бошқариш, технологик жараёнларни ростлаш, ҳисоблаш, ҳисобга олиш учун мұлжалланған кенг классдаги курилмаларнинг умумий номланиши; 2) Станоктар, машиналар, ташиш курилмаларидаги ишларнинг маълум бир қисмими мустакил равища бажарувчи маҳсус мосламаларнинг номланиши; 3) Ўкув-күргазмали күлланмалар – физик прибор, кимёвий прибор.

Прокат – иссиқлайн ва совуклайн прокатлаш орқали олинадиган метал маҳсулотидир (листлар, тасмалар, репслар, балкалар, кувурлар ва ҳ.о.).

Прокатлаш - прокатланадиган құйма ёки тайёрланманинг кесимини кичрайтириш ва үнга талаб этилған шаклни бериш мақсадида прокатлаш станогининг айланувчи валиклари орасыда қисиш йули билан металга босым остида ишлов бериш.

Пұлат – бу углерод билан темирнинг қотишмаси булып, унинг таркибида 2 % гача углерод мавжуд. Темир ва углероддан ташқары пұлат таркибида кремний, марганест, олтингугурт, фосфор ва бошқа элементларнинг ҳам аралашмаси мавжуд.

Резонанс (лотинча reseno – акс садо бераман, жавоб бераман) – системага таъсир этувчи ташқы күч частотаси ω нинг хусусий тебранишлар частотаси ω_0 дан бирортасига мос келгандың системанинг барқарор мажбурий тебранишлари амплитудаси A нинг кескин ортиши.

Ректификация (лат. rektificatio – түғрилаш, түзатиш) – бир неча

компонентлардан ташкил топган суюқ аралашмаларни ажратиш усули. Ректификация суюқликни бир неча марта буғлатиш ва унинг буғларини конденсациялашга ёки аралашмани бир марта буғлатиш сўнгра компонентларини кўп погонали конденсациялашга асосланган. Ректификация кимё саноатида, спирт олишда, нефтни қайта ишлаш саноатида (масалан, суюқ эритмаларни ажратиб олиш учун), шунингдек суюқлантирилган газларни ажратиш учун кўлланилади.

Силумин – алюминийнинг кремний билан қотишмасидир. Силуминлар юқори қуийш хоссаларига, яъни кам чукиш, яхши суюқ оқувчанлик ва алюминийга нисбатан юқори мустаҳкамликка эга. Бироқ бу хоссаларни олиш учун қотишмаларни қотишма массасидан 0,1 % миқдорда метал натрийси билан модификациялаш зарур.

Синхронлаш (юнонча seychrons – бир вақтли) – икки ёки ундан ортиқ жараённи синхронликка келтириш; яъни жараённинг бир хил ёки мос элементларини фаза бўйича ўзгартирмай силжитиб ёки бир вақтда ўтишига келтириш. Даврий жараёнларни синхронлаш ўзаро мувофиқликка келтириб, масалан, уларнинг давр (частота) ларини тенглаб ёки карраликка келтириб ва уларнинг бошлангич фазалари ўртасида доимий мосликни ўрнатиб эришилади.

Статик мустаҳкамлик – материалнинг шаклини бўзмаган ёки ўзгартирмаган ҳолда статик юкламалар таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилияти.

Статик юклама – қиймати, йўналиши ва қўйилиш нуқтаси жуда кам ўзгарадиган юклама. Ҳисоблашда улар вактдан боғлиқ бўлмаган ҳолда қабул қилинади ва шунинг учун бундай юкламалар ташлаб юборилади ва инерция кучлари билан шартланади. Машинанинг хусусий оғирлигини статик юкламага мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Статик шовқин – 16 дан 20000 Гст гача диапазонда куч ва частотаси бўйича турли хилдаги товушларнинг тартибсиз ҳаракати.

Суспензия (лат. suspendo – осаман) – суюқ ва қаттиқ фазалардан иборат дисперс система бўлиб, унда майда қаттиқ заррачалар суюқликда муаллак (аралашмаган) туради (м., лойка сув). Қоғоз, резина, бўёқ ва бошқаларни ишлаб чиқаришда суспензия муҳим рол ўйнайди.

Танда – тўкувчиликда газлама бўйича кэтадиган параллел иплар, газлама тўқиши жараённида танда иплари одатда ўзларига тик жойлашган

арқоқ иплари билан үріләди.

Тахометр (юонч тағы – жадаллик, тезкор ва ... метр) – машина ва механизмлар деталларининг айланиш частотаси (бурчак тезлиги)ни үлчайдиган асбоб. Тахометрнинг магнит, вибрасион, интегралловчи соат, стробоскопик, интегралловчи электрон, магнит индукцион, магнит электрик, частота импульси, ферродинамик, электрон-хисобловчи (ракамли), пневматик ва бошқа хиллари бор. Тахометрнинг үлчаш чегаралари 0 дан 1000000 айл/мин гача. Иш диапазони чегарасида рухсат этиладиган хатолик $\pm 0,05$ дан $\pm 4\%$ гача.

Тебранишлар частотаси – даврий тебранишларнинг микдорий характеристикаси булиб, тебранишлар цикли сонининг уларни амалга ошиши вактига нисбати билан аникланади.

Тембр – инсон, мусика асбоби ва бошқалар томонидан чиқарыладиган товуш сифатининг баҳоси.

Текстолит – (лат. *textus* – газлама, грек. *lithos* - тош) – ип – газлама асосидаги қатламли пластик (шифон, бұз ва бошқалар) булиб, синтетик бөгловчилар билан шимдирилган. Текстолит лист, стержен, кувур күренишида ишлаб чиқарылади. Шестернялар, подшипникларнинг ичкүймалари (вкладиш) ва бошқалар учун құлланилади.

Тензородатчик (лотинча *tensus* – зүриқкан, тарангланған ва датчик) – қаттық жисмларнинг деформацияланышини электр сигналларга айлантириб бередиган курилма; электр тензорезисторнинг таркибий қисми. Қаршилик тензородатчиғи (тензорезистор) нинг иши метал сим (ёки фольга – зар қоғоз) нинг деформацияланғанда (чұзилғанда ёки сиқилғанда) үз электр қаршилигини үзгартыриш хоссасига асосланған. Түзилиш жиһатидан қаршилик тензородатчиғи сим (константан, никел ва молибден асосидаги қотышмалар ва бошқалар) ёки фолга (баъзан ярим үтказгич) панжарасидан иборат булиб, синалаёттан детал сиртига элимлаб ёпиштириләди. Енимлаб ёпиштирилмайдиган тензородатчиклар ҳам бор. Уларнинг афзаллігі: күндаланғ тезосезгирлиги йүклиги ва гистерезиси кичиқлігі.

Технологик база – берилған операстияда ишлов берилаёттан сирт мүлжалланадиган сиртлар түплами.

Технологик жараён – маҳсулотларни вакт ва фазо бүйича режали, маълум кетма-кетликда ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми ёки

технологик операциялар мажмуи. Масалан, пайвандлашдаги технологик жараён деталларни тайёрлаш, ўрнатиш, пайвандлаш ва пайванд узелини тозалашдан иборат бўлиши мумкин. Технологик жараён технологик хужжатлар таркибига кирувчи технологик ёки маршрут хариталарида баён қилинади. Маълум хилдаги буюмлар учун намунавий ёки гурӯҳли технологик жараёнлар ишлаб чиқилади.

Технология (юононча *techno* – санъат, маҳорат, удалаш ва ... *logiya*) – ишлаб чиқариш жараёнида тайёр маҳсулот олиш учун ишлатиладиган хом ашё, материал ёки ярим фабрикатларнинг ҳолати, хоссаси ва шаклларини ўзгартириш, уларга ишлов бериш, тайёрлаш усуллари мажмуи; хом ашё, материал ва ярим фабрикатларга мос ишлаб чиқариш куроллари таъсир этиш усуллари ҳақидаги фан. Ҳар бир ишлаб чиқариш тармоқлари учун алоҳида технология ишлаб чиқилади (машинасозлик технологияси, асбобсозлик технологияси, озиқ-овқат технологияси, енгил саноат технологияси ва бошқалар).

Урчук (*veretino*) – патрон, найча, ғалтак ва бошқалар кийдириладиган айланувчи стержен; пилтани, калава ип ва ипларни пишитиш ҳамда маълум ўлчам ва шаклда ўрамлар ҳосил қилишга мўлжалланган пилта, йигириш, йигириш-пишитиш, пишитиш ва ўраш машиналарининг асосий иш органлари.

Фаза (грек. *phases* – пайдо бўлиш) 1) тебраниш ва тўлқинлар назариясида – вақтнинг ҳар бир вазияттуда тебраниш жараёнининг ҳолатини аниқловчи катталик. 2) термодинамикада – гетероген термодинамик системанинг барча қисмлари тўплами бўлиб, у бўлинма сиртлари билан чекланган ва ташки куч майдони таъсир этмаганда ўзининг барча нукталарида бир хил физик хоссалари билан характерланади. Масалан, газлар аралашаси ёки эритма битта фазадан, муз-сув-сув буги эса учта фазадан ташкил топган. 3) электротехникада – кўп фазали занжир таркибига кирувчи электрик занжирлардан бири.

Фрикцион узатма – валларга ўрнатилиб, бир-бирига сикиладиган диск, цилиндр ёки конуслар орасида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи ёрдамида бир валдан бошқасига айланма ҳаракат ўзатадиган механик узатма. Фрикцион узатма поғонасиз ўзатмалар, фрикцион пресслар ва фрикцион болғаларда ишлатилади.

Храповикли механизм – ричагнинг қайтар-айланма ҳаракатини

оралиқ механизм ёрдамида храповик (тишли) гилдиракнинг фақат бир томонга узлукли айланма ҳаракатига айлантирадиган тишли механизм. Храповикили механизм ушлаб турадиган курилма (масалан, юк күтариш машиналарида) сифатида ёки тұхтаб-тұхтаб битта йұналишда даврий айланма ҳаракат олишда (масалан, автоматик линиялардаги суриш механизмлари) ишлатилади.

Шарнирли механизм – барча звенолари фақат айланма кинематик жуфт ҳосил қиласынан механизм. Шарнирли механизмнинг текис ва фазовий хиллари бор. Машина иш органлари звеноларининг доимий боғланишини таъминлаш учун пружиналар ва бошқа курилмалардан фойдаланмай мураккаб ҳаракат олиш (масалан, кулачокли механизмларда) имкони борлыги, тайёрлашнинг осонлигиги, фойдали иш коэффициентининг юқориилигиги, күпга чидамлилигиги унинг афзаллигидир.

Шатун – машина поршени ёки ползунининг илгарилама ҳаракатини тирсакли вал кривошипининг айланма ҳаракатига айлантирувчи кривошип ползунли механизмнинг детали.

Штамповка (штамплаш, қолиплаш) – тайёрланмани штампларда (қолипларда) пластик деформациялаш натижасыда материалларга босым остида ишлов бериш жараёни. Штамплашда қиринди йұнмасдан шакл ҳосил бұлади, юқори унумдорликда юқори аниқлікдаги маҳсулот олинади. Бошлангич тайёрланмадан боғлиқ равиша листли (тунукали) ва ҳажмий, совуқлайн (хона ҳароратида) ва иссиқлайн (қиздириб) штамплаш турлари мавжуд.

Цементит, темир карбиdi – темир углеродли қотышмалар фазаси; таркибida 6,67 % углерод бұлған темир ва углероднинг кимёвий бирикмаси Fe₃C мұрт ва жуда қаттық.

Цементлаш металарга ишлов беришда – метал буюмларга сиртқи қатламларини 900-950 °C да углерод билан диффузион түйинтириб кимёвий-термик ишлов бериш (углеродлаш). Цементтлашдан мақсад - қаттықлигини, ейилишга чидамлилигини ва толиқишига пухталигини ошириш. Цементтлаш газ аралашмаларида, тузлар әртилған ванналарда бажарилади. Цементланган қатламдаги углероднинг оптималь миқдори 0,8-9 % ни ташкил этади.

Центрифуга (лат. центрум – марказ ва фуго – қочиш) – стентрифугалаш учун курилма.

Центрифугалаш – марказдан қочирма күч ёрдамида бир жинсли бұлмаган системаларни (масалан, суюқлик – қаттық жисм) ажратиши. Суспензияларни ажратиши, ифлосланған суюқликларни тиндириши, қаттық заррачаларининг йириклиги бүйича кукунларни гидравлик таснифлаш ва бошқалар учун құлланилади.

Чүзиш асбоби – тұқымачилек корхонасининг йигириш, пилта, пилик ва бошқа машиналарнинг асосий іш органларидан бири; пилик ёки пилтанинг қалинлігінің камайтиришга хизмат қылады; бунинг учун пилик ва пилта көвурғағы метал цилиндр ва уларға босиб турадыган эластик қопламалы валиклар орасидан үтказилади; айни вақтда толалар тұғриланади ва параллеллаштирилади.

Чүян – бу таркибіда 2 - 6,7 % углерод бұлған темир қотишимасидир. Чүянда темир ва углероддан ташқари кремний, марганест, фосфор, олтингугурт ва бошқа элементларнинг аралашмалари бўлиб, улар чүянда бошланғич материаллардан үтади. Олтингугурт ва фосфор заарарли аралашмалар бўлиб ҳисобланади.

Экстракция (лат. Extrano – тортиб оламан, чиқариб оламан) – танлаб олинган эритувчида ишлов беріб, қаттық ёки суюқ аралашмаларни тулиқ ёки қисман ажратиб олиш усули. Эритувчи миқдорини ошириш, аралаштириш, жараёнларни тескари оқимли схема бүйича үтказишида экстракция самарадорлиги ошади. Тоза фармацевтика воситаларини, кимёвий воситаларни олишда, шакар ишлаб чиқариш ва бошқаларда экстракциядан фойдаланилади.

Эксцентрик (лотинча ex – ташқарыда ва sentrum – марказ) – машиналар детали; айланиш үки геометрик үққа нисбатан маълум масофага силжиган стилиндр ёки дискка эксцентриситет дейилади. Баъзан, эксцентрик машиналарда кичик радиусли кривошип ўрнини ҳам босади.

Куйма – эритилган метални куйиш орқали олинадиган тайёрланма ёки деталнинг куйма шакли. Куймалар кулранг чүяндан, углеродли ва легирланған пұлатлардан, рангли қотишималардан тайёрланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Указ Президента Республики Узбекистан №ПУ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».
2. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-2687 от 21 декабря 2016 года «О программе мер по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017-2019 годы».
3. В.В.Ельцов. Восстановление и упрочнение деталей машин. Электронное учебное пособие. ФГБОУ ВПО “Тольяттинский государственный университет”, 2015.
4. Бурумкулов Ф.Х. и др. Стандартизация и качество машин, Изд. Стандартов 1975.
5. Пирогов К.М., Вяткин Б.А. «Основы надежности текстильных машин» М. 1985 й.
6. Зизюкин М.И. “Надежность текстильных и швейных машин” М.1973 й.
7. Безудный Ф.Ф. и др. “Расчет надежности производственных систем в текстильной и легкой промышленности” М. 1977 г.
8. Елизаветин М. А. Повышение надежности машин. 2-е изд., перераб. и доп. М., 1973.
9. Косетский Б. И. Сопротивление изнашиванию деталей машин. Киев, 1953.
10. Косетский Б. И., Носовский И. Г. Износостойкость и антифрикционность деталей машин. Киев, 1965.
11. Крагельский И. В. и др. Основы расчетов на трение и износ Крагельский И. В., Добычин М. Н., Комбалов В. С. М., 1977.
12. Пронников А. С. Основы надежности и долговечности машин. М.,1969.
13. Ткачев В. Н. и др. Методы повышения долговечности деталей машин- Ткачев В. Н., Фиштейн Б. М., Власенко В. Д., Уланов В. А. М., 1971.
14. Худух М. И. Ремонт и монтаж оборудования текстильной и легкой промышленности. 2-е изд., перераб. М., 1980.
15. Худух М. И. Эксплуатационная надежность и долговечность оборудования текстильных предприятий. М., 1980.

16. Шор Я. Б., Кузмин Ф. И. Таблицы для анализа и контроля надежности. М., 1968.
17. Маҳкамов Қ.Х., Алматаев Т. Машиналар пухталиги. Ўкув қўлланма. - Андижон: Ҳаёт, 2002.
18. Юлдашев Ш.У. Машиналарни таъмилаш ва ишончлилик асослари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
19. Болотин В.В. Ресурс машин и конструкций. - Москва: Машиностроение, 1990.
20. Маҳкамов Қ.Х. Расчет износстойкости машин. - Ташкент: ТашГТУ, 2002.
21. Сафоев А.А., Ахмедов А.М. Машиналар пухталиги. - Тошкент: 2007.
22. Ш.У Йўлдошев. Машиналар ишончлилиги ва уларни таъмилаш асослари. Тошкент: Ўзбекистон, 1994.
23. Textbooks Reliability of light industry equipment. Second edition. Terri Wireman.
24. Интернет сайллари.
- <https://www.threadcheck.com/content/services/>
- <https://www.threadcheck.com/catalog/product/view/id/576/s/developing-performance-indicators-for-managing-maintenance-second-edition-cd-rom-in-pdf/category/35/>
- <https://www.threadcheck.com/maintenance-reliability-books/>
- www.Ziyonet.uz
- www.lex.uz
- www.kitob.uz
- www.Edu.uz
- www.ref.uz
- www.ref.ru
- www.library.ru
- www.ebsco.com

Қурбонов Ф.А., Бекбулов Ш.Х.

**ЕНГИЛ САНОАТ
ЖИҲОЗЛАРИ ПУХТАЛИГИ**

ўқув қўлланма

Муҳаррир:	Х.Б.Дустов
Техник муҳаррир:	С.Шодиев
Мусахҳих:	Т.Латипова
Саҳифаловчи:	Ш.Қаҳхоров

Нашриёт лицензияси А-І № 281 11.01. 2016.
Оригинал макетдан босишига руҳсат этилди. 17.12.2019 йил.
Бичими 60x84. “Times New Roman” гарн. Офсет қоғози.
Босма табоғи 10,75. Адади 100. Буюртма № 1900.

“Бухоро вилоят босмахонаси” МЧЖда чоп этилди.
Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 27-үй.



ISBN 978-9943-6218-4-8

9 789943 621848